

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**К.Б.ТУРСУНОВ, Н.Р.РАЖАБОВ**

**ИНВЕСТИЦИОН МУҲИТ  
ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ  
БОШҚАРИШНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

«Инновацион ривожланиш  
нашриёт-матбаа уйи»  
Тошкент – 2021

УДК:330.5(575.1)

КБК 65.013.

И 80

И 80 К.Б.Турсунов, Н.Р.Ражабов. Инвестицион муҳит жозибадорлигини бошқаришни такомиллаштириш. Монография. - Т.: «Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи», 2021, 212 бет.

ISBN: 978-9943-7528-7-0

Монографияда инвестицион муҳит жозибадорлигининг моҳияти, таркиби ва баҳолаш мезонларини тадқиқ этиш, уни бошқаришнинг замонавий тенденциялари, эркин иқтисодий зоналарнинг инвестицион салоҳияти ва иқтисодий-ҳуқуқий мақоми инвестицион муҳит жозибадорлигини баҳолашнинг илмий-услубий жиҳатлари, хорижий инвестицияларни жалб қилишда Навоий эркин иқтисодий зонаси имкониятларидан фойдаланиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва инвестицион муҳит жозибадорлиги ўртасидаги боғлиқликни ифодаловчи эконометрик моделлар, Навоий ЭИЗининг инвестицион салоҳиятига таъсир этувчи омиллар ва улардан фойдаланиш самарадорлигини таҳлили ўрганилган. Шунингдек, зонал сиёсат: инвестицион муҳит жозибадорлигини самарали бошқариш истикболлари, ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш орқали инвестицион муҳит жозибадорлигини бошқаришни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари, Навоий вилоятининг инвестициявий салоҳиятини оширишда ҳудуд имиджини яратиш хусусиятларини тадқиқ қилинган ва инвестицион салоҳиятни барқарорлик кўрсаткичлари орқали бошқариш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

#### **Масъул муҳаррир:**

И.ф.д., проф. Ш.И. Мустафақулов

#### **Тақризчилар:**

**Юлдашев Н.Қ.** – ТДИУ, «Менежмент» кафедраси мудири, профессор, и.ф.д.

**Хотамов И.С.** – ТДИУ, «Саноат иқтисодиёти» кафедраси мудири, доцент, и.ф.н.

*Монография ТДИУ илмий кенгаши (2021 й. 30 сентябрдаги 2-сон) қарорига асосан чоп этилди.*

УДК:330.5(575.1)

КБК 65.013.

ISBN: 978-9943-7528-7-0

© «Инновацион ривожланиш  
нашриёт-матбаа уйи» – 2021.

## М У Н Д А Р И Д А

КИРИШ .....	5
I БОБ. ИНВЕСТИЦИОН МУҲИТ ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ БОШҚАРИШНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ.....	10
1.1. Инвестицион муҳит жозибаторлигининг моҳияти, таркиби ва баҳолаш мезонлари.....	10
1.2. Инвестицион муҳит жозибаторлигини бошқаришнинг замонавий тенденциялари.....	23
1.3. Эркин иқтисодий зоналар: уларнинг инвестицион салоҳияти ва иқтисодий-ҳуқуқий мақоми.....	30
1.4. Инвестицион муҳит жозибаторлигини баҳолашнинг илмий-услубий жиҳатлари.....	38
I боб бўйича хулосалар.....	49
II БОБ. НАВОИЙ ВИЛОЯТИДА ИНВЕСТИЦИОН МУҲИТ ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ БОШҚАРИШНИНГ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ.....	52
2.1. Хорижий инвестицияларни жалб қилишда Навоий эркин иқтисодий зонаси имкониятларидан фойдаланиш .....	52
2.2. Ҳудуднинг иқтисодий ривожланишга инвестицион муҳит жозибаторлигини таъсирининг эконометрик моделлари .....	73
2.3. Навоий ЭИЗининг инвестицион салоҳияти: таъсир этувчи омиллар ва фойдаланиш самарадорлиги таҳлили .....	85
II боб бўйича хулосалар.....	107

III БОБ. ИНВЕСТИЦИОН МУҲИТ ЖОЗИБАДОРЛИГИ: САМАРАЛИ БОШҚАРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ .....	109
3.1. Зонал сиёсат: инвестицион муҳит жозибадорлигини самарали бошқариш истиқболлари .....	109
3.2. Ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш орқали инвестицион муҳит жозибадорлигини бошқаришнинг асосий йўналишлари.....	121
3.3. Саноат тармоқларининг инвестицион салоҳиятини барқарорлик кўрсаткичлари орқали бошқариш йўллари.....	134
3.4. Навоий вилоятининг инвестициявий салоҳиятини оширишда ҳудуд имиджини яратиш хусусиятлари .....	152
III боб бўйича хулосалар .....	165
ХУЛОСА .....	168
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....	173
Иловалар .....	187
Муаллифлар илмий мақола ва ишланмалари .....	206

## КИРИШ

Жаҳон мамлакатларининг иқтисодий ҳаракатга келтирувчи, унинг тараққиётини таъминловчи ва юксак даражада тараққий этишида ҳал қилувчи драйвер сифатида инвестицион сиёсатни бошқариш муҳим аҳамият касб этади. «Жаҳонда 2019 йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 1,54 триллион АҚШ долларни ташкил этган бўлса-да, 2020 йил якунлари бўйича унинг ҳажми 40 фоизгача пасайган»[1]. Ушбу тенденция мамлакатларнинг инвестицион салоҳияти заифлашуви билан боғлиқ бўлиб, айти пайтда улар инвестицион фаолиятни барқарорлик кўрсаткичлари орқали бошқариш, эркин иқтисодий зоналар фаолиятини кенгайтириш ва ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш асосида қулай инвестицион муҳит яратишга эришмоқдалар.

Жаҳоннинг нуфузли молия муассасалари, хусусан Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди, БМТнинг Тараққиёт дастурлари сингари халқаро ташкилотлар томонидан инвестицион муҳит жозибadorлигини баҳолаш ва самарали инвестиция қарорларини қабул қилиш, эркин иқтисодий зоналарнинг иқтисодий-ҳуқуқий мақомини ошириш ва уларни оптимал жойлаштириш, инвесторлар учун қулай муҳит яратиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ҳозирги кунда жаҳонда инвестицион муҳит жозибadorлигини ҳисоблаш индикаторлари ва уни баҳолашнинг илмий-услубий жиҳатларини халқаро стандартлар талаблари даражасида ташкил этиш, инвестицион муҳит жозибadorлигини самарали бошқаришнинг зонал сиёсатини ишлаб чиқиш, инвесторлар

фаолияти самарадорлигини таъминлашда «инвестицион мавқеи»ни шакллантириш каби устувор йўналишларда илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида 2021 йилнинг асосий ижтимоий-иқтисодий ривожланиш мақсадлари сифатида “Ислохотларнинг пировард мақсади камбағалликни қисқартириш ва аҳоли фаровонлигини оширишдан иборат” бўлиши, “ушбу стратегик мақсадларга ҳамма учун тенг имконият яратадиган юқори иқтисодий ўсиш ҳисобига эришилиши”<sup>1</sup> белгилаб берилган. Ҳамма учун тенг имконият яратадиган юқори иқтисодий ўсишга эришишнинг тўртинчи устувор йўналиши сифатида “аввало, рақобатдош саноат занжирларини яратиш ҳамда бундай лойиҳаларга инвестицияларни кўпайтириш орқали эришилиши”<sup>2</sup> назарда тутилган.

Ўзбекистонда инвестиция муҳитини янада яхшилаш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш, инвесторларнинг инвестицион сиёсат изчиллигига бўлган ишончини мустаҳкамлаш ва давлат тузилмаларининг инвесторлар билан ишлашдаги масъулиятини ошириш, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш жараёнларини бошқариш, баланслашган инвестицион сиёсатни шакллантириш, инвестицион фаолликни таъминлаш орқали миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакатда инвестицион фаолиятдаги таваккалчиликнинг юқорилиги, инвестицион муҳитни шакллантиришнинг минтақалар учун мослашувчан моделларининг қўлланилмаслиги, эркин иқтисодий зоналарда амалга оширилётган лойиҳаларнинг яқунланмаслиги, потенциал ва истиқ-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. «Халқ сўзи» газетаси, 2020 йил 30 декабрь № 276 (7778) сони.

<sup>2</sup> Ўша манба.

болли инвесторларнинг самарали фаолиятини таъминлашнинг ташкилий-иқтисодий механизмини ишлаб чиқиш масалалари муҳим аҳамият касб этмоқда. Инвестицион муҳит жозибадорлигини ошириш йўналиши сифатида «мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш, инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш, янги ишлаб чиқариш қувватлари ва иш жойларини яратиш, инфратузилмани такомиллаштириш ҳамда ҳудудларни ободонлаштириш ва халқ фаровонлиги даражасини ошириш»[2] бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Мазкур вазифаларнинг самарали ижроси республикамизда инвестицион муҳит жозибадорлигини бошқаришни такомиллаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 1 августдаги ПФ-5495-сон «Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 2 июндаги ПФ-6003-сон «Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизмини жорий қилиш тўғрисида»ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 22 июлдаги 616-сон «Инвестиция лойиҳаларини назорат ва мониторинг қилиш соҳасида ахборот тизимини жорий этиш ва ундан фойдаланиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Инвестицион муҳит жозибадорлигини бошқариш муаммолари хорижий олимлардан Й.Шумпетер[3], Ф.Хаек[4], М.Пор-

тер[5], П.Кругман[6], М.Фужита[7], М.Муре[8], К.Махн[9], Ли-Ю-Хонг[10], Р.Жемес[11], ва бошқа шу каби олимларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари олимлари, хусусан, О.А.Бияков[12], А.Г.Гранберг[13], Ю.А.Гаджиев[14], В.К.Ломакин[15] Я.Д.Лисоволик[16], Г.Л.Азоев[17], Б.С.Жихаревич[18], Р.Фатхутдинов[19], Ю.В.Савельев[20], Б.М.Гринчель[21] ва бошқаларнинг асарларида инвестицион бошқарув назариялари, инвестицион муҳит жозибадорлигини бошқариш жараёнидаги менежмент функциялари, давлатнинг самарали инвестицион муҳит яратиш жараёнларини бошқариш масалалари ўрганилган.

Ўзбекистонда инвестицион муҳит ва инвестицион жозибадорликни оширишнинг илмий-методологик асосларини такомиллаштириш, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда эркин иқтисодий зоналар фаолияти самарадорлигини ошириш ҳамда хорижий инвестициялардан самарали фойдаланиш масалалари М.Абдусалямов[22], Т.Ахмедов[23], Д. Ғозибеков[24], Ш.Мустафакулов[25], А.Қаюмов[26], А.Содиқов[27], А.Солиев[28], Н.Ҳайдаров[22], Ф.Эгамбердиев[29] ва бошқа олимларнинг асарларида ўз аксини топган.

Бироқ, мазкур йўналишда амалга оширилган илмий тадқиқот ишларининг кўламига қарамадан инвестицион муҳит жозибадорлигини бошқаришда ҳудудий ишлаб чиқариш комплекслари, иқтисодий районлаштириш, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва ривожлантириш концепциялари, эркин иқтисодий ва зонал ҳудудларни бошқаришнинг ташкилий услубий жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилмаган. Бу эса инвестицион муҳит жозибадорлигини бошқариш йўналишларини чуқурроқ тадқиқ этишни тақозо этади.

Монография таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.



Монографиянинг кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот ишининг «Инвестицион муҳит жозибadorлигини бошқаришнинг назарий-услубий асослари» номли биринчи бобида инвестицион муҳит жозибadorлигининг моҳияти, таркиби ва баҳолаш мезонлари, инвестицион муҳит жозибadorлигини бошқаришнинг замонавий тенденциялари, инвестицион муҳит жозибadorлигини баҳолашнинг илмий-услубий жиҳатлари эркин иқтисодий зоналарнинг инвестицион салоҳияти ва иқтисодий-ҳуқуқий мақоми масалалари тадқиқ этилган.

Ишнинг «Ўзбекистон Республикасида инвестицион муҳит жозибadorлигини бошқаришнинг амалдаги ҳолати» номли иккинчи бобида муаллифлар томонидан Хорижий инвестицияларни жалб қилишда Навоий эркин иқтисодий зонаси имкониятларидан фойдаланиш, ҳудуднинг иқтисодий ривожланишига инвестицион муҳит жозибadorлиги таъсирининг эконометрик моделлари, Навоий ЭИЗининг инвестицион салоҳиятига таъсир этувчи омиллар ва ундан фойдаланиш самарадорлиги таҳлили баён этилган.

Тадқиқотнинг «Инвестицион муҳит жозибadorлиги: самарали бошқаришнинг асосий йўналиш ва истиқболлари» номли учинчи бобида муаллифлар томонидан зонал сиёсатнинг инвестицион муҳит жозибadorлигини самарали бошқариш истиқболларидаги аҳамияти ва вазифалари, ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш орқали инвестицион муҳит жозибadorлигини бошқаришнинг асосий йўналишлари, саноат тармоқларининг инвестицион салоҳиятини барқарорлик кўрсаткичлари орқали бошқариш йўллари ёритилган.

Ишнинг хулоса қисмида Навоий ЭИЗ мисолида инвестицион муҳит жозибadorлигини бошқаришни такомиллаштириш юзасидан умумий хулосалар берилган, муаммоларни ҳал этишга оид таклифлар баён қилинган.

# **I БОБ. ИНВЕСТИЦИОН МУҲИТ ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ БОШҚАРИШНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ**

## **1.1. Инвестицион муҳит жозибаторлигининг моҳияти, таркиби ва баҳолаш мезонлари**

XXI аср бошларига келиб, мамлакатлар иқтисодиётида инвестицияларни жалб этиш, ўзаро товар айирбошланиши учун турли хилдаги иқтисодий иттифоқларга кўшилиш, меҳнат ва капиталнинг эркин ҳаракатини таъминлашга қаратилган иқтисодий сиёсатлар оммалашиб борди.

Йирик ҳудудий марказлар ҳиссасига жаҳон ЯИМнинг 81 фоизи, экспортнинг 62 фоизи, инвестицияларнинг 83 фоизи тўғри келмоқда[30].

Инвестиция сиёсати ҳар қандай мамлакатларнинг иқтисодий тараққиётини берилган ва унда саноатни ривожланиш энг асосий йўналиш ҳисобланади. Миллий иқтисодиётни комплекс ривожлантиришда инвестицион жозибаторликни бошқариш инвестиция сиёсатини самарали юргизишни талаб этади ҳамда иқтисодий тармоқларнинг таркибий ўзгаришлари амалга оширишни таъминлайди.

Иқтисодиётнинг реал сектор тармоқларига инвестициялар оқимини жалб қилиш иқтисодий ривожланишнинг янги босқичини бошлаб берадиган асосий омилдир. Демак, инвестициялар ҳар қандай иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи, унинг тараққиётини таъминловчи, иш ўринларини яратувчи, аҳоли-

нинг даромад манбаини шаклланишига ҳисса қўшувчи куч экан, барча имкониятларни ишга солиб иқтисодиётга йўналтирилайдиган инвестициялар ҳажмини ошириш лозим.

Ўзбекистонда инвестицион муҳит жозибadorлигини бошқариш масалалари бўйича илмий-назарий, услубий ва амалий жиҳатлари борасида мустақил тадқиқотлар олиб бориш етарли даражада эмас. Иқтисодий адабиётларда инвестицион муҳит жозибadorлиги сифатида турли тушунчалар талқин қилинмоқда(1-илова). Мамлакатимизда инвестицион муҳит жозибadorлиги иқтисодчи-олимлар томонидан кам ўрганилган мавзулардан бири эканлиги билан бирга, ушбу масалага ҳозирда янгича ёндашув зарурлигини тақозо этмоқда.

Хорижий иқтисодчи-олимлар талқинида бу тушунча кўпроқ «бизнес муҳити» тушунчаси билан маънодош сифатида кўрсатилмоқда. Жумладан, Дж.Д.Дэниелс ва Ли.Х.Радеба фикрича, 70-80-йиллардаги ТМКлар ҳозирда «бизнес муҳити талабларига мослашув шартларини тўлиқ кўчириб олишга улғурдилар (environmental scanning)»[31].

Дж.Доунс ва Г.Эллиотнинг таъкидлашларича «инвестицион муҳит инвестициялар самарадорлигига таъсир кўрсатувчи иқтисодий, молиявий ва бошқа шароитлардир»[32].

Хорижий тадқиқотчилар «инвестицион муҳит», «инвестицион иқлим» каби категорияларнинг мазмуни «бизнес муҳити» тушунчасига яқин деб қараб, уни капитални қўйишнинг рисклилиқ даражаси ва аниқ объектга инвестиция қилишнинг жозибadorлиги даражасини шакллантирувчи ташқи шарт-шароитлар мажмуи сифатида талқин этадилар.[33]

Жумладан, С.Ю. Сивакованинг фикрича, мазкур категориялар хорижий амалиётда тўлиқ синоним тушунчалар сифатида қўлланилади[34]. Тараққиёт тадқиқотлари институти (IDS, University of Sussex) вакиллари М.Мур ва Х.Шмитц ушбу ту-

шунчаларнинг фарқланиши лозимлигини таъкидлашади ва уни асословчи омилларни баён этишади[8]. Уларнинг фикрича, бизнес муҳитининг (ёки инвестицион муҳитнинг) яхшиланиши бизнесни юритиш учун харажатларни камайтириш имконини, инвестицион муҳитнинг яхшиланиши эса – капитални инвестициялашдаги рискларни пасайтириш имконини кўзда туттади.

Маҳаллий иқтисодчи-олимларимиздан Д.Ғозибеков фикрича, «инвестицион муҳит жозибadorлиги – инвесторлар учун яратилган, кафолатланган шарт-шароитлар ва имкониятларнинг мавжудлигининг асослари мажмуидир»[24].

Ш.Мустафақуловнинг таъкидлашича, «мамлакатнинг интеграл инвестицион жозибadorлиги – бу мамлакатнинг хўжалик ривожланиш шароитларини тавсифловчи ва ундаги инвестицион фаолликнинг шаклланишига ижобий ёки салбий таъсир кўрсатадиган объектив ижтимоий-иқтисодий, табиий-географик ва экологик кўрсаткичларнинг умумий даражасидир»[25].

Мамлакатимизда инвесторлар учун қулай инвестицион муҳит яратилган, имтиёзлар берилган ва преференциялар тизими яратилган. Мамлакатда қулай инвестиция муҳитини шакллантирадиган омиллар 2-иловада келтирилган.

Ривожланган ва изчил тараққий этаётган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ўзининг чегараси доирасида умумий инфратузилмани қўллаб-қувватлаш, ҳудудлараро ва минтақалараро интеграцияни чуқурлаштиришнинг янги методларини қўллаш асосида мамлакат рақобатдошлиги, инвестицион муҳит жозибadorлигига тўлалигича боғлиқдир.

Шу сабабли, инвестицион муҳит жозибadorлиги ва унга таъсир этувчи янги омилларни ўрганиш ҳозирги замон фанининг янги ва мураккаб тадқиқ предмети сифатида намоён бўлмоқда. Инвестицион муҳит жозибadorлигини бошқариш

йўналишларини назарий-методологик асослари олимларимиз томонидан ўрганилмаган ва тизимлаштирилмаган. Инвестицион муҳит жозибadorлиги кўплаб тадқиқотларда ҳудудий ишлаб чиқариш комплекслари, иқтисодий районлаштириш, ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва жойлаштириш концепцияларига[35] таяниб қолиши Штейн. Е.М. тадқиқотларида асосланган.

*1.1-жадвал*

**2014-2019 йиллар учун Ўзбекистон Республикаси  
ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий  
кўрсаткичлари<sup>3</sup> (млрд. сўм)**

№	Кўрсаткичлар	2014й.	2015й.	2016	2017й.	2018й.	2019й.
	ЯИМ, жами	145 846,4	171808,3	199325,1	249136,4	407514,5	524200,0
	Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	133366,2	156731,0	182071,9	220982,2	362687,9	46811,3
	Саноат маҳсулоти	84011,6	97598,2	111869,4	144185,3	181563,3	236032,3
	Истеъмол товарлари	33868,5	42085,5	48253,8	56159,4	67946,3	88330,2
	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари	39737,3	45176,4	47486,1	69504,2	86321,9	112218,5
	Асосий капиталга киритилган инвестициялар	35233,3	41670,5	49770,6	60719,2	104256,5	133448,3

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.[www.stat.uz](http://www.stat.uz)

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши асосий кўрсаткичларини таҳлил қилганимизда, ялпи ички маҳсулот 2014 йилда 145846,4 млрд.сўмни, 2019 йилда эса 524200,0 млрд.сўмни ташкил этган, ўтган йиллар давомида иқтисодий ўсиш даражаси ўртача 7-9% ни ташкил этиб келмоқда (1.1-жадвал).

Иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишнинг асосий шарти корхоналарнинг ҳаракатини мувофиқлаштиришни, асосий инвестицияларни инновацион лойиҳаларга жалб этиш асосида инновацион ривожланиш учун қулай шароит яратишга йўналтирилиши лозим. Инновацион йўналишларга йўналтирилган инвестиция сиёсатини амалга оширишда қўйидаги вазифаларни бажариши мақсадга мувофиқ:

– асосий молиявий ресурсларни инновацион фаолиятга жалб этиш;

– мамлакатдаги мавжуд ресурс имкониятлари ва салоҳиятни назарда тутган ҳолда инновацион лойиҳаларни амалга ошириш учун инвестицияларни кўпайтириш ва стартап лойиҳаларини амалга оширишни рағбатлантириш асосида инновацион ривожланишга кенг шароитлар яратиш;

– илм-фан сиғими юқори бўлган соҳаларга инвестицияларни кенгроқ йўналтириш, интеллектуал салоҳиятли кадрлар тайёрлаш, замонавий техника ва технология билан таъминлаш, уни инновацион ривожланиши учун мутахассислар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш;

– ресурсларнинг чекланганлигини ҳисобга олган ҳолда устувор тадқиқотлар ва ишланмаларни амалга ошириш мақсадида илмий ташкилотлар тармоғини ислоҳ этиш;

– ялпи ички маҳсулотнинг энергия ва материал сиғимини камайтириш.

Шундай қилиб, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида унинг инвестицион жозибадорлигини бошқариш учун инновацион фаолиятни ривожлантириш билан боғлиқ тенденцияларни чуқур ўрганиш республикамизда инновацион муҳитни яхшилаш билан бирга, ички ва ташқи бозорлар учун инновацион маҳсулотлар етказиб беришда ижобий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2018 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони билан 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тасдиқланди. Унда «худудлар иқтисодий салоҳиятини ошириш, уни самарали бошқаришдаги муҳим омил сифатида худудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурлари муҳим аҳамиётга эга» эканлиги таъкидланди.<sup>4</sup>

Ҳаракатлар стратегиясида Ўзбекистон республикасига «2017-2021 йилларда умумий қиймати 40 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги 649 та инвестиция лойиҳасини назарда тутувчи тармоқ дастурларини рўёбга чиқариш»<sup>5</sup> режалаштирилган.

Мамлакатдаги инвестицион муҳит жозибадорлигини бошқаришда инвестиция сиёсатининг тизимли муаммоларини кўриб чиқиш ва ҳал этиш зарурати ҳам кескинлашди. Бу турдаги вазибаларга – давлат ҳокимияти органлари ваколатларини қайта кўриб чиқиш, давлат инвестиция дастурига лойиҳаларни киритиш учун энг кам капитал қўйилма миқдорини 200 минг АҚШ долларигача тушириш ҳам киради.

---

<sup>4</sup> «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. [www.Lex.uz](http://www.Lex.uz).

<sup>5</sup> Шу манба

Маълумки, мамлакатнинг инвестицион жозибадорлигини баҳолаш бўйича аниқ услубият бирон бир халқаро қонун билан белгиланмаган, шу боис охириги вақтларда инвестицион жозибадорликка оид кўрсаткичларни ҳисоблаш бўйича турли услубиятлар қўлланилмоқда.

Инвестицион муҳит жозибадорлигини аниқлаш услубиёти юзасидан хорижий амалиётнинг ижобий намуналари Гарвард бизнес мактаби вакиллари – Гейн-Хейзлер ишларида, «The Economist», «Fortune» каби жаҳон иқтисодий журналлари фаолиятида, «Moody's», «Mc Kinsey & Co» «Standard & Poor» каби эксперт агентликлари фаолиятида кенг учрайди.

Шу билан бирга, Россия Федерациясида инвестицион жозибадорликни аниқлаш бўйича доимий тарзда шуғулланаётган тегишли ташкилотлар ва уларнинг услубиётлари таркибида қуйидагиларни алоҳида таъкидлаш жоиз: «Коммерсант» журнали – «Россия ижтимоий-иқтисодий муҳити мониторинги услубиёти»; «Эксперт РА» журнали – Россия Федерацияси инвестицион жозибадорлиги йиллик рейтинги; Эксперт институти ва Россия ҳамда Шарқий Европа Бирмингем университети (Буюк Британия) ҳамкорлигида ишлаб чиқилган «Инвестицион жозибадорлик индексини ҳисоблаш услубиёти», Россия Фанлар Академияси иқтисодиёт институти томонидан ишлаб чиқилган «Россия Федерацияси инвестицион иқлимини баҳолаш услубиёти» ва ҳ.к.

Б.С. Жихаревич, Л.Э. Лимонов, Н.Б. Жундалар фикрича, инвестицион жозибадорлик сармойани қўйишдан тушган тушумнинг даражаси орқали аниқланади[18]. Шунингдек, Ю.В. Савельев инвестицион жозибадорликни аниқлаш юзасидан инвестиция ҳажмини изоҳлаш, уларнинг горизонтал ва вертикал таркибини таҳлил қилишга асосланган ёндашувини асослашга ҳаракат қилган[20].




Бугунги кунда корхона даражасидан бошлаб то миллий иқтисодиёт даражасигача инвестицион фаолиятни бошқаришнинг пухта ўйланган, фундаментал назарияларини яратишга эҳтиёж юзага келди. Шу муносабат билан нафақат инвестицион фаолият муаммосининг категориал аппаратини аниқлаштиришга, балки уларнинг иқтисодий мазмуни ва узвий боғлиқларини ҳам илмий изоҳлашга зарурият ҳосил бўлди. Мазкур тушунчаларни тизимлаштириш мақсадида хорижлик иқтисодчилар – Гарвард бизнес мактаби вакиллари Гейн-Хейзлерларнинг «инвестицион муҳит жозибадорлигини ифодаловчи терминологик пирамидаси»дан фойдаланиш ўринли бўлади (1.1-расм).

Мазкур терминологик пирамида асосида базавий тушунча сифатида «инвестиция» тушунчаси ётади. Ушбу тушунчанинг мазмунини Хазраткулова Л.Н. томонидан «иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш ва ижтимоий самара, даромад олиш мақсадида капитални (жамият томонидан жамғарилган ва жорий истемолга йўналтирилмаган) такрор ишлаб чиқаришга (барча шаклларда, инсон капиталига ҳам) йўналтириш орқали қўйиш»[36] сифатида талқин этилган.

Мазкур базавий тушунчани аниқлашга методологик ёндашув бошқа даражадаги тушунчалар – инвестициялаш, инвестиция жараёни, инвестицион фаолият кабиларга илмий асосланган ҳолда ёндашувга имкон беради.

Бироқ, инвестицион муҳит жозибадорлигининг намоён бўлиши кўпроқ мазкур тушунчанинг иқтисодий мазмунини илмий изоҳлашни талаб этади ва Ўзбекистон Республикасида инвестицион маконнинг юқори даражадаги номуносиват тақсимотидан келиб чиқади.



1.1-расм. Гейн-Хейзлернинг инвестицион муҳит жозибadorлигини ифodalovчи терминологик пирамидаси<sup>6</sup>.

Кўпинча, «инвестицион жозибadorлик», «инвестицион муҳит», «иктисодиёт рақобатбардошлиги» тушунчалари маънодош сифатида ишлатилади ва бу бизнинг фикримизча, муайян чалкашликларни келтириб чиқаради. Бунга сабаб, инвестицион жозибadorлик инвестициялаш ихтиёрий ячейкасининг (ташкilot, маҳаллий ҳокимият, ҳудуд, давлат) ички ва ташқи муҳити билан белгиланади (1.2- расм).

<sup>6</sup> [www.moodvs.ru](http://www.moodvs.ru) – официальный сайт агентства Moody's

Тадқиқотчи Х.Хофизов тадқиқотларида «инвестицион жозибадорлик сифатида иқтисодий тизим барқарор ривожланишига қаратилган иқтисодиётга керакли миқдордаги ва сифатдаги инвестициялар кириб келишини таъминловчи ижтимоий-иқтисодий шароитларини тавсифловчи иқтисодий категорияларни тушуниш лозим»лиги[37] қайд этилади.

Бизнинг фикримизча, икки умумлаштирувчи тавсиф – «инвестицион салоҳият» ва «инвестицион фаолиятнинг нотижорат rischi» кўрсаткичларининг ўзаро нисбатидан келиб чиқиб ифодаланади. Бунда шуниси хусусиятлики, инвестицион салоҳият қанчалик юқори бўлса ва инновацион фаолият rischi қанчалик паст бўлса, инвестицион жозибадорлик ҳам шунча юқори бўлади ҳамда бунинг оқибатида инвестицион фаоллик ҳам ошади.

Юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда, қуйидаги муаллифлик таърифи инвестицион муҳит жозибадорлиги тушунчасининг моҳиятини тўлароқ очиқ беради деб ҳисоблаймиз: *«Инвестицион муҳит жозибадорлиги – мамлакат, тармоқ ва соҳаларга инвестициялар оқимини аниқловчи, таъминлашга имкон берадиган, кафолатланган ҳамда инвестицион фаоллик билан баҳоланадиган иқтисодий, ижтимоий ҳолат, жараён ва воситалар, имконият ва чекловлар йиғиндисидир»*.

Ҳозирги замон талаблари ва реал ҳаётининг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда инвестицион муҳит жозибадорлигини таъминлаш ва самарали бошқариш йўналишлари илмий тадқиқотга янгича ёндашувнинг фундаментал асоси шунга таянмоғи лозим.

Фикримизча, мамлакатимиз ривожланиш истиқболларини ҳисобга олган ҳолда иқтисодиёт модернизацияси ва либераллашуви шароитидаги янги инвестиция сиёсати доирасида ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг долзарб


вазифаларини ҳисобга олган ҳолда инвестицион муҳит жозибадорлигини таъминлаш ва самарали бошқариш йўналишларини тизимли тарзда тадқиқ этиш асосий масала қилиб қўйилиши ва унинг диққат марказида «инвестицион муҳит», «инвестицион салоҳият», «инвестицион фаоллик», «бизнес муҳити» каби ҳаётий белгиловчи омиллар мутаносибликларини ўзаро мувофиқлаштириш ҳамда уйғунлаштириш орқали унинг такомиллашган механизмини ишлаб чиқиш ётиши лозим.

Инвестицион муҳит жозибадорлиги бўйича берилган муаллифлик ёндашувида қуйидагиларни ҳал этишга имкон бериши лозим:

– Ўзбекистон Республикасида инвестицион муҳит жозибадорлигини таъминлашга янгича ёндошиш зарурлигини белгиловчи омилларни илмий таҳлил қилиш ва уларни самарали бошқариш механизмларини асослаш;

– табиий-иқтисодий, молиявий, меҳнат, корпоратив бошқарув ва маҳаллий ҳукумат органлари самарали фаолияти каби омиллар билан белгиланувчи имкониятлардан самарали фойдаланиш ҳисобига инвестицион муҳит жозибадорлигини бошқариш ҳолатини омилли ва натижавий жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда баҳолаш услубиётини ишлаб чиқиш;

– иқтисодий ўсиш, модернизация ва диверсификация даражаси, ишбилармонлик муҳити, давлатнинг эркин ва махсус иқтисодий зоналар ташкил этиш сиёсати ва иқтисодиётнинг очиқлигини комплекс ҳисобга олувчи коэффициентлар билан айрим ҳолда баҳолаш ва омилларни тизимли тадқиқ қилиш орқали инвестицион муҳит жозибадорлигини самарали бошқариш истиқболларини прогноз қилиш бўйича услубий тавсиялар бериш;



1.2-расм. Инвестициялаш ячейкасининг ички ва ташқи муҳити элементлари<sup>7</sup>.

<sup>7</sup> Муаллифлар ишланмаси.

– инвестицион муҳит жозибадорлиги ва инновацион ривожланиш қонуниятларидан келиб чиқиб, уни самарали бошқаришнинг устувор омилларини аниқлаш имконини берувчи иқтисодий ривожланиш истиқболлари ва унинг инвестицион салоҳиятга таъсирини баҳолаш услугиётини ишлаб чиқиш;

– инвестицион муҳит фаоллигини ошириш борасидаги илғор хорижий тажрибалардан Ўзбекистонда фойдаланиш истиқболларини илмий асослаш;

– турли омилларнинг ўзаро алоқадорлигини тадқиқ этишнинг янги концептуал схемаси асосида давлат томонидан инвестицион муҳит жозибадорлигини бошқаришни такомиллаштиришнинг ўрта ва узоқ муддатли вазифаларни амалга оширишга қаратилган комплекс тадбирлари тизимини ишлаб чиқиш.

Инвестицион муҳит жозибадорлигини бошқаришни такомиллаштириш илмий тадқиқига янгича ёндашув булардан ташқари яна давлатнинг инвестицион салоҳиятни бошқариш тизимини мукаммаллаштириш, инвестициялар оқимини кенгайтиришга қаратилган мақсадли стратегик вазифаларни ҳал этиши лозим.

## **1.2. Инвестицион муҳит жозибадорлигини бошқаришнинг замонавий тенденциялари**

Инвестицион муҳит жозибадорлигини бошқаришнинг мақсади билвосита, тартибга солинувчи воситалар орқали иқтисодиёт тузилмасига таъсир этишдан иборат. Инвестицион сиёсат мамлакат ва тармоқ доирасида давлат томонидан тартибга солиниши, капитални қайта тақсимлаш орқали асосланмаган фарқларни юмшатиш бўйича тадбирларни ўз ичига олади. Бу эса миллий иқтисодиётнинг энг мақбул тузилишини шакллантиришга хизмат қилади.

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш услублари умумий кўринишда инвестицион муҳит жозибадорлигини бошқариш бир қатор усулларга таянади, жумладан:

*қонуний-ҳуқуқий жиҳатлар асосида* тартибга солиш шакли. Ушбу усул инвестицион муҳит жозибадорлигини бошқариш бўйича қарор қабул қилишда қонунчилик талабларини такомиллаштириб бориш билан ифодаланади.

*маъмурий жиҳатдан* тартибга солиш эса, ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларнинг инвестицион жараёнларни амалга оширишда иштирок этиш, маълум кўринишдаги инвестицион фаолиятни амалга оширишда маъмурий чекловлар ўрнатилади. Бу баъзи товарлар ва хизматларнинг нархлари ва даромадлари устидан давлат назорати, валюта курсини белгилаш, атроф муҳитни муҳофаза қилишни назорат қилиш ва х.к.ларда ўз аксини топади.

Тартибга солишнинг *иқтисодий услублари* ҳам турличадир. Бу услублар бозор муносабатлари, бозор алоқаларига таъсир этишга йўналтирилган. Булар ялпи талаб ва ялпи таклифни давлат томонидан тартибга солиш услубларидир. Пул-кредит сиёсати иқтисодий тартибга солишга асосан билвосита услублар орқали таъсир этади. Солиқ-бюджет сиёсати ҳам бу жараёнга билвосита таъсир кўрсатади. Давлат томонидан корхоналарни, нарх механизмини кўллашда иқтисодиётни тартибга солишнинг тўғридан тўғри услублари билан бирга билвосита услублардан ҳам фойдаланилади.

Давлатнинг иқтисодиётга *тўғридан-тўғри таъсир қилиши* шакллари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

1. Маълум тармоқларига инвестицияларни жалб қилиш.
2. Тармоқлар ва минтақаларни ривожлантиришда мақсадли Давлат дастурларини амалга ошириш.
3. Экспорт ва импортга таъсир қилиш.

#### 4. Миллий бозорга таъсир этиш.

Давлатнинг иқтисодиётга таъсир қилиши икки йўл билан амалга оширилади: давлат тадбиркорлигини ривожлантириш ёки нодавлат сектори корхоналарига субсидиялар бериш орқали. Масалан, давлат иқтисодиёт тармоқларига фан-техника тараққиётини белгиловчи юқори малакали мутахассисликларни тайёрлашни ўз зиммасига олади. Кўпинча давлат иқтисодиётни ривожлантириш истикболлари билан бевосита боғлиқ бўлган тармоқларни молиялаштиради.

Давлатнинг экспортга таъсири экспорт қилувчиларни божлар тўлашдан озод қилиш, кредитларга имтиёзли фоизларни белгилаш, маҳсулотларни олиб кириш ва четга чиқаришни квоталаш орқали амалга оширилади. Давлат миллий бозорга иқтисодиёт тармоқларида товарларни сотиб олишга давлат буюртмалари йўли билан таъсир қилади. Иқтисодиётни тартибга солишда давлат томонидан турли иқтисодий воситалар қўлланилади. Масалан, кредит сиёсати иқтисодиётга қуйидагилар орқали таъсир қилади:

- банк захираларини меъёрлаштириш;
- қайта молиялаштириш ставкасини белгилаш;
- валюта бозорида операцияларни ўтказиш.

Мамлакатнинг бюджет сиёсатини бошқаришда қуйидагиларга асосий эътибор қаратилади:

- бюджет харажатларини мақсадга мувофиқлиги;
- давлат харидларини амалга оширишнинг шаффоф механизми;
- давлат облигациялари ва заёмларини муомалага киритиш.

Инвестицион муҳит жозибадорлигини бошқариш мамлакат, тармоқ ва корхоналар фаолиятининг фаолият йўналишлар бўйича турли шаклларда амалга оширилади. Инвестицион муҳит жозибадорлигини бошқаришнинг эволюцион жараёни



ва ўзгариши бўйича ўтказилган таҳлил шуни кўрсатдики, ушбу соҳадаги аксарият тадқиқотлар бизнесда инвестицион салоҳиятдан фойдаланишнинг таркибий ва функционал жиҳатларига йўналтирилган. Бироқ, инвестицион муҳит жозибадорлигини бошқариш ҳақида кенг қамровли тасаввурга эга бўлиш учун инвестицион фаолиятни ташкил этиш, таъминлаш ва бошқариш бўйича тизимли тадқиқотлар олиб бориш талаб этилади.

Неоклассик ва замонавий Европа мактаби вакиллари назарий қарашларида инвестицион муҳит жозибадорлигини бошқариш масалалари анъанавий тарзда тадқиқ этилган. Мавжуд назарий қарашларга мувофиқ уларни қуйидаги йўналишлар бўйича таснифлаш мумкин:

1) макроиқтисодий концепцияси нуктаи назаридан инвестицион муҳит жозибадорлигини ўрганиш;

2) ташқи таъсир омиллари нуктаи назаридан инвестицион муҳит жозибадорлигини ўрганиш;

3) инвестицион муҳит жозибадорлигини уни бошқаришнинг (бизнес даражасидаги) мезо ва микроиқтисодий омиллари.

Р. Солоунинг иқтисодий ўсиш модели асосида Халқаро валюта фонди экспертлари (Р.Жеймс (James R.), Ж.Хайнес (Hines Jr), П. Жонгсанг (Jongsang Park) [11], А.Малден (Malden A.) [38], Л.Ю.Хонг (Liu Yu-Hong), М.Жиянг (Jiang I-Ming)[10], Н. Женг (Geng Niu), Ю.Ли (Li Yu), Фан Г. (Gang-Zhi Fan), Д.Жанг (Donghao Zhang)[39], Ф.Нан (Feng Nan), В.Меюн (Wang Meiyun), М.Ли (Li Minqiang), Д.Ли (Li Dahui)[40] томонидан амалга оширилган тадқиқотлар натижалари кўрсатишича, турли мамлакатларда иқтисодий ўсиш омиллари таркибида инвестицион муҳит жозибадорлигини таъминловчи инвестицион фаоллик кўрсаткичлари таъсирининг улуши 31-46% миқдорда тебранади.

*Инвестицион фаоллик* – бу мураккаб, кенг камровли тунча бўлиб, ўз ичига ҳам гомоген ҳам янги инвестицион циклнинг бошланиши давридан унинг реал ҳолати ва фаолияти натижаларини қамраб олувчи экзоген ва эндоген омиллар мажмуини ҳамда гетероним ҳолатларни олади.

Шунга кўра, *инвестицион фаоллик* –мамлакат, тармоқ, худуд, корхонанинг иқтисодий фаолиятининг стратегик мақсадларига эришишни таъминлаш учун зарур бўлган капитални шакллантириш ва улардан самарали фойдаланиш жараёнлари акс эттирувчи иқтисодий муносабатлар мажмуидир. Шу муносабат билан, бизнинг фикримизча, инвестицион фаоллик таҳлили учун кўрсаткичлар ва мезонлар тизимини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади

Амалга оширилган илмий изланишларга кўра, интеграцион жараёнларнинг жадаллашуви ва глобаллашув шароитида инвестицион салоҳиятни бошқариш жараёнларини тадқиқ этишнинг илмий воситалари етарли даражада ўрганилмаганлиги аён бўлди.

Шу нуқтаи назардан, бизнингча, инвестицион салоҳиятни бошқариш йўналишларини тадқиқ этишнинг методологик ёндашуви (1.3-расм) инвестицион муҳит жозибадорлигини таъминловчи инвестицион салоҳият, инвестицион салоҳият устунликлари ҳамда инвестицион салоҳиятни самарали бошқариш йўналишларининг ўзаро боғлиқлигини мазмунан ва таркибий жиҳатдан батафсил очиб беради.


Айрим муаллифлар жараёнларнинг бир меъёрда эволюцион ривожланишини ўрганишга нисбатан диалектик ёндашувнинг, тўлиқ формаллаштириш ҳамда эмпирик ҳисоблаш мумкин бўлган масалаларда эса синергетик ёндашувнинг афзалликларини инкор этмаган ҳолда, инвестицион салоҳиятни

самарали бошқариш йўналишларини ўрганиш асосида тизимли парадигма[41] орқали тизимли англаш моделини таклиф этишган.

Ушбу методологик ёндашувдан фойдаланиш инвестицион жозибадорликни таъминловчи омиллар тизимини ишлаб чиқиш, инвестицион жараёнларга таъсир этувчи табиий ва иқтисодий объектлар, субъектларнинг ўзаро муносабатларни ҳамда экзоген ва эндоген омиллар таъсирини ўлчаш имконини беради.

Ҳозирги пайтда инвестицион салоҳиятни самарали бошқариш бўйича икки хил қараш мавжуд: биринчиси, инвестицион салоҳиятни самарали бошқарилаётганлигига иқтисодий фаолиятнинг миқдорий кўрсаткичларини қиёслаш орқали баҳо бериш бўлса, иккинчиси, бошқарув аппаратини сақлаш учун сарфланган маблағлар миқдорида бошқарув қарори, қонун ёки қарорларнинг «ишлаб чиқариш» харажатларида билвосита акс этиши ва унинг нисбатига қараб баҳо беришдир.

Инвестицион салоҳиятни самарали бошқариш бўйича баҳо бериш усулларида битта объектнинг талқини барча жиҳатларни қамраб ололмайди ва бошқарув самарадорлигини ҳам тўлиқ очиб беролмайди. Шунини инобатга олиб, бизнингча, ижтимоий-иқтисодий ривожланишни бошқариш самарадорлигини аниқлаш учун янгича усулни тадбиқ этиш мақсадга мувофиқ. Бу борада «тизимли ёндашув» усулини қўллаш ва унинг барча узвий боғлиқ бўлган алоқаларини аниқлаш ҳамда тизимнинг хатти-ҳаракатига таъсир этишини намоён этадиган схемани яратиш масаланинг туб моҳиятини очиб беришга хизмат қилади.



1.3-расм. Инвестицион салоҳиятни бошқаришни тадқиқ этиш методологияси<sup>8</sup>

<sup>8</sup> Муаллифлар ишланмаси

Инвестицион салоҳиятни самарали бошқариш муаммосини ҳал этишда тизимли ёндашувнинг бир қанча функцияларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ:

- тизимли бошқарув – инвестицион жараёнларга таъсир этувчи барча омилларнинг объектив баҳолаш;
- ўзаро боғлиқ бошқарув тизими – турли институтларнинг тўғридан-тўғри ёки билвосита ўзаро боғлиқлиги;
- вертикал ёки горизонтал[25].

Замонавий глобал рақобат шароитида ижроия ҳокимиятининг инвестицион салоҳиятни самарали бошқариш юзасидан асосий эътибори иқтисодийётни жадал ва барқарор ривожлантиришнинг инновацион модели устуворлигига, илмий салоҳият мавжуд бўлган соҳаларда инновацион фаолликни кучайтиришга қаратилиши лозим.

Ўзбекистонда инвестицион жозибадорлик ҳолатининг барча вилоятларда турлича эканлиги ҳисобга олиб, инвестицияларни қабул қилиш имкониятининг баҳолаш ва бошқариш учун инвестицион ресурслар ҳолатини ва таркибий ўзгаришларини таҳлил этиб туриш лозим. Инвестицион имконият ва инвестицион сиғим ҳолати ва унинг ўзгаришларни таҳлил этиш орқали ҳудудларга инвестицияларни жалб этиш борасида бошқарув қарорларини қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

Шу муносабат билан инвестицион-молиявий фаолликни самарали бошқариш учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- молиявий ресурсларнинг шаклланиши хусусиятларини аниқлаш;
- инвестициявий фаолликни шакллантирувчи асосий ресурслар манбаларининг аниқлаш ва бошқариш;
- молиявий фаоллик ва инвестицион фаолликни баҳолашнинг замонавий ёндашувларни шакллантириш;

– инвестицион муҳит ҳолати ва инвестицион жозибадорлик даражасини баҳолаш;

– ички молиявий ресурс имкониятларидан фойдаланиш йўналишларини белгилаш;

– инвестицион сиёсат ва инвестицион жозибадорликни ошириш стратегиясини ишлаб чиқиш.

Инвестицион-молиявий жараёнларни самарали бошқаришга қаратилган услубий тавсиялар ва илмий таклифлар мамлакатда барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлайди, хорижлик инвесторлар қизиқишини оширади, давлатнинг инвестицион фаоллигини оширади.

### **1.3. Эркин иқтисодий зоналар: уларнинг инвестицион салоҳияти ва иқтисодий-ҳуқуқий мақоми**

Маълумки, Ўзбекистон Республикасида бугунги кунда 22 та эркин иқтисодий зона фаолият юритиб, уларда юқори технологияли, маҳаллий хомашёни қайта ишлаш асосида юқори қўшилган қийматга эга бўлган, нафақат маҳаллий, балки, халқаро бозорларда рақобатдош бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар ташкил этиш, шунингдек, янги иш ўринлари яратишга ҳисса қўшмоқда.

Мамлакатимиздаги эркин иқтисодий зоналарда умумий қиймати 5466,7 млн. доллар бўлган 773 та лойиҳада 66,7 минг ходим иш билан банд бўлмоқда. Бу кўрсаткични жаҳон миқёсида қарайдиган бўлсак, халқаро ташкилотлар берган маълумотларига кўра дунёда 3,5 мингдан зиёд эркин иқтисодий зоналар бўлиб, улар 140 тага яқин мамлакатда жойлашган. Бутун дунёдаги эркин иқтисодий зоналарда 70 миллионга яқин инсонлар меҳнат қилади[42].

Мамлакатимизда инвестицион муҳит жозибадорлигини таъминлашда худуд инвестицион салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Инвестицион муҳит жозибадорлигини бошқариш ва махсус иқтисодий зоналарни ташкил этиш ҳар қандай мамлакат иқтисодиётига юқори малакали ишчи кучи жалб қилишни ва истиқболли инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш орқали худуд инвестицион салоҳиятидан самарали фойдаланишни таъминлайди.

Ушбу заруриятни инобатга олган ҳолда диссертацион тадқиқотнинг мазкур параграфида мамлакатимизда биринчи ташкил этилган Навоий ЭИЗ инвестицион салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилишда қуйидаги масалаларга тўхталиш лозим деб топилди:

– «эркин иқтисодий зона» тушунчасининг турли ёндашувларга асосланган илмий талқинини таҳлил этиш;

– Ўзбекистон Республикасида ЭИЗларни ташкил этиш давлат сиёсати ҳамда амалиётини тадрижий ўрганиш.

Ҳозирги замон илмий адабиётида, меъёрий ҳужжатларда, амалиётда, эркин иқтисодий худудларни ифодаловчи хилма-хил атамалар қўлланилади. Улар қаторида энг кенг тарқалганлари «Махсус иқтисодий худуд», «Эркин тадбиркорлик худуди», «Эркин иқтисодий худуд», «Эркин божхона худуди», «Эркин экспорт худуди», «Технологик худуд», «Эркин савдо худуди», «Божсиз худуд», «Кўшма тадбиркорлик худуди». Жаҳондаги эркин иқтисодий зоналар шакли 1920 йилда 20 хилни ташкил этган бўлса[43], 1990 йилда унинг сони 30 хилдан зиёд[44] шакли илмий манбаларда қайд этилган. Тадқиқот доирасида иқтисодий адабиётларни ўрганиш асосида, эркин иқтисодий худудларни таърифловчи 40 дан ортиқ атамалар борлиги аниқланди.

Эркин иқтисодий ҳудудларни мазмунан мохиятини очиб берувчи терминология хилма-хил бўлиб, улар қуйидаги сабабларга боғлиқ:

– иқтисодий зоналар эволюцион тарзда ривожланиб, ўзгариб, такомиллашиб боради;

– иқтисодий зоналарнинг тараққиёти у ташкил этилган ички ва ташқи омилларга боғлиқ;

– эркин иқтисодий зоналарнинг илмий-назарий жиҳатларини тушуниш ва туркумлаш бўйича мамлакатлар ёндашувлари турлича.

Е.Ф. Авдокушин ва Й. Горбуноваларнинг[45] тадқиқотларида эркин иқтисодий ҳудудлар «Махсус иқтисодий ҳудуд» сифатида талқин этилган. Уларнинг ёндашуви бўйича бундай ҳудудлар бошқа ҳудудларга нисбатан давлат аралашувининг камайиши ва иқтисодий эркинлигининг ортиши эканлиги асосланган.

Бабинцев ва Валлиулинлар[46] тадқиқотлари эса «Алоҳида иқтисодий ҳудуд» термини ишлатилган. А.Шермухаммедов томонидан «Очиқ иқтисодий минтақа» термини ишлатилган[47]. Бироқ «очиқ» сўзининг рус ва бошқа тиллардаги маъноси эркин иқтисодий ҳудудга мос эмас ва тор маъно касб этади. Жаҳон олимларининг эътирофи бўйича эркин иқтисодий ҳудудларни очиқ ҳудудлар сифатида ҳам қайд қилиш ҳолатлари мавжуд.

Киото конвенциясида эркин иқтисодий ҳудуднинг (ЭИХ) кўплаб мамлакатлар қонунларида акс этган ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда келтириладиган таърифи 1973 йилда берилган бўлиб, унда «эркин иқтисодий ҳудуд»га «мамлакат территориясининг бир қисми бўлиб, унга келтирилган товарлар божхона чегарасидан ташқарида деб ҳисобланади, демакки, одатдаги божхона назоратига, солиқ солишга тортилмайди»<sup>9</sup> дейилган.

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикасининг Халқаро электр алоқаси иттифоқининг Ваколатли конференцияси (Киото, 1994 йил) ва Ваколатли конференцияси



Конвенция қабул қилингандан кейинги иқтисодий ривожланиш ва инвестицион муносабатлар тараққиёт натижасида бундай қараш етарли эмаслиги аниқ бўлди.

Эркин иқтисодий ҳудуднинг энг муҳим белгилари тўғрисида ҳам бир қатор илмий-назарий ёндашувлар мавжуд. Рус олими С.Г.Овчинникова томонидан «эркин тадбиркорлик ҳудуди» термини илгари сурган[48], А.Леусский эса «Ўзига хос боғхона тартиби ўрнатилган ҳудуд» сифатида қайд этади[49]. Тадқиқотчилар Н.Смородинская, В.Бабинсев, Х.Валлиулинлар эса «эркин иқтисодий зонанинг асосий шарти имтиёзларда эканлигини таъкидлайди[43]. Э.Авдокушин ва С. Сиплаковлар томонидан «имтиёзли инвестиция муҳити шаклланган ҳудуд сифатида қарайди[45]. Ю. Комлев эркин иқтисодий ҳудудларни муҳим хусусиятидан бирига маъмурий жавобгарликлар минимумга келтирилган ҳудуд сифатида қарайди ва унинг фикрича зоналар фақат экспорт фаолиятига боғланганлигини эътироф этади[50].

Т.Данко ва З.Оқуртлар асосий белгиларни ажратишда комплекс ёндошган. Улар ЭИХни аниқ бир йўналишга мослаштирилган, мамлакатда ишлаб чиқарувчи кучларнинг жойлаштирилиши, ЭИХда яратилган ялпи маҳсулотнинг ишлаб чиқарилиши ва тақсимланиши нуқтаи назаридан кўриб чиқадилар[51].

ЭИХнинг энг муҳим қуйидаги 4 та хусусиятини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- аниқ бир ҳудуд доирасида ташкил этилиши ва эгалиги;
- имтиёзлар тизимининг мавжуд бўлиши;
- ўзига хос бўлган тарифлар ўрнатилиши;

---

(Миннеаполис, 1998 йил) томонидан тузатилган конвенциясига (Женева, 1992 йил) Ваколатли конференцияси (Марокаш, 2002 йил) томонидан қабул қилинган тузатиш ҳужжатида қўшилиши тўғрисида. 2006 йил 14 декабрь, ЎРҚ-69-сон. <https://lex.uz/ru/docs/1313407#1313411>

– ЭИЗ ҳудудидаги инвесторлар фаолиятига давлат органларининг аралашмаслиги ва иқтисодий эркинлиги мавжудлиги.

Жаҳон тажрибасида тўртинчи хусусият жуда муҳим ҳисобланади. Бусиз ЭИХ мақоми ҳам сезилмайди. Тадқиқотчилардан В. Игнатов ва В.Буговлар «ЭИХнинг алоҳида имтиёзлар тизимига эга эканлигига катта эътибор бериш лозимлиги»ни таъкидлайди. Маълумки, инвесторлар учун имтиёзлар энг муҳим жиҳатлар билан ҳисобланади. Мамлакатнинг бошқа қисмига нисбатан улар ҳаракатига кўпроқ эркинлик берилмаса, инвестицияларни кенг жалб қилишга имкон бўлмайди. ЭИХларда ҳам инвестицион муҳитни юқори даражада кучли бўлишлигини талаб этади. Бирок, бунинг марказида эркинликнинг хусусияти, даражаси ётади.

Айни вақтда эркин иқтисодий зоналар ушбу ҳудудга инвестициялар киритаётган сармоядорлар учун ҳам фойдали бўлиб, бу энг аввало, куйидагиларда ўз аксини топади:

– ЭИХда фаолият юритувчи инвесторлар ушбу ҳудуд учун берилган турли имтиёзлар жумладан, солиқ, божхона ва бошқа бошқа преференциялардан фойдаланиши асосида юқори иқтисодий самара таъминланади;

– эркин иқтисодий зоналарнинг моддий-техник базалари, хомашё ва ишлаб чиқаришнинг бошқа ташкил этувчилари импортининг божхона божларидан тўла ёки қисман озод этилиши, кам харажатлар эвазига ускуналарни олиб кириш ва ўрнатиш имкониятини беради;

– экспортга имтиёзли шарт-шароитлар жорий этилиши туфайли экспорт маҳсулотларининг таннархини пасайтиришга имконият пайдо бўлади;

– эркин иқтисодий зоналарда хорижий инвестицияларнинг барча шаклларида фойдаланиш имконияти вужудга келади;

– хорижий инвесторларда ЭИХдан олинадиган фойда эркин тасарруф этилади;

– эркин иқтисодий зонада миллий валютанинг қисман ёки тўлиқ эркин алмашувини таъминлаш валюта операцияларини эркин амалга оширишга шарт-шароит яратади;

– эркин иқтисодий зоналардаги арзон ишчи кучи туфайли тадбиркорлар ўз маҳсулотлари таннархини пасайтириш ва ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришга эришадилар.

ЭИЗларнинг мамлакат иқтисодий ривожланишига ижобий таъсир этиши ҳисобга олинган ҳолда, 1996 йил 25 апрелда «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди<sup>10</sup>. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 14 июнда қабул қилинган ва 2000 йил 26 майда ўзгартириш киритилган «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги Қонуннинг 28-моддасида моддаси ЭИЗга қаратилган. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ЭИЗлар учун ташқи иқтисодий фаолиятнинг алоҳида тартиби (божхона, валюта, солиқ ва бошқ.) ўрнатилиши мумкин бўлиб, у ЭИЗлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солиниши қайд этилган.

Мамлакатимизда ЭИЗларда қўлланиладиган имтиёзлар ва рағбатлантириш омиллари ҳамда Ўзбекистонда ташкил этилган эркин иқтисодий зоналарда амал қиладиган имтиёзлар тавсифи 3 ва 4-иловаларда келтирилган.

ЭИЗларни ташкил этишнинг асосий мақсади мамлакатдаги ресурс имкониятлари мавжуд, бироқ етарли даражада иқтисодий ривожланиш даражаси паст бўлган ҳудуд ёки тармоқларни иқтисодий ўсишини рағбатлантириш, шунингдек рақобат муҳитини шаклланишига кўмаклашишдир. Халқаро тажриба шуни кўрсатмоқдаки, бугун ЭИЗлардан, нафақат, сармояларни

<sup>10</sup> Мазкур қонунга куйидагиларга мувофиқ ўзгартиришлар киритилган: ЎзР 25.04.2003-й. 482-11-сон Қонуни, ЎзР 14.12.2005-й. ЎРҚ-11-сон Қонуни, ЎзР 10.10.2006-й. ЎРҚ-59-сон Қонуни, ЎзР 23.09.2009-й. ЎРҚ-224-сон Қонуни.

жалб қилиш, балки худудий иқтисодий сиёсат воситаси сифатида ҳам фойдаланилади.

Ўзбекистонда ушбу мақсадларга эришиш мақсадида ЭИЗлар фаолиятидаги халқаро тажрибалар афзалликларини иқтисодий тузилмага жорий қилиш мақсадида Навоий ЭИЗси ташкил этилган.

Эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш ва уларга имтиёзлар бериш тартиби тўғрисида кейинги йиллар давомида бир қатор қонуний ҳужжатлар қабул қилинди ва улар асосида иқтисодий зоналарда инвестицион фаолияти самарадорлигини ошириш борасида инвесторларга бир қатор қатор имтиёзлар берилди (4-илова).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 октябрдаги «Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига асосан «Ангрен» ва «Жиззах» махсус индустриал зоналари номи ҳам «эркин иқтисодий зона» сифатида юритилиши белгилаб берилган.<sup>11</sup>

Ташқи бозорларда талаб юқори ва рақобатбардош бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгаштириш, хомашё ва кишлоқ хўжалиги ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида замонавий саноат индустриясини ривожлантиришга этишга тўғридан-тўғри хорижий инвесторларни жалб этиш учун қулай инвестицион муҳит яратиш, шунингдек, Бухоро, Фарғона, Самарқанд ва Хоразм вилоятларининг саноат салоҳиятиданг самарали фойдаланиш асосида янги иш ўринлари ташкил этиш, аҳоли даромадларини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги «Ургут», «Ғиж-

---

<sup>11</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 октябрдаги «Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4853-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/3056978>

дувон», «Кўқон» ва «Хазорасп» эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисидаги Фармони<sup>12</sup> қабул қилинди.

2019 йилдан бошлаб, COVID-19 пандемияси шароитида ЭИЗларни ривожлантириш бўйича қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

– ЭИЗда инвестиция лойиҳаларини танлашнинг аниқ мезонлари ва услубий қоидаларини ишлаб чиқиш, инвесторлар учун тақдим этиладиган имтиёзларни эркин рақобат муҳитига таъсир этмайдиган қилиб белгилаш;

– эркин иқтисодий зоналар ҳудудида инвесторлар учун қулай инфратузилма ва зарурий шарт-шароит яратиш, ижтимоий объектларни халқаро андозалардан келиб чиқиб фаолиятини йўлга қўйиш ва уларни доимий фаолият юритишини таъминлаш;

– эркин иқтисодий зоналарнинг бошқарув фаолиятини ташкил этишда халқаро стандартларга мослаштириш;

ЭИЗларда ташкил этиладиган хизмат турларини кенгайтириш;

эркин иқтисодий зоналарда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларини иштирокчилари билан шартномавий муносабатларни тартибга солиш ҳамда самарали лойиҳаларни аниқлаш бўйича маркетинг тадқиқотларидан кенг фойдаланиш.

Ушбу вазифаларнинг амалга оширилиши натижасида эркин иқтисодий зоналар фаолиятида бошқарув самарадорлигини оширишни таъминлайди, бошқариш тизимини янада соддалаштиради, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш жараёнларидаги менежмент тизими такомиллашади ва иқтисодий самарадорликка эришилади.

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги ПФ-4931-сонли Фармони ««Ургут», «Ғиждувон», «Кўқон» ва «Хазорасп» эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида».

#### **1.4. Инвестицион муҳит жозибаторлигини баҳолашнинг илмий-услубий жиҳатлари таҳлили**

Жаҳон бўйлаб «COVID-19» пандемияси ҳукм сураётган шароитда барча иқтисодий кадриятлар, халқаро ташкилотлар, иқтисодчи олимлар томонидан минтақаларнинг ривожланиши билан боғлиқ прогноз кўрсаткичлари қайтадан кўриб чиқилмоқда. Инвестицион жозибаторликни таъминлайдиган индикаторлар сафига хавфсизлик, санитария-гигиена ва аҳолининг соғлиги билан боғлиқ кўрсаткичларни инобатга олиш бирламчи аҳамият касб этиб бормоқда.

Зеро, коронавируснинг олдини олиш мақсадида, дунё аҳолисининг деярли ярми карантинга олинди. Алалоқибат, йирик заводлар тўхтади, транспорт ва туризм соҳаси турғунликка юз тутди. Ишсизлик, молия бозорлари таназзули, хуллас, дунёда ялпи талаб ва ялпи таклифнинг параллел равишда қисқараётгани эса «ноёб» иқтисодий инқироз бошланаётганлигидан дарак бермоқда. Ўз навбатида, тождор вирус биологик вирус бўлибгина қолмасдан, иқтисодий вирус тусини олаётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас. Ҳатто бугун кўпчилик унинг зарбаларини ҳозирданоқ ҳис қиляпти. Бинобарин, дунё биологик вирус ва иқтисодий вирусни енгиш билан боғлиқ икки ўт орасида қоляпти.

Инсонларнинг ҳаёти, уларнинг соғлиги, тинчлигини сақлаб қолиш, фаровон турмуш кечириши учун барча чораларни яратиш, хавфсизлигини кафолатлаш ҳар қандай давлатнинг бирламчи вазифаларидан ҳисобланса, (танганинг бир томони), уни таъминлашга хизмат қиладиган иқтисодий неъматларни ишлаб чиқариш, аҳолининг даромад манбаини сақлаб қолиш, инвесторлар мулкани ҳимоя қилиш, мол-мулкига раҳна сола-

диган салбий таъсирларнинг олдини олиш эса, танганинг иккинчи томони ҳисобланади.

Халқаро валюта жамғармасининг 2020 йил эълон қилган янги прогнозларига кўра, бу йил базавий сценарий бўйича пандемия натижасида глобал иқтисодиётнинг 3 фоизга пасайиши кутилмоқда. Бу 2020 йилнинг январь ойида эълон қилинган прогноздан 6,3 фоиз пункт паст. Агар вирус билан курашиш муддати узайиб, карантин йилнинг иккинчи ярмида ҳам давом этадиган бўлса, унда глобал иқтисод 6 фоиз пасайиши мумкинлигидан хавотирга тушишмоқда<sup>13</sup>.

Бироқ, бу нарса ҳудуд ижтимоий-иқтисодий тараққиёти барқарорлигига унинг инвестицион жозибadorлиги таъсири-нинг ўрганилиши аҳамиятини пасайтирмайди, аксинча унинг янгидан-янги кўринишлари ва муаммоларига ечим топиш талаб этилади.

Ҳозирги кунда киритилган инвестицияларнинг фойдасиз туриб қолиши ёки инвестициядан самарали фойдаланишда юзага келадиган таваккалчилик ҳамда хатарлилик даражаларини аниқламаслик оқибатида ишлаб чиқариш жараёнини тўлиқ қувват билан ишлашини чегараланиб қолиши каби муаммоларни аниқлаш ва илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиш, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт барқарорлигини, мамлакатнинг глобал рақобатбардошликка эришишини таъминлаш – инвестицион муҳит жозибadorлигига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилишни ва ўзаро боғланишларни аниқлашни тақозо этади. Шу боисдан, тадқиқотнинг мазкур бобида мамлакатимизда инвестицион муҳит жозибadorлигини бошқаришнинг амалдаги ҳолати таҳлилига урғу қаратилади. Бунинг

---

<sup>13</sup> World investment report 2020. International production beyond the pandemic. 2020. United Nations. p. 2. [https://unctad.org/en/PublicationsLibrary/wir2020\\_overview\\_ru.pdf](https://unctad.org/en/PublicationsLibrary/wir2020_overview_ru.pdf)

учун ишнинг мазкур қисмида қуйидаги бош вазифаларни ҳал этиш белгилаб олинди:

– инвестицион муҳит жозибадорлигини белгилаб берувчи омилларни аниқлаш;

– баҳолашнинг илмий-методологик асослаш;

– аниқланган омиллар асосида инвестицион муҳит жозибадорлигини ҳисоблашнинг миқдорий кўрсаткичлари ва индикаторларини ишлаб чиқиш;

– инвестицион муҳит жозибадорлигини акс эттирувчи омилларнинг ўзаро боғлиқлиги ва уларнинг таъсир кучини эконометрик таҳлиллар асосида аниқлаш;

– Навоий ЭИЗининг инвестицион салоҳиятига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш.

Маълумки, инвестицион жозибадорликни баҳолаш бўйича аниқ услубият бирор-бир халқаро меъёр ёки тартиб билан белгиланмаган, шу боис охириги вақтларда инвестицион жозибадорликка оид кўрсаткичларни ҳисоблаш бўйича олимлар томонидан турли услубиятлар таклиф этилмоқда.

Худудлар инвестицион муҳит жозибадорлигини бошқариш ва унинг индикаторлари билан ифодаланувчи омиллардан оқиллона фойдаланиш, уларни самарали бошқариш билан боғлиқ тадқиқотлар нисбатан янги йўналиш бўлиб, бу борада чуқур изланишларни амалга оширишни талаб этади.

Мамлакатимизда бу соҳадаги мавжуд илмий-методологик базанинг таҳлили асосида инвестицион муҳит жозибадорлигини ҳисоблаш индикаторлари ва баҳолашнинг илмий-услубий жиҳатларини ўрганишнинг қуйидаги йўналишларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

**1. Минтақавий иқтисодиёт мактаби олимларининг** (М.Абдусалямов[22], К.Абиркулов, Н.Аимбетов, Т.Ахмедов[23], А. Содиқов[27], А. Солиев[28], А.М. Қодиров, А.А. Қаюмов[26], Ф.Т. Эгамбердиев[29]) ишлаб чиқариш ком-



плекслари, иқтисодий районлаштириш, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва ривожлантириш концепциялари.

**2. Миллий инвестицион сиёсат мактаби олимларининг** (Ш.Б.Имомов[53], Ш.Х.Назаров[54], Д.Ғ.Ғозибеков, Н.Ҳайдаров, Н.Ғ.Каримов[55], Р.З.Юлдашев[56], Ф.Ў.Додиев[57], Н.Р.Кузиева[58], Ш.Р.Ражаббаев[59], Б.Ш.Муминов[60], М.А.Раимжанова[61], М.Х.Элмуродов[62], С.А.Нуриддинов[63], Б.Қ.Ҳошимов[64], Н.Йўлдошев, А.Х.Худайбердиев[65]) ракобатбардошликни таъминлаш мақсадида самарали инвестиция сиёсати концепциялари.

**3. Инвестицион-инновацион салоҳият, инвестицион муҳит, инвестицион самара ва инвестицион муҳит фаоллигини ошириш мактаби вакилларининг** (Ш.И.Мустафакулов[66], У.Мадраҳимов[67], А.Сабилов[68], С.А.Абдурахимова[69], А.Х.Эргашев[70]) Ўзбекистонда инвестицион муҳит жозибадорлигини оширишнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш концепциялари.

Тадқиқотимизнинг мазкур қисмида юқоридаги йўналишлардан учинчисини ва унинг таркибидан Ш.И. Мустафакулов томонидан таклиф этилган инвестицион муҳит жозибадорлигини ҳисоблаш индикаторлари ва баҳолашнинг илмий-услубий жиҳатларини ўрганиш методологиясини асос қилиб олишимизга, унинг қуйидаги **жиҳатлари** сабаб бўлди:

– мазкур методологиянинг ҳозирги кунда ҳудуд инвестицион муҳит жозибадорлигини аниқлашга оид мавжуд услубиётлар моделлари шарҳи, баҳолаш параметрлари тавсифи ва қиёсий таҳлилига таянганлиги;

– замонавий ва тизимли ёндашувга таянган илмий асосларнинг мавжудлиги;

– ҳудуд инвестицион жозибадорлигини ҳисоблаш индикаторлари тавсифида натижавийликка асосланган ҳолда ҳар бир индикаторнинг аниқ иштирокининг баҳоланиши ва улар юза-

сидан ҳудудда фойдаланилмаган имкониятларнинг мавжудлиги билан боғлиқ қарашларнинг ўрин олганлиги.

Ҳар қандай мураккаб тизим каби инвестицион жозибадорликни баҳолаш қуйидаги индикаторлар бўйича табақаланади:

1) макроиктисодий кўрсаткичлар йиғиндисини (ЯИМ, миллий даромад ва саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмлари; миллий даромадни тақсимлаш тавсифи ва динамикаси; инвестицион фаолиятни қонуний тартибга солиш ҳолати; хусусийлаштириш жараёнининг кечиши, алоҳида инвестицион бозорлар[71], шу жумладан, фонд ва пул бозорларининг ривожланганлиги) баҳолашда қўлланиладиган усуллар. Асосий кўрсаткичлар сифатида ишга солинган активларнинг фойдалилик даражаси: умумий активлар суммасининг товар ва хизматлардан тушган фойдага нисбати; баланс фойданинг умумий активлар суммасига нисбати.

2) инвестицион муҳит салоҳиятига таъсир кўрсатувчи омиллар йиғиндисини баҳолашга асосланган кўп омилли ёндашув. Мазкур ёндашувнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, айти дамда ушбу омилларнинг якуний рўйхати ҳозирча тўлиқ шаклланмаган. Инвесторлар учун энг муҳим бўлган омиллар қуйидагилар: иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, экологик, ҳуқуқий, молиявий, инфратузилмавий, институционал ва бошқалар.

3) хатарларни аниқлаш усули (экспертлар томонидан аниқланадиган хатарлар). Мазкур усулда инвестицион муҳитнинг таркибий қисми сифатида иккита асосий тоифалар кўрилади: инвестицион салоҳиятнинг ҳолати ва инвестицион хатарлар ҳолати. Бу мураккаб ва миқдорий усул бўлиб, ҳам статистик ҳам экспертлар фикрларини ҳисобга олишни назарда тутди. Мазкур усул бир қатор камчиликларга эга: инвестицион жозибадорлик ва инвестицион фаоллик ўртасидаги алоқанинг мавжуд эмаслиги; экспертлар фикрларининг субъ-

ективлиги; интеграл кўрсаткичларни келтириб чиқаришда инвестицион салоҳият ва хатарларни баҳолаш услубиётининг шаффоф эмаслиги; худуднинг инвестицион муҳит тавсифларини акс эттиришда тизимлилик даражасининг йўқлиги;

4) инвестицион жозибадорликни амалга ошириш усули инвестицион фаоллик орқали ва инвестицион муҳитнинг таркибий қисми ҳисобланган инвестицион фаолиятнинг интенсивлигини аниқлаш зарурлигига асосланади. Мазкур ёндашув якуний баҳолаш натижасида юқори аниқлик ва натижаларнинг юқори даражада ишончли, ҳисоб-китобларнинг мураккаблиги билан ажралиб туради[66].

Инвестицион муҳитнинг интеграл инвестицион жозибадорлиги инвестицион фаолликни миқдор жиҳатдан баҳолашни назарда тутади. Ушбу усулнинг моҳияти «субъект»нинг инвестицион фаоллиги (албатта, қандайдир вақт оралиғига роя қилган ҳолда) орқали ўз жозибадорлигини қанчалик яхши амалга ошириши ва субъект инвестицион фаоллигининг унинг жозибадорлигини амалга ошириш натижалари билан алоқаси мавжудлигини кўрсатиб туради.

Инвестицион жозибадорликни комплекс баҳолаш услубиётларини ўрганиш, уларни таҳлил қилиш асносида мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий салоҳиятини аниқлашда иқтисодиётнинг қуйидаги соҳалари бўйича индикаторларни ҳисоблаш тизимини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ:

- ишчи кучи (аҳолининг сони, иқтисодий фаол аҳолининг улуши, аҳолининг олий маълумотга эга бўлган қатлами);
- капитал (саноатнинг ривожланиши, корхоналар мавжуд капитали);
- молиявий (солиқ сиёсати, бюджет даромадлари ва харajatлари, асосий капиталга киритилган инвестициялар);


- табиий (қишлоқ хўжаликнинг ресурс имкониятлари, табиий бойликлар ва фойдали қазилмалар);
- инфратузилма (оқова сувлар, электр тармоғининг қуввати, табиий газ билан таъминланганлик);
- транспорт (йўлларнинг узунлиги, ташилган юкларнинг ҳажми).

Ушбу индикаторлар бўйича инвестицион жозибаторликни баҳолаш бошқарув органлари учун тезкор қарорларни қабул қилишда, шунингдек, тегишли дастурларни ишлаб чиқишда қулайлик яратиш билан бир қаторда, комплекс ривожланишни ҳам таъминлашга хизмат қилади.

Мазкур тадқиқотимизда иқтисодчи-олим Ш.Мустафақулов томонидан ишлаб чиқилган ҳудудларнинг инвестицион жозибаторлигини баҳолайдиган комплекс омиллар гуруҳига тегишли бўлган изланишларига кўпроқ устуворлик қаратган ҳолда (2.1-расм) таҳлиллар амалга оширилди.

Изланишларга кўра, олинган натижаларнинг объективлик, ишончлилиқ даражасини ошириш учун оператив ҳисоб-китоблардан ташқари, ҳисоб-китобларни динамикада, камида беш йиллик давр бўйича амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Бу иқтисодий фаоллик трендини ва бенчмаркинг усулини қўллаган ҳолда муваффақиятга эришган, иқтисодий кўрсаткичлари бўйича рейтингда юқори поғоналарни эгаллаганлар тажрибасини эталон сифатида эътироф этиш имконини беради. Ушбу тренд асосида «олдинги» йиллардаги жозибаторликни сақлаш ва кейинги SWOT-таҳлил учун муаммоли соҳаларни аниқлашга эришилади.

Мамлакатимизда инвестицион муҳит жозибаторлиги ҳудудлар бўйича фарқланишини ҳисобга олиб, инвестиция имкониятининг доимий равишда инвестиция таҳлил қилиш ва ресурс имкониятларини аниқлаб бориш лозим.



1.4-расм. Инвестицион муҳит жозибадорлигини аниқлаш омиллари[66]

Маълумки, инвестицион жозибадорлик қийматини унга таъсир кўрсатадиган омиллар, мавжуд рискларни инобатга олган ҳолда ҳисоблашда бир қатор услублар ишлаб чиқилди. Ушбу услубий моделлар ва келтирилаётган формулалар муқаддам қилинган тадқиқот ишлари ва турли даврларда олимлар томонидан олиб борилган изланишларни таҳлил қилиш ва ўрганиш маҳсули бўлиб, қайсидир маънода улар томонидан қўлланилган ҳисоб-китобларнинг модификацияланган варианты ҳисобланади.

Қайд этилган услубларда олимлар инвестицион жозибадорликни ҳудудий кесимда ёки тармоқ кесимида икки бўлиб аниқлашни тавсия этишган бўлса, бизнинг мисолимизда эса, иккаласи ҳам сўзлашув услубига хос комплекс услуб (формула) орқали изоҳланади:

$$ИЖ_{kj}^* = X * ИЖ_{xj} + Y * ИЖ_{tj} \quad (2.1)$$

Бу ерда,  $ИЖ_{kj}$  – j ҳудуднинг комплекс инвестицион жозибадорлиги;

$ИЖ_{xj}$  – j ҳудуднинг маълум бир (таҳлил қилинаётган) ҳудуднинг инвестицион жозибадорлиги;

$ИЖ_{tj}$  – j ҳудуд маълум бир тармоғининг инвестицион жозибадорлиги;

X, Y – ҳар бир инвестицион жозибадорлик кўрсаткичларининг солиштирма оғирлиги.

Минтақани ҳудудий ва тармоқ бўйича инвестицион жозибадорлик кўрсаткичларини баҳолаш учун иқтисодий қайтим, инвестиция rischi баҳоланишини лозим.

$$ИЖ_x(t)j = ДДx(t)j * (1 - РДx(t)j) \quad (2.2)$$

Бу ерда,  $ИЖ_x(t)j$  – минтақанинг ҳудудий/тармоқ бўйича инвестицион жозибадорлиги;

$ДДx(t)j$  – ҳудудий/тармоқ бўйича инвестиция маблағлари йўналтирилган бизнес (объект)нинг даромадлилиги ёки иқтисодий қайтим;

$РДx(t)j$  – ҳудуд/тармоққа йўналтирилган инвестициянинг рисклилиқ кўрсаткичи [66].

Бундан кўриш мумкинки, ҳудуд ёки тармоққа йўналтирилган инвестициядан келадиган даромад қайтими ва риск натижасида йўқотиладиган зарар ўртасидаги фарқ орқали инвестицион жозибадорликка баҳо бериш мумкин. Ҳудуд ёки тармоққа ўтган йиллар кесимида асосий капиталга киритилган инвестициялар миқдори ҳамда таҳлил қилинаётган йилда

олинган фойда ўртасидаги нисбий миқдор иқтисодий қайтим кўрсаткичини намоён этади. Бир вақтнинг ўзида ҳудудда бир қанча тармоқларга инвестициялар киритилганлиги ва улардан келадиган (ҳар бир объектдан келадиган фойда) фойда нормаси турлича бўлганлиги боис, иқтисодий қайтим кўрсаткичи ўртача ҳудудий қиймат бўйича олинади:

$$ДДх(Т)j = (ЯХМ (1-БТ)(1-С)-I) \quad (2.3)$$

Бу ерда, ЯХМ – ялпи ҳудудий маҳсулот;

БТ – бюджет тақчиллиги;

С – ўртача солиқ ставкаси;

I – инвестициялар.

Бир вақтнинг ўзида мамлакат ҳудудларининг бир қанча тармоқларига инвестициялар киритилганлиги ва улардан келадиган (ҳар бир объектдан келадиган) фойда нормаси турлича бўлганлиги боис, иқтисодий қайтим кўрсаткичи ўртача ҳудудий қиймат бўйича олинади:

$$ДДх(т)j = МН*I \quad (2.4)$$

Бу ерда, ДДх(т)j – иқтисодий қайтим (даромадлилик даражаси) кўрсаткичи;

МН – фаолиятнинг молиявий натижаси сальдоси (фойда/зарар);

I – ўтган йилда асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар (минтақа кесимида). Маълумки, мамлакатда кўплаб корхоналар фаолият юритади. Ушбу корхоналарга киритилган инвестициялар (асосий капиталга) маълум вақт ўртача даромад келтира бошлайди, умуман, фойда ва зарар ўртасидаги сальдолар йиғиндиси мамлакат бўйича иқтисодий қайтим кўрсаткичини ҳосил қилишини англаган ҳолда, биринчи формулани қуйидагича такомиллаштирамиз:

$$ИЖкj = ДДхj*(X*(1-РДхj))+Y-(1-РДтj)) \quad (2.5)$$

Инвестиция рискнинг мавжудлиги ва унинг натижасида даромад йўқотилишини эътиборга олиб, рисклилик даражасини, албатта, ҳисоблаш талаб этилади. Бунинг учун ўртача арифметик формула орқали таваккалчилик (рисклилик) кўрсаткичини келтириб чиқарамиз:

$$РДj = \sum_{i=1}^n ХК_i * x_{oi} \sum_{i=1}^n x_{oi} \quad (2.6)$$

Бу ерда, РДj – j мамлакатнинг таваккалчилик даражаси;

ХК<sub>i</sub> – инвестиция рискнинг хусусий кўрсаткичи;

x<sub>oi</sub> – эксперт усули орқали ҳисобланадиган хусусий кўрсаткичнинг вазни;

n – хусусий кўрсаткичлар миқдори;

i – хусусий кўрсаткичлар индекси.

Навоий вилояти улкан иқтисодий салоҳияти билан республикада муҳим аҳамиятга эга. Вилоят республика иқтисодиётининг рангли металлургия, кимё, энергетика ва қурилиш саноати етакчи ҳудудларидан бири ҳисобланади.

Навоий вилоятига жалб этилаётган ялпи инвестициялар ҳажми республиканинг умумий инвестицияларидаги салмоғи 2010 йилда 11,1 фоизни ташкил этган бўлиб, ушбу тенденция 2016 йилгача пасайиб бориши кузатилган. Шунга асосан ишлаб чиқилган мақсадли дастурларни самарали амал қилиши тегишли салмоқ кўрсаткичларини сўнгги икки йил давомида оширишни таъминлаган. Натижада, Навоий вилояти 2018 йилдан бошлаб республикадаги асосий капиталга инвестициялар ҳажми бўйича энг юқори инвестиция фаолликка эга бўлган вилоят сифатида қайд этилиб, ушбу тенденция 2020 йилгача сақланиб келган. Вилоятга Эркин иқтисодий зона мақомини берилиши натижасида 2020 йилда республикага жалб этилган чет эл инвестиция ва кредитларидаги улуши 13.1 фоизни ташкил этган (1.5.-расм).





1.5-расм. 2010-2020 йилларда Навоий вилоятининг Республика инвестицияларидаги улуши<sup>14</sup>, %да.

Вилоятда Навоий эркин иқтисодий зонасининг ташкил этилиши минтақада жаҳон стандартларига мос ва дунё бозорларида ўз харидорига эга юқори қўшимча қийматли товарлар яратишга, замонавий технологиялар орқали ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга имкон берувчи лойиҳаларга инвестицияларни, аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишга имконият яратган.

### I боб бўйича хулосалар

Ҳозирги замон талаблари ва реал ҳаётини эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда инвестицион муҳит жозибадорлигини таъминлаш ва самарали бошқариш йўналишлари илмий тадқиқига янги асосларни қўйишнинг фундаментал асоси шунга таянмоғи лозим. Унда мамлакатимиз ривожланиш истиқболларини ҳисобга олган ҳолда иқтисодиёт модернизацияси ва либераллашуви шароитидаги янги инвестиция сиёсати доирасида ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг долзарб вазифаларини ҳисобга олган ҳолда инвестицион муҳит жозибадорлигини

<sup>14</sup> Навоий вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилган

таъминлаш ва самарали бошқариш йўналишларини тизимли тарзда тадқиқ этиш асосий масала қилиб қўйилиши ва унинг диққат марказида «инвестицион муҳит», «инвестицион салоҳият», «инвестицион фаоллик», «бизнес муҳити» каби ҳаётий белгилловчи омиллар мутаносибликларини ўзаро мувофиқлаштириш ҳамда уйғунлаштириш орқали унинг такомиллашган механизмини ишлаб чиқиш ётиши лозим.

Худуд инвестицион салоҳияти – бу худуднинг ривожланиш даражаси бўлиб, унга кўра худуд ўзининг табиий-иқтисодий салоҳиятидан, рақобат устунликлари ва институционал имкониятларидан самарали фойдаланиши ҳисобига аҳоли турмуш даражаси ва сифатининг барқарор ўсиб боришини таъминлайди.

Худуднинг инвестиция салоҳияти – минтақанинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатига асосланган инвестиция фаолияти бўлиб, бу худуднинг ихтиёридаги иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланиш асосида қулай инвестиция муҳитини мақсадли даражада ушлаб туришни таъминлашдир.

Инвестицион фаоллик – мамлакат, тармоқ, худуд, тармоқлар ва корхонанинг бозор фаолиятида стратегик мақсадларга эришишни таъминлашга қаратилган капиталини шакллантириш ва улардан мақсадли фойдаланиш жараёнларини акс эттирувчи иқтисодий муносабатлар мажмуидир.

Худуднинг инвестицион салоҳиятини бошқариш тизими ўзига хос мураккаб жараён бўлиб, у мавжуд гуруҳлар (хўжалик юритувчи субъектлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, ўз ўзини бошқариш органлари, турли институтлар)ни ягона мақсад сари бирлаштириш билан бир қаторда, уларнинг манфаатларини ҳам инобатга олиши талаб этилади.

Минтақаларда инвестицион-молиявий фаолликни самарали бошқариш учун минтақалар даражасида молиявий ресурсларнинг шаклланиши хусусиятларини аниқлаш, инвес-

тицион фаоллиги ва жозибаторлигини баҳолаш, молиявий ресурсларни мақсадли жойлаштириш асосида иқтисодий ривожлантиришни таъминлашга асосланган самарали бошқарувни жорий этиш зарурдир.

Ўзбекистон Республикаси маъмурий жиҳатдан 14 та минтақа, ижтимоий-географик жиҳатдан эса 6 та минтақага бўлинади. Бу минтақаларнинг инвестицион муҳитини шакллантиришда бошқарувнинг инновацион усулларида фойдаланиш мавжуд молиявий ресурслар бўйича иқтисодий самарага эришишини таъминлайди.

## **II БОБ. НАВОИЙ ВИЛОЯТИДА ИНВЕСТИЦИОН МУҲИТ ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ БОШҚАРИШНИНГ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ**

### **2.1. Хорижий инвестицияларни жалб қилишда Навоий эркин иқтисодий зонаси имкониятларидан фойдаланиш**

Навоий вилояти хорижий инвестицияларни жалб қилишда Ўзбекистон ҳудудлари орасида энг жозибадори ҳисобланади. Вилоят республика иқтисодиётининг рангли металлургия, кимё ва қурилиш саноати етакчи ҳудудларидан биридир. Вилоятда Навоий эркин иқтисодий зонасида дунё бозорларида талаб қилинадиган маҳсулот ишлаб чиқариш, замонавий, юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун хорижий инвестицияларни, биринчи галда тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишга имконияти кенглиги билан Республикада ўзига хос иқтисодий салоҳиятга эгадир.

Навоий эркин иқтисодий зонасида 19 та корхона фаолияти самарали йўлга қўйилган бўлиб, улар томонидан 100 турдан ортик харидорбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Навоий ЭИЗ ташкил этилгандан буён жами 122 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилган. Вилоятга жалб этилган инвестициянинг қарийб 35%га яқини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 декабрдаги Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-4059-сонли Фармонида асосан Навоий вилояти Кармана тумани ҳудудида Ўзбекистондаги биринчи

эркин зона – Навоий эркин иқтисодий зонаси (ЭИЗ) ташкил этилган. Навоий ЭИЗнинг амал қилиш муддати 30 йил бўлиб, ҳудудда солиқ, валюта ва божхона режимлари, кириш, туриш ва чиқишнинг соддалаштирилган тартиби амал қилади.

Бизнес юритиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, инновацион тадбиркорлик ва юқори технологияларга асосланган саноатни ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Презедентининг 2019 йил 15 майдаги «Навоий вилоятини инновацион, юқори технологияларга асосланган, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришлар учун эркин иқтисодий зона сифатида белгилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5719-сонли қарори қабул қилинган. Қарорда Навоий вилояти ҳудуди 2030 йил 1 январга қадар инновацион, юқори технологияларга асосланган, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришлар учун эркин иқтисодий зона этиб белгиланган.

Эркин иқтисодий зона сифатида Навоий вилоятини ривожлантириш бўйича белгилаб берилган асосий вазифалардан бири «Юқори қўшилган қийматга эга экспортбоп ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича замонавий ишлаб чиқаришларни барпо этиш учун тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш»дир.

Навоий эркин иқтисодий зонасидаги модельлар ва инвесторларни рағбатлантириш, хизмат кўрсатиш ва меъёрий-ҳуқуқий база жиҳатидан бошқа мамлакатларда қўлланиладиган моделлар ўртасидаги ўхшашликларга қарамай, амалдаги иқтисодий модел белгиланган мақсадларни таъминлай олмаяпти:

– эркин иқтисодий зоналарнинг ҳудудида хорижлик инвесторлар учун шарт-шароитлар яратиш бўйича амалда белгиланган соддалаштирилган тартибларга қарамай, инвестицион лойиҳалар, мамлакатдаги умумий инвестицион муҳит таъсирида бажарилишининг кечикиши ҳолатлари кузатилмоқда;

– ЭИЗнинг вилоят саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажмида юқори улушга эга эмас (2019 йил якуни бўйича бир фоиздан паст);

– ЭИЗ киритилаётган инвестицияларда узоқ хорижий мамлакатларнинг улуши халигача паст бўлиб, асосий ҳамкорлар Хитой, Россия ва Туркия мамлакатларидир;

– худудда инвестицион имидж яратиш учун амалга оширилаётган ҳаракатларнинг суствлиги узоқ хорижий мамлакатлар (Ғарбий Европа давлатлари, АҚШ, Канада) инвесторларида, йирик бренд компанияларда «ишонч» ҳисини шакллантира олмаяпти;

– ички инвесторларнинг халқаро кредитлардан фойдаланиш имкониятларининг чекланганлиги ва маҳаллий банкларнинг кредит фоиз ставкаларининг юқорилиги маҳаллий тадбиркорларни хорижий ҳамкорлар билан йирик инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш имкониятларини чекламоқда;

– хорижий капитал асосан ишлаб чиқаришнинг анъанавий соҳаларига йўналтирилаётганлиги вилоятнинг инновацион ривожланишига етарли даражада имкониятлар яратмаяпти.

*Эркин иқтисодий зоналарга тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилишининг бир қатор хусусиятлари мавжуд. Жумладан, хорижий инвестицияларини мамлакатга жалб этишда асосий эътиборни, инвестиция қилувчи халқаро кампаниянинг мамлакатга инвестиция киритиш қарорини тушуниш билан боғлиқ. Мамлакатда шакллантирилган «омил» ёки инвесторларга «рағбат»лардан кўра, инвесторнинг қарор қабул қилишидаги «мотив» асосий роль ўйнайди. Айнан «мотив» мамлакатга инвестиция олиб қирувчилар ўртасида энг кўп муҳокама бўладиган жараён ҳисобланади[72].*

Ривожланаётган мамлакатлар тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилишда асосий эътиборни экспортни ривожлантиришга қаратадилар, ривожланган давлатлар эса кўпроқ кластерларни ривожлантиришга интилишади. Эркин иқтисодий

зоналар инвесторлар учун аниқ бизнес имкониятлари ва имтиёзларига эга бўлиши керак. Агар зонадан ташқарида ўхшаш ёки ундан ҳам яхши шароитлар мавжуд бўлса, агломерация ва умумий иқтисодий таъсир чекланади.

Навоий эркин иқтисодий зонасида экспортга йўналтирилган тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш бўйича фаолияти халқаро миқёсдаги муваффақиятли зоналар билан таққослаганда энг оддий моделлардан фойдаланиш йўналиши танланган. Асосий эътибор импорт ўрнини босишга қаратилган иқтисодий моделдир. Импорт ўрнини босишга қилинадиган ҳаракатлар анъанавий халқаро моделдан фарқ қилади, агар ушбу ёндашувда қиймат занжири назарда тутилмаган бўлса. Шундан келиб чиққанда, ЭИЗда қўшилган қиймат занжирини ривожлантиришни қўллаб-қувватлайдиган аниқ тармоқ ёки кластер ташаббусларини амалга ошириш лозим. Навоий вилоятида кластер ташаббуслари бўйича лойиҳалар бошланганига эндиgina 3 йил бўлди. Бу эса ЭИЗларда тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилишдаги асосий эътибор қаратиш лозим бўлган жиҳат ҳисобланади.

Юқоридаги муаммолар Навоий эркин иқтисодий зонасига хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг ўзига хос бўлган инвестицион моделини яратиш вазифасини кўймоқда.

Навоий ЭИЗсида халқаро миқёсда муваффақиятли моделини яратишнинг асосий тамойилларини ишлаб чиқишга ҳам алоҳида аҳамият қаратиш лозим. Амалда ЭИЗлар горизонтал, вертикал ва маконга хос бўлган аниқ мақсадлар билан йўғрилган, вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатига мутаносиб модел яратишга аҳамият қаратиш лозим.

Тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб, Навоий вилояти эркин иқтисодий зонасида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялари жалб этувчан модель яратиш бўйича қуйидаги сценарий вариантлари таклиф этилади:

А вариант: импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган анъанавий модель;

Б вариант: глобал қўйилган қийматни таъминлашга қаратилган кластерлаш сиёсати модели;

В вариант: имидж яратиш модели;

Г вариант: инновацион ривожланишни таъминлашга йўналтирилган модель;

Д вариант: ҳудудий ривожланишга йўналтирилган модель;

Белгилаб олинган стратегик вариантлар бўйича Навоий эркин иқтисодий ҳудуди учун мос келувчи вариантларни хорижий инвесторларни жалб этишдан кутиладиган самара ва имкониятларни тавсифи 1-жадвалда келтирилган.

2.1.-жадвал

### ЭИЗларга хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича ёндашувларнинг имконият ва хатарлари

Моделлар	Имкониятлар	Хатарлар
Экспортга йўналтирилган анъанавий модель	Экспортнинг ўсиши ва диверсификацияси; валюта тушумининг ошиши; ҳом-ашёлардан самарали фойдаланиш	Маҳаллий бозорда монополиялар ўрнатилиши; ҳомашёдан аёвсиз фойдаланиш;
Кластерлаш сиёсати модели	Глобал қиймат занжирида фаол иштирокни таъмланиши; инвесторлар билан тенг ҳуқуқли қафолатланган тизим; чегараланишни чекланиши; модернизация ва таркибий ўзгаришларда кластер усулидан фойдаланиш; зоналарни ҳудуд учун ривожланиш катализаторига айланади; саноат сиёсатининг горизонтал ва вертикал томонларини бирлаштирган яхлит ёндашув;	Глобал бозорда эркин рақобат; Қонунчилик ва бошқарув тизимлари тубдан ислоҳ қилиш лозим; инфратузилмани тўлиқ ёнгилаш талаб этилади;



Имидж яратиш модели	Инвесторлар учун ўзига хос мотив шаклланади; Маҳаллий брендлар шаклланади; Мамлакатнинг халқаро инвестицион рейтингига ошади;	Узоқ вақт талаб этилади; Мамлакат имиджи билан боғлиқ ривожланади; Таркибий тузилмани тубдан қайта ташкил этиш лозим
Инновацион ривожланиш модели	Инновацион кластерлар шаклланади; Худуднинг инвестициялар салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш имконияти; Кадрларнинг инновацион компитентлиги ошиб боради; Янги ресурслар ўзлаштирилади;	Инвестиция сўёсатида давлатнинг аралашуви тўлиқ чекланади;
Худудий ривожланишга йўналтирилган модель	Минтақавий ривожланишни қўллаб-қувватлаш; Минтақавий фарқларни камайтириш; Минтақавий ривожланиш дастурларини самарали амалга ошириш; Иш ўринларининг яратилиши; Кадрлар салоҳиятини ва инновацион компитентлигини ошиб бориши;	Инвестиция салоҳиятидан тўлиқ фойдаланмаслик; хорий инвесторларни жалб қилиш учун чекланган имкониятлар; Саноатни вертикал интеграцияси

Навоий ЭИЗсида инвестицион лойиҳалар муайян вазиятлардан ёки очилиш имкониятларидан келиб чиқмоқда. ЭИЗларнинг инвестиция салоҳиятини ошириш учун бутун инвестициявий циклини қамраб олган мувофиқлаштирилган стратегик ҳаракатлар дастури билан фаол ва тизимли мақсадли илмий тадқиқотлар зарур.

Навоий ЭИЗсида инвестицион моделини шакллантириш бўйича иқтисодий зона дирекцияси ўз фаолиятида бир қатор вазибалар амалга оширилиши лозим:

- дирекция томонидан инвестициялар ва кластерлаш имкониятларини баҳолаш, унда кичик ва ўрта бизнесни жалб қилиш имкониятларини ҳисобга олиш;

– инвесторларнинг мақсадли гуруҳларга йўналтирилган инвесторларни жалб қилиш бўйича тадбирлар самарадорлигини ошириш. Хусусан, савдо ярмаркалари ва маркетинг фаолиятини ривожлантириш;

– инвестицион салоҳиятнинг ўсиш тенденцияларини кузатиш, инвесторларга кўрсатиладиган хизматлар қамрови ва сифатини ошириш, янада рағбатлантирувчи тизимларни жорий этиш лозим.

Мониторингни кучайтириш керак, шунингдек, зонада юзага келиши мумкин бўлган инвесторларнинг асосий муаммоларини аниқлашга ва бизнес шароитларини ўзгартиришга эътибор қаратиш лозим.

Тадқиқот натижаларидан маълум бўлмоқдаки, Навоий ЭИЗси дирекцияси томонидан халқаро тажрибани қайта кўриб чиқиш, иқтисодий моделни қайта ишлаб чиқиш ва ушбу моделни иқтисодий сиёсат ва рағбатлантириш тизимлари доирасида самарали татбиқ этиши зарур.

Эркин иқтисодий зоналарда инвестицион муҳит жозибадорлигини самарали бошқариш вилоятнинг инвестицион жозибадорлигини оширишда асосий аҳамиятга эга. ЭИЗларнинг дирекциялар томонидан инвестицияларни бошқариш тизимини баҳолаш ва умумий бошқарув сифатини ошириш асосий йўналиш ҳисобланади. Эркин иқтисодий зоналарнинг инвестицион муҳит жозибадорлигини бошқарув самарадорлиги даражасини баҳолаш ҳудудда шаклланган рақобат ва ишбилармонлик муҳитини яратишга қаратилган инвестицион фаоллик кўрсаткичлари ва мезонларини шакллантириш талаб этилади.

Эркин иқтисодий зонанинг инвестиция фаолияти бу бутун инвестиция циклини амалга ошириш (инвестиция манбаларини излаш, танлаш ва улардан фойдаланиш ва инвестиция ресурсларини шакллантиришдан, инвестицияларнинг энг са-

марали йўналишларини асослаш ва танлашдан ва инвестиция дастурида назарда тутилган инвестиция лойиҳаларининг барча турларини амалга ошириш билан яқунланишидан) ва шу асосда таклиф қилинаётган иқтисодий ёки бошқа таъсирнинг тўлиқ ҳажмини олишнинг мақсадга мувофиқ равишда амалга ошириладиган жараёнидир.

ЭИЗларнинг инвестицияларни бошқариш тизимининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: оқилона инвестиция дастурини шакллантириш, маълум бир режалаштириш даврида ЭИЗнинг тасдиқланган инвестиция дастурини амалга ошириш учун зарур бўлган инвестиция ресурсларига бўлган талаб ҳажмини аниқлаш, инвестиция манбаларини излаш уларга бўлган эҳтиёжни қоплайдиган ресурслар.

Навоий эркин иқтисодий зонасида 100 дан ортиқ йирик ва ўрта компаниялар фаолият юритади. ЭИЗларнинг дирекциялар томонидан инвестицияларни бошқариш тизимини баҳолаш ва умумий бошқарув сифатини ошириш мақсадида, ЭИЗдаги компаниялар менежерлари ўртасида сўров ўтказилди. Сўровномада 7 та компаниянинг 25 та юқори даражали раҳбари иштирок этди. Асосий вазифа сифатида эркин иқтисодий зонада фаолият юритаётган корхоналарнинг дирекциянинг бошқарув фаолиятига берган баҳосини аниқлашдир. Шунингдек, инвестицияларни бошқариш тизимини баҳолашда эксперт усулини қўллашнинг амалий мақсадга мувофиқлигини синаб кўришдир. Эксперт сўрови интервью ва ёзма сўровнома орқали ўтказилди. Сўровда қатнашган компаниялар раҳбарларига инвестицияларни бошқариш тизимини баҳолашнинг аҳамияти тўғрисида саволлар берилди, шунингдек, унинг самарадорлиги даражасига таъсир қилувчи омилларни саралаш таклиф қилинди. Факторлар тизими муаллифлар томонидан инвестицияларни бошқариш тизимларининг назарий асослари ва ком-

панияларнинг умумий бошқарувига оид бир қатор адабий манбаларга асосланиб шакллантирилади.

Эркин иқтисодий зоналар дирекцияси томонидан инвестицион фаолиятни бошқариш тизимини 5 балли шкала асосида баҳолаш мақсадга мувофиқ ва улар қўйидаги мезонлар асосида амалга оширилади:

***К1** – Эркин иқтисодий зоналарнинг дирекция фаолиятининг бошқарув самарадорлиги (эксперт баҳолаш).* Баҳолаш жами 5 балли тизим асосида 6 та мезон бўйича эксперт усулида аниқланади.

Х1. Эркин иқтисодий зоналар дирекциялари томонидан энг муҳим қарорларни қабул қилиш тезлиги (эксперт баҳолаш).

Х2. Қабул қилинган қарорларнинг корхона инвестиция стратегиясининг инвестицияларни бошқариш тизими фаолиятига мувофиқлиги.

Х3. Ташқи муҳит билан ўзаро таъсир самарадорлиги.

Х4. Инвестицияларни бошқариш тизимини дирекциянинг умумий менежменти билан фаолиятни мувофиқлаштириш даражаси.

Х5. Инвестицияларни бошқариш тизимининг таркибий қисмлари ўртасида тезкор коммуникация ва ахборот алмашинувини таъминлаш (бошқарув жараёни ахборотни қабул қилиш, узатиш, қайта ишлаш ёки фойдаланишни ўз ичига олади).

Х6. Эркин иқтисодий зоналарнинг инвестиция фаолиятининг инсон ресурсларини бошқариш тизими (инвестиция қилинган корхона ишчиларининг малакавийлик даражаси).

***К2** – Эркин иқтисодий зоналарнинг инвестицион фаоллик даражаси.* Баҳолаш жами 5 балли тизимда кўрсаткичларни шкалалаштириш асосида 3 та мезонга кўра баҳоланади.

Х7. Моддий ва номоддий активларга инвестицияларнинг нисбати (20/80 фоизгача 5 балл; 40/60 фоизгача 4 балл, 50/50 фоизгача 3 балл, 60/40 фоиз 2 балл, 80/20 фоизгача 1 балл).

Х8. Узоқ ва қисқа муддатли инвестицияларнинг нисбати (20/80 фоизгача 5 балл; 40/60 фоизгача 4 балл, 50/50 фоизгача 3 балл, 60/40 фоиз 2 балл, 80/20 фоизгача 1 балл).

Х9. Хорижий инвестицияларнинг жами инвестициялардаги салмоғи (20/80 фоизгача 5 балл; 40/60 фоизгача 4 балл, 50/50 фоизгача 3 балл, 60/40 фоиз 2 балл, 80/20 фоизгача 1 балл).

**К3** – *Эркин иқтисодий зоналарга жалб этилган сармоянинг даромадлилик кўрсаткичлари*. Баҳолаш жами 5 балли тизимда кўрсаткичларни шкалалаштириш асосида 2 та мезонга кўра баҳоланади.

Х10 – худудга киритилган жами инвестицияларда иқтисодий зонанинг салмоғи (60 фоиздан юқори 5 балл; 40 фоиздан юқори 4 балл, 30 фоиздан юқори 3 балл, 10 фоиздан юқори 2 балл, 10 фоизгача 1 балл).

Х11 – эркин иқтисодий зоналарга жалб этилган инвестициялар ҳисобига худуднинг иқтисодий ўсиш индекси (0,00-0,03 коэф. – 1 балл, 0,05 коэф. – 2 балл, 0,05 коэф. – 3 балл, 0,07 коэф. – 4 балл, 0,07 коэф. юқори – 4 балл.).

Рейтингни аниқлаш бўйича кўрсаткич (К) қиймати танланган мезонлар асосида баҳонади, хар бир мезоннинг салмоқ коэффициентлари ўрганилаётган рейтинг мезонлари сонига кўра аниқланади (К), бунда:

$$K = K_1 + K_2 + K_3$$

$$K = aK_1 + bK_2 + sK_3$$

Бунда,  $0 \leq a, b, s \leq 1$  да бўлиб, уларнинг йиғиндиси бирга тенг,  $a + b + s = 1$ ;

a, b, s – салмоқ коэффициентлари ҳисобланиб, рейтинг баҳолаш учун кўрсаткичларнинг таъсир даражасини белгилаб берувчилардир.

Салмоқ коэффициентлари ўрганилаётган рейтинг мезонлари сонига кўра аниқланади (К), бунда:

$$a = \frac{1}{11} * 6 = 0,54; b = \frac{1}{11} * 3 = 0,27; s = \frac{1}{11} * 2 = 0,18;$$

Иккинчи формулага салмоқ коэффициентларини қўйиб, куйидагича ёзамиз:

$$K = 0,54 * K_1 + 0,27 * K_2 + 0,18 * K_3 \quad (2.3)$$

мутлоқ баҳолаш шкаласи:

0 – қониқарсиз (ўта паст даража);

1 – қониқарли (паст даража);

2 – ўртача ҳолат (ўртача даража);

3 – яхши ҳолат (юқори даража);

4 – энг зўр (энг юқори даража).


Эркин иқтисодий зоналарнинг инвестицион фаоллик кўрсаткичлари Spearman даражасининг корреляция коэффициентлари ёрдамида ҳисоблаб чиқилади.

Муаллиф томонидан ЭИЗ дирекциясининг инвестицион фаолиятни бошқариш тизимларининг умумий бошқарувига оид кўрсаткичлари ва мезонлари шакллантирилган(2.3-расм).

Республикадаги эркин иқтисодий зоналар рейтинг тизими асосида эркин иқтисодий зоналарнинг дирекцияси томонидан инвестицион фаолиятни бошқариш ҳолатини аниқлаш имкони мавжуд.

2021 йилнинг январ ҳолатига кўра республикада жами 22 та эркин иқтисодий зона фаолияти йўлга қўйилган ва уларни ўзаро рейтингини тузиш асосида бошқарув самарадорлиги аниқлаб борилади. Рейтингни аниқлаш бўйича кўрсаткич (K) қиймати 3 та мезонлар асосида баҳоланади;

K1 – эркин иқтисодий зоналарнинг дирекция фаолиятининг бошқарув самарадорлиги (эксперт баҳолаш). Баҳолаш жами 5 балли тизим асосида 6 та мезон бўйича эксперт усулида аниқланади;



2.1.-расм. ЭИЗларда ИМЖликни бошқариш самарadorлиги даражасини аниқлашнинг инвестицион фаолият ва жалб этилган сармойанинг даромадлилик кўрсаткичи ва мезонлари<sup>15</sup>

<sup>15</sup> Муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

К2 – эркин иқтисодий зоналарнинг инвестицион фаоллик даражаси. Баҳолаш жами 5 балли тизимда кўрсаткичларни шкалалаштириш асосида 3 та мезонга кўра баҳоланади.

К3 – эркин иқтисодий зоналарга жалб этилган сармоянинг даромадлилик кўрсаткичлари. Баҳолаш жами 5 балли тизимда кўрсаткичларни шкалалаштириш асосида 2 та мезонга кўра баҳоланади.

Эркин иқтисодий зоналарнинг инвестицион фаоллик кўрсаткичлари бўйича танланган жами 11 та омилнинг аҳамиятлилиги бўйича Spearman даражасининг корреляция коэффициентлари  $r(sp)$  ёрдамида ҳисоблаб чиқилади ва *мутлақ баҳолаш шкаласи* асосида даражаланади.

Spearman корреляция коэффициентлари  $r(K)$  куйидаги формула (1.1) асосида ҳисобланди

$$r(X) = 1 - \frac{6 \sum X_n^2}{n(n^2 - 1)} \quad (1.1)$$

Бунда,

$r(X)$  – ЭИЗлар бўйича умумий ўртача баҳолаш натажаларига ҳар бир ЭИЗнинг учун аниқланган натажалари ўртасидаги боғлиқликни ифодаловчи Spearman корреляция коэффициенти;

$X$  – ЭИЗлар рейтингини аниқлаш бўйича танланган омиллар бўйича қабул қилинган қийматлар;

$n$  – омиллар сони.

ЭИЗлардаги инвестицион муҳит жозибадорлигини баҳолаш бўйича Spearman корреляция коэффициентлари  $r(K)$  бўйича рейтинг баҳолаш даражалари фаолиятлар натижаларини аниқлаш ва рейтингини тузиш имконини беради:

А даража коникарли ( $-0,577 \leq r \leq 0$ ) – ЭИЗ мамлакатдаги инвестицион муҳитни шаклланишига тескари боғлиқликни акс эттиради;

В даража ўртача ( $0 \leq r \leq 0,143$ ) – ЭИЗ мамлакатдаги инвестицион муҳит шаклланишига паст даражада боғлиқликни акс эттиради;



С даража яхши ҳолат ( $0,143 \leq r \leq 0,991$ ) – ЭИЗ мамлакатдаги инвестицион муҳит шаклланишига юқори боғлиқлик акс эттиради;

Эркин иқтисодий зоналарнинг инвестицион фаоллик кўрсаткичлари Spearman корреляция коэффициентлари ёрдамида ҳисоблаб чиқилган рейтинг натижалари 2.2-жадвалда ифодаланган.

2.2-жадвал

**Ўзбекистон Республикасидаги эркин иқтисодий зоналарда инвестицияларни бошқариш тизимини баҳолаш натижалари**

ЭИЗЛАР	$\sum X$	$\bar{X}$ (умумий ўртача қиймат)	РЕЙТИНГ	
			$r(sp)$ кўрсаткичи	Ранг
«Навой» ЭИЗ	39	3,55	0,709	С
«Чорвоқ» ЭТЗ	30	2,73	0,150	С
«Сирдарё» ЭИЗ	33	3,00	0,991	С
«Зомин-фарм» ЭИЗ	24	2,18	-0,577	А
«Жиззах» ЭИЗ	26	2,36	-0,473	А
«Ангрен» ЭИЗ	29	2,64	0,518	С
«Сирдарё-фарм» ЭИЗ	22	2,00	0,373	С
«Паркент-фарм» ЭИЗ	27	2,45	-0,086	А
«Термиз» СЭЗ	23	2,09	0,100	В
«Бойсун-фарм» ЭИЗ	26	2,36	0,086	В
«Нукус-фарм» ЭИЗ	29	2,64	-0,441	А
«Хазорасп» ЭИЗ	25	2,27	0,132	В
«Чирокчи» ЭИЗ	23	2,09	0,364	С
«Ургут» ЭИЗ	25	2,27	0,364	С
«Балиқ ишлаб чиқарувчи» ЭИЗ	21	1,91	0,027	В
«Ғиждувон» ЭИЗ	21	1,91	-0,077	А
«Наманган» ЭИЗ	26	2,36	-0,332	А
«Косонсой-фарм» ЭИЗ	28	2,55	0,195	С
«Бухоро-агро» ЭИЗ	26	2,36	0,286	С
«Бўстонлик-фарм» ЭИЗ	21	1,91	0,887	С
«Кўкон» ЭИЗ	24	2,18	0,277	С
«Анджон-фарм» ЭИЗ	20	1,82	-0,323	А

Эркин иқтисодий зоналарда инвестицияларни бошқариш тизимини баҳолаш натижаларига кўра кўп йиллик тажрибага эга бўлган «Навоий» ЭИЗ, Сирдарё ЭИЗ зоналари энг юқори рейтингга эга бўлган бўлса, «Ангрен» ЭИЗ, «Ургут» ЭИЗ ва «Сирдарё-фарм» ЭИЗлар инвестицияларни бошқариш тизимини баҳолашда бўйича ТОП-5таликлдан жой олди. ЭИЗларнинг 50 фоизида бошқарув самарадорлиги яхши даража бўлиб, мамлакатда инвестицион муҳитни шакллантиришга ўзининг муносиб ҳиссасини кўшаётганлиги аниқланди. ЭИЗларнинг инвестицион муҳит жозибаторлигини бошқариш даражаси 18 фоизида ўртача ва 32 фоизида қоникарли эканлиги аниқланди.

Инвестициялар самарасини мезон даражада баҳолаш учун инвестиция мультипликаторидан фойдаланилади. Мультипликатор самараси коэффиценти Навоий вилоятининг иқтисодиёт тармоқларига киритилаётган инвестициялар ҳажмининг ўсиши орқали ЯҲМ ҳажми ўсишига эришилишини ифодалайди.

Навоий вилоятининг инвестициялари самарадорлигининг иқтисодиётнинг турли соҳалари ривожланишига таъсирини баҳолаш учун эса, инвестицияларнинг иқтисодий ўсиш индикаторларига боғлиқлигини ўрганиш тақозо этади ва у, энг аввало, Навоий вилояти бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми, инвестицияларнинг ўсиш суръати ва инвестициялар таркибида хорижий инвестициялар миқдори таҳлили орқали амалга оширилади (2.3-жадвал).

**2015-2019 йилларда Навоий вилояти бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми, млн.сўм<sup>16</sup>**

Кўрсаткичлар	2015й.	2016й.	2017й.	2018й.	2019й.
Жами инвестициялар	1809065,3	2963152,2	3977843,4	10579454	13753339,6
Инвестицияларнинг ўсиши, %	90,7	144,1	107,4	188	133,7
шу жумладан, хорижий инвестициялар, минг АҚШ доллари	54888,3	31266,5	75829,2	26162,1	34010,7

2.2-жадвал маълумотларидан маълумки, 2015-2019 йилларда Навоий вилояти бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми 2015 йилда 1809065,3 млн. сўмни ташкил этган бўлса, 2019 йилда 133 фоизга кўпайган. Хорижий инвестициялар ҳажми 2015 йилда 54888,3 млн. АҚШ долларини ташкил этган. 2019 йилга келиб пасайиш тенденцияси кузатилиб, 34010,7 АҚШ долларни ташкил этган бўлсада, 2018 йилга нисбатан қарийб 30 фоизга кўпайганлигини кузатишимиз мумкин.

Иқтисодиёт ривожланиши турлича бўлганлиги боис, бенчмаркинг усулини қўллаш таҳлил натижаларини янада аниқлаштиришга, оптимал қарорларни қабул қилишга сабаб бўлади. 2015-2019 йилларда асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмининг динамикаси Навоий вилояти шаҳар ва

<sup>16</sup> Вилоят молия бошқармаси маълумотлари асосида тузилди.

туманлари бўйича сезиларли тафовутларни юзага келтирган (2.4-жадвал).

Жадвал маълумотларидан маълум бўлишича, 2015-2019 йилларда Навоий вилояти бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмининг ўсиш суръати 2015 йилда 90,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2019 йилда 133,4 фоизга кўтарилган.

2.4-жадвал

**2015-2019 йилларда асосий капиталга киритилган  
инвестициялар ҳажмининг ўсиши, %<sup>17</sup>**

Худудлар	2015й.	2016й.	2017й.	2018й.	2019й.
<b>Вилоят бўйича</b>	<b>90,7</b>	<b>144,1</b>	<b>107,4</b>	<b>188,0</b>	<b>133,4</b>
Навоий шаҳри	179,2	197,4	86,3	166,7	145,7
Зарафшон шаҳри	28,6	148,2	206,8	317,7	171,2
Кармана тумани	122	84,9	134,6	189,9	137,2
Конимех тумани	89,1	98,2	68,6	118,2	132,2
Қизилтепа тумани	85,2	101,8	122	109,8	109,9
Навбахор тумани	93,2	102,2	58,2	115,7	119,3
Нурота тумани	94,6	94,9	112,3	122,2	119,5
Томди тумани	75,1	42,3	134,6	81,1	103,9
Учкудук тумани	60,3	170	170,4	211,5	144,2
Хатирчи тумани	74,8	91,6	91,9	108,7	119,1
Таксимланмайдиган ҳажми	24,8	15,1	16,5		

Бу даврда Навоий вилоятининг шаҳар ва туманлари таркибида энг юқори ўсиш суръати Зарафшон шаҳри (171,2 фоиз), Навоий шаҳри (145,7 фоиз), Учкудук тумани (144,2 фоиз), Кармана тумани (137,2 фоиз) зиммасига тўғри келган бўлса, биринчи паст ўсиш суръатлари Томди туманида (103,9 фоиз), Қизилтепа туманида (109,9 фоиз) кузатилган.

<sup>17</sup> Вилоят молия бошқармаси маълумотлари асосида тузилди.

Навоий вилояти бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар миқдорига тегишли бўлган кўрсаткичлар таҳлилини давом эттирадиган бўлсак, 2015-2019 йилларда Навоий вилояти шаҳар ва туманларининг асосий капиталга киритилган инвестициялардаги иштироки ва унинг улуши ҳам турлича бўлган (2.5-жадвал).

2019 йилда Навоий вилояти бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмида шаҳар ва туманлар иштирокининг таҳлили шуни кўрсатадики, улуши юқори бўлган ҳудудларга Навоий шаҳри (42,1 фоиз), Зарафшон шаҳри (25,7 фоиз), Кармана тумани (13,1 фоиз) кирса, улуши паст бўлган ҳудудларга Томди тумани (0,4 фоиз), Конимех тумани (1,1 фоиз), Нурота тумани (1,2 фоиз), Хатирчи тумани (2,8 фоиз) қиради.

2.5-жадвал

**2015-2019 йилларда асосий капиталга киритилган инвестициялар, жамига нисбатан улуши, %да<sup>18</sup>**

	2015й.	2016й.	2017й.	2018й.	2019й.
<b>Вилоят бўйича</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>
Навоий шаҳри	44,2	61,1	47,3	42,3	42,1
Зарафшон шаҳри	6,9	7,2	14,8	25,3	25,7
Кармана тумани	16,7	10,0	13,4	13,7	13,1
Конимех тумани	2,8	2,0	1,4	0,9	1,1
Қизилтепа тумани	5,3	3,8	5,2	3,1	3,1
Навбаҳор тумани	6,4	4,6	2,8	1,8	1,9
Нурота тумани	2,4	1,6	2,1	1,4	1,2
Томди тумани	1,9	0,6	0,9	0,4	0,4
Учкудук тумани	3,8	4,6	7,7	8,7	8,1
Хатирчи тумани	6,6	4,3	4,4	2,6	2,8
Таксимланмайдиган хажми	3,0	0,3	0,03	0,0	0,0

<sup>18</sup> Вилоят молия бошқармаси маълумотлари асосида тузилди.

Инвестициялар ишлаб чиқариш салоҳияти юқори бўлган, инфратузилмаси ривожланган ва ишчи кучи ресурслари ҳамда салоҳияти юқори бўлган ҳудудларга йўналтирилади. Умумий вилоят кўрсаткичи бўйича улуши паст бўлган ҳудудларда жон бошига тўғри келадиган ЯХМнинг камлиги, аҳоли турмуш даражасининг ўртачадан пастлиги ва ишсизлик муаммосининг кескинлигидан дарак беради. Ўз-ўзидан буларнинг барчаси ҳудуд инвестицион жозибадорлигига, солиқ ва бошқа турдаги мажбурий ажратмалар ҳисобига шаклланадиган бюджет маблағларига салбий таъсир кўрсатади. Бенчмаркинг усулидан фойдаланиб таҳлилларни давом эттирадиган бўлсак, ҳудудларнинг нотекис ривожланиши оқибатида ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг кескинлашуви, хусусан камбағалликнинг авж олиши, турли кўринишдаги жиноятлар ва тартибсизликларнинг вужудга келишига сабаб бўлади.

Навоий вилояти бўйича 2015-2019 йилларда асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми, инвестицияларнинг ўсиш суръати ва инвестициялар таркибида хорижий инвестициялар миқдори таҳлили куйидаги жадвалда акс этган (2.6-жадвал).

2015-2019 йилларда Навоий вилояти бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари таҳлилининг кўрсатишича, 2015 йилда давлат бюджети маблағлари 49,7 млрд. сўмни, ташкилот ва аҳоли маблағлари 1100,24 млрд. сўмни, тижорат банклари кредитлари 169,17 млрд. сўмни, чет эл кредитлари ва инвестициялари 54,89 млрд. сўмни, бошқа манбалар 435,06 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, энг юқори улуш ташкилот ва аҳоли маблағларига тўғри келган (60,8 фоиз). 2019 йилда давлат бюджети маблағлари 418,89 млрд. сўмни, ташкилот ва аҳоли маблағлари 5095793,4 млн.сўмни, тижорат банклари кредитлари 1606,98 млрд.сўм-

ни, чет эл кредитлари ва инвестициялари 1024,8 млрд. сўмни, бошқа манбалар 10140,6 млрд. сўмни ташкил этган.

2.6-жадвал

**2015-2019 йилларда Навоий вилоятида асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг молиялаштириш манбаларига кўра тақсимланиши, млрд.сўм<sup>19</sup>**

Йиллар	ЯХМ	Жами инвестициялар	Давлағ бюджети	Ташкилот ва аҳоли маблағлари	Тижорағ банклари кредитлари	Чет эл кредитлари ва инвестициялари	Бошқа манбалар
2015	10207,9	1809,06	49,70	1100,24	169,17	54,89	435,06
2016	11581,9	2963,15	145,12	148,68	186,86	152,47	997,03
2017	14232,2	3977,84	201,98	1850,67	435,26	962,46	527,47
2018	22132,2	10579,45	75,95	3919,84	634,24	3597,98	2351,44
2019	36685,2	17775,3	418,89	1606,98	4584,03	1024,8	10140,6
2019*	1,65	1,68	5,51	0,4	7,22	0,28	4,31


Амалга оширилган таҳлиллар ва олиб борилган тадқиқот натижасига кўра инвестицияларнинг иқтисодиёт ривожланишига таъсирини баҳолаш модели ишлаб чиқилди (2.4-расм).

Навоий вилоятига жалб этилган инвестицияларнинг ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолатига таъсирини баҳолаш, тизимли тенгламалар модели орқали олинган натижалар қуйидагиларни аниқлаш имконини берди:

– Навоий вилоятида инвестициялар ҳисобига ҳудудий ривожланиш индикатори ҳисобланган аҳоли истеъмоли ўсиши жами олинган самаранинг 0,32 коэффициентини ташкил этмоқда. Ушбу ҳолат вилоятга жалб этилаётган инвестициялар аҳоли истеъмоли ўсишига таъсир кўрсатаётганлигини билдирмоқда. Ўз навбатида, ушбу ҳолат аҳолининг жамғармаларини инвестицияларга йўналтиришдаги салмоғини ошириш ҳолат-

<sup>19</sup> 2019 йилда 2018 йилга нисбатан ўзгариш, март.

ларини юзага чиқарган; инвестициялар ҳисобига ҳудудий ривожланиш индикатори ҳисобланган чакана савдонинг ривожланиши (реал талабни ўсиши) 52 фоизни ташкил этиб, юқори самара кузатилган;



2.2-расм. Инвестицион жозибadorликни иқтисодий ривожланишига таъсирини баҳолаш модели<sup>20</sup>

– инвестициялар ҳисобига ҳудудий ривожланиш индикатори ҳисобланган ташқи савдонинг ривожланиши 1,53 коэффицентни ташкил этмоқда. Ушбу ҳолат жалб этилаётган инвестициялар ташқи бозорларни эгаллаш ва экспорт имкониятларини кенгайтиришга йўналтирилаётганлигини ҳам англатади. Хорижий инвестицияларни жалб этишга қаратилган қабул қилинган дастурлар ва уларнинг фаолияти доимий

<sup>20</sup> Муаллифлар ишланмаси.



назоратга олинган. Бироқ, Навоий вилоятининг экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган инвестициялар кўламини янада кенгайтириш заруратини модель натижалари асослади;

– инвестициялар ҳисобига ҳудудий ривожланиш индикатори ҳисобланган аҳоли даромадлари кўпайиши 1,63 коэффицентни ташкил этиб, энг юқори натижа кўрсатмоқда. Ушбу ҳолатда жалб этилган инвестициялар вилоят аҳолисининг даромадларини оширишда асосий омил бўлмоқда ва уни ижобий ҳолат сифатида баҳолаш ўринли;

– инвестициялар ҳисобига ҳудудий ривожланиш индикатори ҳисобланган бюджетга тушумларни ошириш инвестицияларнинг ҳисобига 0,33 коэффицентни ташкил этиб, ўртача даражада ривожланмоқда.

Таҳлил натижаларига кўра, вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида инвестицияларнинг юқори даражадаги самараси кузатилади ва Навоий вилоятига жалб этилган инвестицияларнинг умумий мультипликатор самарасининг коэффиценти 2019 йилда 15,8 ни ташкил этди. Ушбу ҳолат вилоятга жалб этилаётган бир сўмлик инвестициялар вилоятга кўшимча 15,8 сўмлик синергетик самарани олиб келиши аниқланди.

## **2.2. Ҳудуднинг иқтисодий ривожланишига инвестицион муҳит жозибadorлиги таъсирининг эконометрик моделлари**

Мамлакатга киритилган инвестициялардан оқилона фойдаланмаслик ёки инвестициядан самарали фойдаланишда юзага келадиган таваккалчилик ҳамда хатарлилик даражаларини аниқламаслик оқибатида ишлаб чиқариш жараёнини тўлиқ қувват билан ишлашининг чегараланиб қолиши каби муаммоларни аниқлаш ва илмий асосланган таклифлар тайёрлаш,

ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, рақобатда устунликни таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу муаммолар ечимининг илмий жиҳатдан асосланиши учун стратегик таҳлиллар амалга оширилиши лозим. Шундан келиб чиқиб, диссертацион тадқиқотнинг мазкур параграфида *мақсад* қилиб Навоий вилоятининг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти барқарорлигига инвестицион муҳит жозибadorлиги таъсирининг эконометрик таҳлилини амалга ошириш қўйилган. Ушбу мақсадга эришиш учун изланишнинг мазкур параграфида тадқиқот олдида *қуйидаги вазифалар* қўйилган:

– ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ривожланишида ҳудуд инвестицион жозибadorлигининг аҳамиятини аниқлаш;

– ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ривожланишида ва инвестицион жозибadorлигини таъминлашда юзага келадиган муаммоларни аниқлаш;

– ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти барқарорлигига инвестицион муҳит жозибadorлиги таъсирининг эконометрик таҳлили услубиёти шартлари ва натижаларини изоҳлаш.

Ижтимоий-иқтисодий тараққиёт барқарорлигига инвестицион муҳит жозибadorлиги таъсири бир қатор хорижлик муаллифлар томонидан комплекс тарзда ўрганилган.

Р.Жеймс, Ж.Хайнес (Hines Jr), П. Жонгсанг каби муаллифлар «иқтисодий ривожланишнинг инвестицион омиллари тадқиқида мамлакат самарали инвестицион сиёсати муваффақияти инвестицион жозибadorликни ошириш билан таъминланишини асослаш»га ҳаракат қилишган[11].

А.Малден тадқиқотида «ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг номутаносиблигининг энг муҳим сабаблари сифатида инвестицияларнинг нотекис тақсимланиши эканлиги шунингдек, инвестицион муҳит ва ўз инвестицион салоҳиятидан самарали фойдаланиш натижалари билан аниқланувчи инвес-

тицион жозибаторлик даражасининг фарқланиши»ни бош омил сифатида таъкидлаган[38].

Л.Ю.Хонг (Liu Yu-Hong) фикрича, «иқтисодий ривожланиш барқарорлигини таъминлаш инвестицион жозибаторликни оширишнинг ўрта ва узоқ муддатли стратегияларини ишлаб чиқишга таяниши лозим»[10].

М.Жиянг (Jiang I-Ming), Н.Женг (Geng Niu), Ю.Ли(Li Yu), Фан Г. (Gang-Zhi Fan), Д.Жанг (Donghao Zhang) каби муаллифлар фикрича, «ижтимоий-иқтисодий тараққиёт барқарорлигини таъминлашда – ресурс салоҳияти, инвестицион салоҳияти, молиявий салоҳияти, меҳнат салоҳияти ва улардан самарали фойдаланиш натижалари билан белгиланувчи инвестицион жозибаторликни ошириб боришни таъминлаш муҳим аҳамиятга эга»[39].

Ижтимоий-иқтисодий ривожланганлик ҳолатини ифодаловчи асосий кўрсаткичлардан бири – инвестицион жозибаторлик ҳисобланади. Мамлакатдаги иқтисодиётга киритилаётган инвестициялар миқдори, динамикаси иқтисодий ўсиш суръатларини белгиловчи асосий омидир. Инвестиция ресурслари манбаларини шакллантириш ва унинг барқарорлигини иқтисодий тараққиётнинг муҳим таркибий қисми сифатида эътироф этиш мумкин. Инвестициялар ривожланишдаги асосий омил сифатида қаралишини инобатга олганда, инвестицион муҳитни шакллантириш, инвестицион жозибаторликни оширишда самарали инновацион-инвестицион стратегиялардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланиш даражаси эса иқтисодий салоҳият ва ундан фойдаланиш натижалари билан боғлиқ. Бу эса инвестицион жозибаторлик ҳолатига ҳам боғлиқ. Шунини ҳисобга олган ҳолда, ушбу кўрсаткичларни математик усуллардан фойдаланган ҳолда истиқбол даврга мўл-

жалланган илмий прогнозлар ишлаб чиқиш зарурати бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Навоий вилоятида асосий капиталга инвестицияларнинг ялпи ҳудудий маҳсулотга таъсирини эконометрик таҳлил қилиш мақсадида, 2006-2019 йилларда Навоий вилояти ялпи ҳудудий маҳсулотига- $Y_t$  га таъсир этувчи омиллар сифатида: ўтган йилги асосий капиталга инвестициялар- $I_{t-1}$  ҳамда ўтган даврдаги ялпи ҳудудий маҳсулот- $Y_{t-1}$  олинган.

Эконометрик моделга асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг ўтган йилги қийматлари киритилишига сабаб шуки, кўплаб инвестиция лойиҳалари амалга ошиши учун бироз вақт талаб қилади. Шунинг учун жорий даврдаги ялпи ҳудудий маҳсулотга ўтган йилги асосий капиталга инвестицияларни таъсир қилувчи омил сифатида олинди. Ўтган даврдаги ялпи ҳудудий маҳсулот кўшишдан мақсад тенгламада автокорреляция муаммоси бўлиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Агар боғлиқ ўзгарувчининг қиймати ўтган даврдаги моделга киритилса автокорреляция муаммоси бартараф этилиши мумкин. Бундан ташқари, таҳлил олиб борилаётган даврда инфляциянинг таъсири ҳам ҳисобга олиниши лозим. Инфляция таъсирини эса ялпи ҳудудий маҳсулот дефлятори ёрдамида 2006 йилга нисбатан ўсиш кўрсаткичларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Демак, ҳар бир кўрсаткич 2006 йилга нисбатан неча фоизга ўзгариш кузатилганини билдиради.

2.3-расм маълумотларидан шуни кўриш мумкинки, Навоий вилоятида 2006-2019-йилларда фаол инвестиция сиёсати олиб борилган бўлиб, бунинг натижасида асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми қарийб 8 марта ошган. Ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми ҳам узлуксиз ўсиш тенденциясига эга бўлиб, қаралаётган даврда қарийб икки баробарга ошган.



2.3-расм. Навоий вилоятида ялпи ҳудудий маҳсулот ва асосий капиталга киритилган инвестициялар динамикаси, (бу ерда 2006=100%)<sup>21</sup>

Юқоридаги статистик маълумотлар асосида олинган регрессия тенгламаси қуйидагича:

$$Y_t = \beta_0 + \beta_1 I_{t-1} + \beta_2 Y_{t-1} + \varepsilon_t \quad (2.8)$$

Бу ерда,

$\beta_k$  – олинган натижаларнинг ялпи ҳудудий маҳсулотга таъсирини билдиради;

$\varepsilon_t$  – моделдаги тасодифликни ифодаловчи регрессия тенгламасидаги озод ҳад;

Ўзгарувчиларни STATA 15 пакет дастури асосида ҳисоблаб топилган натижалари 2.6-жадвалда ифодаланади.

2.7-жадвал

### Регрессия тенгламаси параметрларининг ҳисобланган қийматлари<sup>22</sup>

$Y_t$	Coef.	Std. err.	T	P> t	95 % Conf. Interval	
$I_{t-1}$	0.014	0.006	2.50	0.031	0.002	0.027
$Y_{t-1}$	0.971	0.030	32.73	0.000	0.905	1.037
Cons.	6.493	3.180	2.04	0.068	-0.593	13.580

<sup>21</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.

<sup>22</sup> Натижалар муаллифлар томонидан STATA 15 дастурида ҳисобланган.

2.7-жадвал натижаларига кўра, олинган иккала мустақил ўзгарувчиларнинг боғлиқ ўзгарувчига таъсири 5 %лик муҳимлик даражасида статистик жиҳатдан аҳамиятли. Чунки, иккала  $t$  – статистиканинг  $p$  – қиймати ҳам 0.05 дан кичик.

2.7-жадвал маълумотлари асосида (2.9) функция тузилади:

$$Y_t = 6.493 + 0.014 * I_{t-1} + 0.971 * Y_{t-1} \quad (2.9)$$

Регрессия тенгламаси (2.9) функцияга кўра бошқа омиллар ўзгармаган шароитда ўтган даврда инвестицияларнинг 1 %га ошиши ялпи ҳудудий маҳсулотни ўртача 0,014 % га оширади. Ўтган йилги ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 1 % га ошиши эса, жорий даврдаги ялпи ҳудудий маҳсулотни мос равишда 0.971 %га ошишига сабаб бўлади. Таҳлилдан шуни кўриш мумкинки, вилоятда иқтисодий ўсишни таъминлашда инвестициялар муҳим аҳамиятга эга, айниқса ўрта муддатда ишга тушадиган инвестицион лойиҳалар иқтисодий ўсишга кучли таъсир кўрсатар экан.

Эконометрикада тузилган регрессия тенгламасини бир қатор мезонлар асосида баҳолаш лозим (2.8-жадвал).

2.8-жадвал

### Регрессия тенгламасининг мезонлар бўйича текшириш натижалари<sup>23</sup>

Source	SS	Df	MS	Number of obs.	=	13
Model	6620.04	2	3310.02	F(3,12)	=	1250.48
Residual	26.47	12	2.65	Prob>F	=	0.000
Total	6646.51	14	553.88	R-squared	=	0.996

Регрессия тенгламаси 2.8-жадвалда келтирилган статистик тест натижалари асосида баҳолаш натижаларидан маълум бўладики, олинган натижалари адекват ва ишончли. Тенгла-

<sup>23</sup> STATA 15 дастури асосида тузилган.

мада F–статистика бўйича p(value) қиймати 0,05 коэффицентдан кичик. Детерминация коэффиценти (R<sup>2</sup>) 99.6 % ни ташкил қилади. Демак, олинган мустақил ўзгарувчилар боғлиқ ўзгарувчини, яъни ялпи ҳудудий маҳсулотдаги ўзгаришни 99.6 %ни тушунтириб беради.

Кейинги қадамда регрессия тенгламасида автокорреляция мавжуд ёки мавжуд эмаслиғни текширамыз. Бунинг учун Бройш-Годфри тестидан фойдаланамиз (2.9-жадвал).

2.9-жадвал

### Бройш-Godfrey тести

Lags	Chi2	df	Prob>chi2
1	1.3	1	0.25

*Манба: натижалар муаллиф томонидан STATA 15 дастурида ҳисобланган.*

Бройш-Годфри тести қуйидаги ноль ва муқобил гипотезалардан иборат:

H<sub>0</sub>: регрессия тенгламасида автокорреляция йўқ;

H<sub>1</sub>: регрессия тенгламасида автокорреляция бор.

2.9-жадвал маълумотларига кўра Broysuh-Godfrey тести p–қиймати 0.25 га тенг, яъни, автокорреляция йўқлиги ҳақидаги ноль гипотезани рад эта олмаймиз. Демак, ўрганилаётган регрессия тенгламасида автокорреляция мавжуд эмас.

Маълумки, бирор бир ҳудудга йўналтирилган инвестицияларнинг самарадорлигини баҳолашда жаҳон амалиётида ICOR (Incremental Capital-Output Ratio) индексидан фойдаланилади (ялпи ички ёки ялпи ҳудудий маҳсулот ўсишининг капитал сиғими). У қуйидагича аниқланади:

$$ICOR = \frac{I}{\Delta YNM} * 100\% \quad (2.10)$$

Бу ерда: **I** – асосий капиталга киритилган инвестициялар;  
**ҮНМ** – ЯҲМ ҳажми;

**ΔҮНМ%** – ЯҲМ миқдорининг ўсиш суръати, фоизда.

ICOR индекси қанчалик паст бўлса, ҳудуднинг иқтисодий ўсишида инвестициялардан фойдаланиш самарадорлиги шунча юқори бўлади. Бу ерда ҳудуднинг иқтисодий ўсишида инвестицияларнинг аҳамияти юқорилигини, ўзлаштирилган ҳар бир бирлик инвестиция ўзидан олдинги даражадан юқори миқдорда маҳсулот яратиш имконини беради. Бу эса мавжуд ҳолатда иқтисодиётга инвестицияларни жалб этишни янада кучайтириш кераклигини тақозо этади.

ICOR индекси қанчалик юқори бўлса, ҳудуднинг иқтисодий ўсишида инвестициялардан фойдаланиш самарадорлиги шунча паст бўлади. Бу эса, ҳудуднинг иқтисодий ўсишида инвестицияларнинг аҳамияти пастлигидан гувоҳлик беради, ўзлаштирилган хорижий инвестициялар билан иқтисодий ўсиш ўзаро мувофиқлашмаганлигидан дарак беради.

2016 йилда Навоий вилоятида ICOR индекси 1,8 ни, 2017 йилда эса 9,1 ни ташкил этган. Индустириал ривожланган мамлакатларда бу индекс 2,5 ни ташкил этиши мақбул ҳолат эканлиги қайд этилган. Кўриниб турибдики, ушбу йилларда киритилган инвестицияларнинг ўсиш суръати ЯҲМнинг ўсиш суръатидан юқори бўлган. Бу, албатта, юқорида таъкидлаганимиздек, ҳудуднинг иқтисодий ўсишида инвестициялардан фойдаланиш самарадорлиги паст эканлигини намоён этади. Кейинги йилларда, яъни 2018 йилда ICOR индекси 4,1 ва 2019 йилда 1,5 ни ташкил этиб, сифат жиҳатидан халқаро меъёр даражасига эришган.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудларидан Навоий вилоятининг ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми – Үнинг ўзгаришига асосий капиталга киритилган инвестиция –  $X_1$ , ви-



лоятда бандлар сони –  $X_2$  ва аҳоли жон бошига умумий даромадлар –  $X_3$ ни таъсири бўйича эконометрик моделлар таҳлилни амалга оширамыз. Бунинг учун авваламбор, натижавий омилга бошқа омилларни боғлиқлиги ва хусусий корреляция коэффициентини текшириш лозим (2.10-жадвал).

2.10-жадвал

**Натижавий омилга бошқа омилларни боғлиқлиги ва хусусий корреляция коэффициенти**

	$Y$	$X_1$	$X_2$	$X_3$
$Y$	1			
$X_1$	0,97012577	1		
$X_2$	0,528698163	0,409027126	1	
$X_3$	0,953304919	0,798415686	0,676732099	1

Жадвал маълумотларидан кўринадикки, натижавий омилга нисбатан бошқа омиллар билан тўғри ва зич боғланган. Бошқа омиллар ўртасида  $r_{x_1, x_2} < 0,8$  шартга кўра мультиколениарлик мавжуд эмас. Демак, барча омиллар билан биргаликда регрессия тенгламасини аниқлашни давом эттириш мумкин. Бунинг учун биринчи навбатда танланган омилларнинг ўлчов бирликлари турлича бўлганлиги боис, уларни логорифмлаб оламыз. Eviews дастури ёрдамида аниқланадиган регрессия тенгламасини ҳамда унинг параметрларини сифат мезонлари орқали текшириш талаб этилади (2.11-жадвал).


**Навоий вилоятининг ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб  
чиқариш ҳажми ўзгаришининг кўп омилли регрессия  
тенгламасини сифат мезонлари натижаси**

Ўзгарувчилар	Коэффициентлар	Std. Error	t-Statistic ( $t_{\text{жад}}=2,14$ )	Prob.
LNX1	0.1211537	0.098839	1.148706	0.0487
LNX2	-5.704828	1.446330	-3.955065	0.0013
LNX3	0.947032	0.146852	6.448896	0.0000
C	34.45647	8.123103	4.241787	0.0007
Кузатув бўйича статистика				
R-squared	0.992357	Mean dependent var	8.288446	
Adjusted R-squared	0.990829	S.D. dependent var	1.172092	
S.E. of regression	0.112248	Akaike info criterion	-1.351544	
Sum squared resid	0.188995	Schwarz criterion	-1.152714	
Log likelihood	16.83966	Hannan-Quinn criter.	-1.317894	
F-statistic	649.2079	Durbin-Watson stat	1.849756	
Prob(F-statistic)	0.000000	$F_{\text{жад}}=0,984595$		

Жадвалдаги натижаларга асосан, қуйидагича регрессия тенгламаси ҳосил бўлади:

$$\text{LnY} = 0,121\text{LnX1} - 5,7048\text{LnX2} + 0,947\text{LnX3} + 34,5 \quad (2.11)$$

Асосий капиталга киритилган инвестиция – X1, вилоятда бандлар сони – X2 параметрлар  $\alpha=0,05$  ва  $df=14$  бўлганда  $t_{\text{жад}} = 2,144787$  тенглигидан  $t_{\text{жад}} < t_{\text{ҳис}}$  шартга кўра, аҳамиятсизлиги келиб чиқади. Бунга янада аниқроқ ишонч ҳосил қилиш учун ретроспектив прогноз мезонлари, яъни MAPE (Mean Absolute Percentage Error – ўртача мутлоқ фоиз хатоси) ва TIC (Tayl inequality coefficient – Тейл прогноз аниқлигининг муқобил ўлчови) кўрсаткичлари орқали текшириб кўришни амалга ошириш лозим (2.6-расм)



2.6-расм. MAPE ва TIC мезонлари натижаси<sup>24</sup>

2.4-расмда келтирилган маълумотлардан таъкидлаш мумкинки,  $MAPE = 0,9602$  бўлиб, бу ўз навбатида  $MAPE = 0,9602$  % прогноз аниқлиги юқори ва  $TIC = 0,006 < 1$  прогноз аниқлиги қанчалик юқори бўлса, коэффициент шунчалик нолга интилишидан параметрларнинг барчаси аҳамиятлилиги келиб чиқади. Юқорида аниқланган (2.11)-моделни ҳисоб-китоб осонлашиши, натижанинг аниқлигига эришиш ва ишончлигини ошириш мақ-

<sup>24</sup> Муаллифлар ишланмаси

садида потнецирланади ҳамда қуйидаги (2.12\*) – модель ҳосил қилинади.

$$Y = \frac{x_1^{0,121} * x_3^{0,95} * e^{34,5}}{x_2^{5,7048}} \quad (2.12^*)$$

Ушбу аниқланган регрессия тенгламасини иқтисодий шарҳлайдиган бўлсак, бошқа омиллар ўзгаришсиз бўлганда фақат асосий капиталга инвестицияни 1 млрд. сўмга оширсак, ялпи ҳудудий маҳсулот қўшимча 314,14 млн. сўмга ва аҳоли жон бошига умумий даромадларни минг сўмга оширилса, 2,03 млрд. сўмга ошади. Агар вилоятда бандлар сонини минг кишига оширилса, ялпи ҳудудий маҳсулот 501,8 млн. сўмга камаяди. Мавжуд ҳолат бўйича ишчи кучига корхоналарнинг тўйинганлигини ҳисобга олганда вилоятда янги ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш таклиф этилади.

Умуман, тадқиқотимизнинг мазкур параграфида Навоий вилояти ижтимоий-иқтисодий тараққиёти барқарорлигига инвестицион муҳит жозибадорлиги таъсирининг эконометрик таҳлили натижалари юзасидан қуйидаги умумий хулосаларга келинди:

1. Инновацион-инвестицион ривожланиш концепциясини энг истиқболли ва инвестициялар оқимини олиб келувчи инвестицион бошқарувга оид хатти-ҳаракатларни амалга ошириш имконини берувчи тамойил сифатида қабул қилиш лозим. Ушбу концепция раҳбар ва тадбиркорларда фикрлашнинг янги йўналишини шакллантиради, аҳоли ва инвестиция жараёни қатнашчиларининг эҳтиёжларини максимал даражада қондиришга хизмат қилади.

2. Навоий вилоятининг инвестицион муҳит жозибадорлигининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсирининг эконометрик таҳлили натижаларидан маълумки, инвестицияларни иқтисодиёт тармоқларининг салоҳиятидан келиб чиқиб тақсимланиши лозим.

3. Ушбу эконометрик таҳлил асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг иқтисодий ўсишни таъминлашда муҳим омил эканини исботламоқда. Ҳақиқатан ҳам корхоналарнинг инвестицион фаоллиги, авваломбор, технологик ва иқтисодий самарадорлик ошишига олиб келади. Натижада инвестиция киритилган корхоналар рақобатбардошлигининг ошиши ва экспортбоб маҳсулотлар ишлаб чиқариши ва шу тариқа ишлаб иқтисодий самарадорлик ошади.

### **2.3. Навоий ЭИЗининг инвестицион салоҳияти: таъсир этувчи омиллар ва фойдаланиш самарадорлиги таҳлили.**

Эркин иқтисодий зоналар (ЭИЗ) инвестицион салоҳиятига таъсир этувчи омиллар ва улардан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил этишда аввало улардаги бошқарув тузилмасининг хусусиятлари ва улардаги инвестицион фаолиятни ташкил этиш ва бошқаришдаги тизимли муммоларни ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

«Навоий» эркин иқтисодий зона дирекцияси» АЖнинг бошқариш тузилмаси корпоратив бошқарув тамойиллари ва услубиётига мос ҳолда ташкил этилган бўлиб, 6-илова унинг бошқарув апарати тасвирланган.

2.12-жадвал маълумотларидан шуни кўринишича, 2015-2019 йилларда Навоий вилоятининг ЯҲМ ҳажми 10 207,9 млрд. сўмдан, 36 685,2 млрд. сўмга ёки 3,6 мартага ўсган.

Бундай юқори суръатларда ўсиш ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида саноат ишлаб чиқаришида кузатилган: 2015 йилда тармоқларнинг ялпи қўшилган қийматида саноат маҳсулотлари 4 996,5 млрд. сўмни, 2019 йилда эса 25 374,8 млрд. сўмни ташкил этган ёки 5,1 мартага ўсган.

**Иқтисодий фаолият турлари кесимида Навоий  
вилоятининг ялпи ҳудудий маҳсулоти ҳажми (жорий  
нархларда, млрд.сўм)<sup>25</sup>**

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>2015 й.</b>	<b>2016 й.</b>	<b>2017 й.</b>	<b>2018 й.</b>	<b>2019 й.</b>
<b>I. ЯҲМ, жами</b>	<b>10 207,9</b>	<b>11 581,9</b>	<b>14 232,2</b>	<b>22 132,2</b>	<b>36 685,2</b>
шу жумладан:					
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	9 923,1	11 189,0	13 847,9	21 399,8	35 599,6
Маҳсулотларга соф солиқлар	284,8	392,9	384,3	732,4	1 085,6
<b>II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати</b>	<b>9 923,1</b>	<b>11 189,0</b>	<b>13 847,9</b>	<b>21 399,8</b>	<b>35 599,6</b>
<b>Қишлоқ, ўрмон ва балиқ ҳўжалиги</b>	<b>2 686,4</b>	<b>3 052,5</b>	<b>3 940,6</b>	<b>5 050,7</b>	<b>5 954,2</b>
<b>Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)</b>	<b>4 996,5</b>	<b>5 749,9</b>	<b>7 168,3</b>	<b>12 930,6</b>	<b>25 374,8</b>
саноат	4 540,2	5 234,5	6 581,7	11 944,7	23 779,6
қурилиш	456,3	515,4	586,6	985,9	1 595,2
<b>Хизматлар</b>	<b>2 240,2</b>	<b>2 386,6</b>	<b>2 739,0</b>	<b>3 418,5</b>	<b>4 270,6</b>
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	488,0	667,6	762,0	951,7	1 121,8
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа	642,7	466,1	569,6	647,6	702,0
бошқа хизмат тармоқлари	1 109,5	1 252,9	1 407,4	1 819,2	2 446,8

Эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш юзасидан давлат сиёсати бу ҳудудларда иқтисодий ўсиш суръатлари ва уларнинг таркибий тузилиши доимий назоратда бўлишини талаб этади.

<sup>25</sup> Вилоят статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилди.

Умуман, 2015-2019 йилларда Навоий вилояти ялпи ҳудудий маҳсулот ўсиш суръатлари тармоқлар кесимида турлича бўлган. 2015 йилда энг юқори ўсиш суръати ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа соҳасида (8,8 фоиз) ҳамда хизматлар соҳасида (7,6 фоиз) кузатилган бўлса, 2019 йилда энг катта ўсиш суръати қурилишда (33 фоиз) ва саноатда (6,7 фоиз) кузатилган. (2.13-жадвал)

2.13-жадвал

**Иқтисодий фаолият турлари кесимида Навоий  
вилоятининг ялпи ҳудудий маҳсулоти ҳажми  
(ўтган йилга нисбатан фоизда)<sup>26</sup>**

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>2015 йил</b>	<b>2016 йил</b>	<b>2017 йил</b>	<b>2018 йил</b>	<b>2019 йил</b>
<b>I. ЯҲМ, жами</b>	<b>103,9</b>	<b>103,7</b>	<b>101,3</b>	<b>104,7</b>	<b>105,2</b>
шу жумладан:					
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	103,9	103,7	101,4	104,7	105,2
Маҳсулотларга соф солиқлар	103,1	102,8	100,5	105,8	106,0
<b>II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати</b>	<b>103,9</b>	<b>103,7</b>	<b>101,4</b>	<b>104,7</b>	<b>105,2</b>
<b>Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги</b>	<b>106,7</b>	<b>106,2</b>	<b>103,8</b>	<b>102,1</b>	<b>102,3</b>
<b>Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)</b>	<b>101,0</b>	<b>101,1</b>	<b>98,2</b>	<b>105,5</b>	<b>106,7</b>
саноат	100,9	101,2	97,5	101,8	104,5
қурилиш	102,2	100,3	105,4	147,5	133,0
<b>Хизматлар</b>	<b>107,6</b>	<b>106,7</b>	<b>106,0</b>	<b>106,2</b>	<b>103,8</b>
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	105,8	111,3	102,9	106,9	103,1
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа	108,8	105,9	111,7	104,5	101,8
бошқа хизмат тармоқлари	107,9	105,1	105,5	106,4	104,8

<sup>26</sup> Вилоят статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилди.

Навойй ЭИЗ ташкил этилгандан бошлаб, 2020 йилнинг январ ойигача бўлган муддатда жами 122 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестиция жалб этилган. Жалб этилган инвестициянинг 35%га яқини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобланади. Айниқса, Навойй халқаро аэропортини янада ривожлантириш ҳисобига, Европа ва Осиё давлатлари ўртасидаги йўналишларда катта ҳажмдаги юклар ва йўловчи транзит рейслари қабул қилиш имконини берувчи Марказий Осиё ҳудудидаги ягона халқаро логистика маркази ташкил этилгани Навойй эркин иқтисодий зонасининг ривожига муҳим ўрин тутмоқда.

Навойй халқаро аэропорти орқали юклар ташиш жаҳоннинг 50 дан ортиқ мамлакатлари амалга оширилаётгани вилоятнинг иқтисодий салоҳиятини оширишга, логистика ва инфратузилмани ривожлантириш, ишчи ўринларини яратишга муҳим омил бўлмоқда.

Навойй вилояти улкан иқтисодий салоҳияти билан республикада муҳим аҳамиятга эга. Вилоят республика иқтисодиётининг рангли металлургия, кимё ва қурилиш саноатида етакчи ҳудудларидан бири ҳисобланади. (6-илова).

2015-2019 йилларда Навойй вилоятида ялпи ҳудудий маҳсулот, аҳоли жон бошига даромадлар, аҳоли сони, аҳоли бандлиги ва ишсизлик даражасининг ўсиш суръатлари ушбу даврда республика бўйича ўртача даражадан анча юқори натижаларни қайд этган(6-илова).

Вилоятда аҳоли жон бошига нисбатан ялпи ҳудудий маҳсулотнинг миқдори нафақат республика бўйича ўртача даражадан, балки республиканинг бошқа ҳудудларига нисбатан юқорилиги билан хусусиятланади (2.14-жадвал).



**Навоий вилоятида аҳоли жон бошига ялпи ҳудудий  
маҳсулотнинг ҳажми ва ўсиш суръатлари<sup>27</sup>**

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>2015 й.</b>	<b>2016 й.</b>	<b>2017 й.</b>	<b>2018 й.</b>	<b>2019 й.</b>
Аҳоли жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми, минг сўм	8 355,5	9 342,1	10 682,7	13 375,6	16 372,4
Аҳоли жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиш суръати (ўтган йилга нисбатан %)да)	113,8	109,8	114,3	128,2	107,2

2.14-жадвал маълумотларидан кўринишича, 2015-2019 йилларда Навоий вилоятида аҳоли жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ҳажми қарийб 2 марта ўсгани (16 372,4 : 8 355,5) ва аҳоли жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиш суръати энг юқори даражаси 2018 йилда кузатилган (28,2%).

2.15-жадвал маълумотларидан маълумки, 2015-2019 йилларда Навоий вилоятида тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати таркибида саноатнинг улуши 2015 йилдаги 50,4 дан 2019 йилда 71,3% га ошган.

Бундан ташқари, 2015-2019 йилларда Навоий вилояти инвестицион салоҳияти тавсифида муҳим жиҳатлардан бири – ялпи ҳудудий маҳсулот тармоқ тузилиши таркибида саноатнинг улуши ўсиб бориш тенденциясига эга эканлигидир. Мазкур тенденция Навоий вилояти инвестицион салоҳияти тавсифида саноатнинг аҳамиятини ва шу билан бирга, Навоий вилоятининг мамлакат саноат маҳсулотигадаги иштирокини таҳлил этиш зарурлигини белгилайди (2.16-жадвал).

<sup>27</sup> Вилоят статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилди.

**Иқтисодий фаолият турлари кесимида Навоий вилоятининг ялпи ҳудудий маҳсулоти таркиби (жамига нисбатан фоизда)<sup>28</sup>**

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>2015 й.</b>	<b>2016 й.</b>	<b>2017 й.</b>	<b>2018 й.</b>	<b>2019 й.</b>
<b>I. ЯХМ, жами</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>
шу жумладан:					
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	97,2	96,6	97,3	96,7	97,0
Маҳсулотларга соф солиқлар	2,8	3,4	2,7	3,3	3,0
<b>II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>
Қишлоқ, ўрмон ва балик хўжалиги	27,1	27,3	28,5	23,6	16,7
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	50,4	51,4	51,7	60,4	71,3
саноат	45,8	46,8	47,5	55,8	66,8
қурилиш	4,6	4,6	4,2	4,6	4,5
Хизматлар	22,5	21,3	19,8	16,0	12,0

2.16-жадвал маълумотларининг кўрсатишича, 2015-2019 йилларда Навоий вилоятининг саноат маҳсулоти ҳажми бўйича республикадаги улуши 2015 йилдаги 9,5 фоиздан, 2019 йилда 13,5 фоизга ошган, аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти ҳажми бўйича республикадаги улуши эса 2015 йилдаги 3,2 фоиздан, 2019 йилдаги 4,6 фоизга ошган.

<sup>28</sup> Вилоят статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилди.

### Навий вилоятининг мамлакат саноат маҳсулотигаги улуши<sup>29</sup>

Йиллар		Саноат маҳсулотлари ҳажми, млрд. сўм	Ўсиш суръати, %	Жон бошига ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажми, минг сўм
2015	Ўзбекистон Республикаси	97 598,2	107,9	3 118,3
	Навий вилояти	9 286,9	103,4	10 087,9
	Республика кўрсаткичида улуши, %	9,5	х	<b>3,2 баробар</b>
2016	Ўзбекистон Республикаси	111 869,4	106,2	3 512,6
	Навий вилояти	10 657,9	102,5	11 395,1
	Республика кўрсаткичида улуши, %	9,5	х	<b>3,2 баробар</b>
2017	Ўзбекистон Республикаси	148 816,0	108,0	4 594,7
	Навий вилояти	13 072,9	100,1	13 755,1
	Республика кўрсаткичида улуши, %	8,8	х	<b>3,0 баробар</b>
2018	Ўзбекистон Республикаси	235 340,7	116,6	7 141,0
	Навий вилояти	22 892,4	104,3	23 629,7
	Республика кўрсаткичида улуши, %	9,7	х	<b>3,3 баробар</b>
2019	Ўзбекистон Республикаси	331 006,6	106,6	9 857,0
	Навий вилояти	44 540,4	104,5	45 067,7
	Республика кўрсаткичида улуши, %	13,5	х	<b>4,6 баробар</b>

<sup>29</sup> Вилоят статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилди.

2.17-жадвал маълумотларидан кўринишича, 2008-2020 йилларда Навоий ЭИЗ худудида амалга оширилган ва 2020-2021 йилларда режалаштирилган лойиҳалар, улардаги корхоналар сони, лойиҳалар қийматининг динамикаси таҳлили шуни тасдиқлайдики, мазкур даврда 2020 йилгача ишга тушган лойиҳалар 45тани ёки жамига нисбатан 39 фоизни (45:114), корхоналар сони 31тани ёки жамига нисбатан 34 фоизни (31:91), лойиҳа қиймати эса 241,6 млн. АҚШ долларини ёки жамига нисбатан 30,3 фоизни (241,6:798,2)ни ташкил этган. 2020-2021 йилларда амалга оширилаётган лойиҳалар бўйича эса ушбу кўрсаткичлар тегишли тарзда қуйидагича бўлган: ишга тушган лойиҳалар 69 тани ёки жамига нисбатан 61 фоизни (69:114), корхоналар сони 60 тани ёки жамига нисбатан 66 фоизни (60:91), лойиҳа қиймати эса 556,6 млн. АҚШ долларини ёки жамига нисбатан 69,7 фоизни (556,6:798,2)ни ташкил этган.

Мазкур натижалар Ҳукуматимиз томонидан «Навоий» ЭИЗ инвестицион салоҳиятини ошириш бўйича кейинги йилларда кўпроқ эътибор қаратилаётганлигини тасдиқлайди.

Шу билан бирга, Ҳукуматимизнинг Навоий вилоятида (жумладан, «Кармана» ЭИЗи, «Навоий» ЭИЗи ва бошқа худудларда) инвестицион салоҳиятни ошириш бўйича 2009-2021 йилларда амалга оширилган лойиҳалар, улардаги корхоналар сони, лойиҳалар қийматининг динамикаси таҳлили ҳам юқорида келтирилган таҳлил натижаларини яна бир бор тасдиқлайди (8-илова).

Ҳозирги глобал пандемия шароити дунё мамлакатлари иқтисодиётини инқирозга юз тутиш эҳтимолини кескин оширмакда. Жумладан, ЕИ иқтисодчи олимлари ва экспертлари, «иқтисодий инқирознинг «Талафот даври»да ҳамда иқтисодий ўсиш суръатлари кескин пасайиши юз берганда, иқтисодий фаолиятни тиклашга энг катта ҳисса қўшувчи омил – инвестициялар эканлигини таъкидламоқдалар»[73].

## Навоний ЭИЗ ҳудудида амалга оширилган лойиҳалар тўғрисида маълумот<sup>30</sup>

Кўрсаткичлар	Корхона сони	Лойиҳа сони	Лойиҳа қиймати (млн. долл.)	шу жумладан					Иш ўринлар сони	
				Ўз маблағи	Банк кредити	хорижий кредит линия	ФРРУ	Тўғридан-тўғри хо- рижий инвестиция		
<b>Жами:</b>	<b>91</b>	<b>114</b>	<b>798,2</b>	<b>238,4</b>	<b>241,8</b>	<b>0,0</b>	<b>38,3</b>	<b>279,6</b>	<b>9 080</b>	
<b>Ишга тушган лойиҳалар</b>	<b>31</b>	<b>45</b>	<b>241,6</b>	<b>106,7</b>	<b>63,5</b>	<b>0,0</b>	<b>15,8</b>	<b>55,5</b>	<b>3 193</b>	
2008- 2017 йй	ПФ-4059-сон	16	24	129,0	65,0	32,3		31,8	901	
<b>2018 йил</b>		<b>5</b>	<b>6</b>	<b>59,9</b>	<b>25,8</b>	<b>1,6</b>	<b>0,0</b>	<b>15,8</b>	<b>16,7</b>	<b>1 685</b>
2018 йил	ПФ-4059-сон	4	5	57,7	25,5	0,6		15,8	15,7	1 651
	ПҚ-3774-сон	1	1	2,2	0,3	0,94		1,0	34	
<b>2019 йил</b>		<b>6</b>	<b>9</b>	<b>10,1</b>	<b>6,7</b>	<b>2,0</b>	<b>0,0</b>	<b>0,0</b>	<b>1,3</b>	<b>149</b>
2019 йил	ПФ-4059-сон	1	3	3,7	3,7	0,03		0,0	67	
	ПҚ-3774-сон	3	4	2,7	1,0	0,4		1,3	72	
	ПФ-5719-сон	2	2	3,7	2,1	1,6		0,0	10	
<b>2020 йил</b>		<b>4</b>	<b>6</b>	<b>42,6</b>	<b>9,2</b>	<b>27,6</b>	<b>0,0</b>	<b>0,0</b>	<b>5,8</b>	<b>458</b>
2020 йил	ПФ-4059-сон	1	3	40,9	8,9	26,6		5,4	413	
	ПҚ-3774-сон	1	1	0,4				0,4	11	
	ПФ-5719-сон	2	2	1,3	0,3	1,0		0,0	34	
<b>Амалга ошириладиган лойиҳалар</b>	<b>60</b>	<b>69</b>	<b>556,6</b>	<b>131,7</b>	<b>178,3</b>	<b>0,0</b>	<b>22,5</b>	<b>224,1</b>	<b>5887</b>	
2020- 2021 йй	ПФ-4059-сон	18	19	94,1	6,6	6,0		22,5	59,0	1 403
	ПҚ-3774-сон	20	25	112,4	19,9	54,8		37,8	1 409	
	ПФ-5719-сон	22	25	350,1	105,3	117,5		127,3	3 075	
<b>Истиқболли лойиҳалар</b>	<b>30</b>	<b>30</b>	<b>288,8</b>	<b>19,7</b>	<b>16,6</b>	<b>0,1</b>	<b>1,3</b>	<b>251,0</b>	<b>1972</b>	

<sup>30</sup> Навоний ЭИЗ дирекцияси маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тузилди.

БМТ Бош Ассамблеясининг Савдо ва ривожланиш конференцияси (UNCTAD) тадқиқотлари ва прогнозларига кўра, «пандемия инқирози 2020 - 2021 йилларда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг кескин камайишига олиб келади ва унинг оқимларини 2019 йилда 1,54 трлн. АҚШ долларлик қийматидан 2020 йил якунига бориб, деярли 40 фоизгача камайиши мумкинлиги тахмин қилинган»[74]. Бундай шароитда ЭИЗлар инвестицион салоҳиятига таъсир этувчи омиллар ва улардан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил этиш асосида самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш аҳамияти ортиб бормоқда.

Навоий ЭИЗсида 31 та корхона негизида 45 та лойиҳа амалга оширилган (қиймати 241,6 млн. доллар шундан 55,5 млн. доллар хорижий инвестиция, яратилган иш ўрни 3 191 та).

2020 йилда 42,6 млн. долларлик (шундан, хорижий инвестициялар 5,8 млн. доллар) 6 та лойиҳалар амалга оширилган ва 458 та янги иш ўринлари яратилган.

2020 йилда Навоий ЭИЗ корхоналари томонидан жами 2085,6 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 164,9 %га ўсган. Шунингдек, 22,0 млн. долларлик маҳсулот экспорт қилиниб ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 110,4 % га ўсган.

Бугунги кунда қиймати 556,6 млн. долларлик 60 та корхонада 60 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Ушбу лойиҳалар доирасида 224,1 млн. доллар қийматидаги хорижий инвестициялар ўзлаштирилиб, 5 887 та янги иш ўринлари яратилади.

Шундан:

– Кармана туманидаги ЭИЗ ҳудудида 18 та корхонанинг қиймати 94,1 млн. долларлик 19 та лойиҳаси туширилиб, 1 403 та иш ўрни;

– Навоий шаҳридаги ЭИЗ худудида 20 та корхонанинг қиймати 112,4 млн. долларлик 25 та лойиҳаси ишга туширилиб, 1 409 та иш ўрни;

– Навоий ЭИЗнинг бошқа ҳудудларида 22 та корхонанинг қиймати 350,1 млн. долларлик 25 та лойиҳаси ишга туширилиб, 3075 та иш ўрни яратилади.

Навоий вилоятини 2019-2020 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури ижросини таъминлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2019 йил 12-13 март куни ташрифи давомида тасдиқланган ҳудудий дастурга асосан умумий қиймати 26,3 трлн. сўмлик (шундан: ўз маблағи 5,7 трлн. сўм, банк кредити 520,0 млрд. сўм, хорижий кредитлар 914,2 млн. доллар, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 775,7 млн. доллар) 5511 та лойиҳани амалга ошириш ҳамда бунинг натижасида 16 221 та янги иш ўрни яратиш белгиланган.

Республикадаги эркин иқтисодий зоналарнинг ҳудудлар иқтисодиётидаги ўрни ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишдаги ҳиссасини баҳолаб бориш минтақалардаги турли хил хавф-хатарларни ҳам камайишига сабабчи бўлади. Прогноз қилишдан мақсад ҳам аслида шу хавф-хатарларнинг олдини олишга қаратилган.

Шу боисдан, тадқиқ вазифаларидан келиб чиқиб, «Навоий» ЭИЗининг инвестицион салоҳиятига таъсир этувчи омиллар ва улардан фойдаланиш самарадорлиги таҳлили асосида «Навоий» ЭИЗининг вилоят иқтисодиётида тутган ўрни бўйича 2020-2030 йиллар прогнози ишлаб чиқилди (2.18-жадвал).

2.18-жадвал маълумотларидан кўринишича, «Навоий» ЭИЗининг Навоий вилояти иқтисодиётида тутган ўрнининг 2019 йилдаги реал ҳолати ва 2030 йилгача бўлган даврдаги прогнози икки кўрсаткич бўйича: вилоят ЯҲМда ЭИЗнинг улуши (%) ҳамда вилоятда ишлаб чиқарилган саноат

маҳсулотларидаги Навоий ЭИЗ улуши ( % ) орқали ишлаб чиқилган.

Агар 2019 йил ҳақиқатда Навоий вилояти ЯХМда Навоий ЭИЗнинг улуши 3,9 фоизни, Навоий вилоятида ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотларидаги «Навоий» ЭИЗ улуши 5,51 фоизни ташкил қилган бўлса,

2.18-жадвал

**«Навоий эркин иқтисодий зонасининг вилоят иқтисодиётида тутган ўрни бўйича 2020-2030 йиллар прогнози[75]**

Йиллар / Кўрсаткичлар	«Навоий» эркин иқтисодий зонасининг Навоий вилояти иқтисодиётида тутган ўрни	
	Вилоят ЯХМда ЭИЗнинг улуши ( % )	Вилоятда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотларидаги Навоий ЭИЗ улуши ( % )
2019 йил ҳақиқат	3,6	5,51
2020 й	3,9	5,55
2021 й	4,3	6,28
2022 й	4,8	6,43
2023 й	5,4	6,96
2024 й	6,1	7,96
2025 й	6,9	8,54
2026 й	7,8	8,71
2027 й	8,8	9,86
2028 й	10,0	10,05
2029 й	11,1	10,90
2030 й	12,3	11,54

2030 йилга бориб ушбу кўрсаткичлар мос равишда 12,3 фоиз ва 11,54 фоизни ташкил этиши тахмин қилинмоқда, яъни Навоий ЭИЗининг инвестицион салоҳиятига таъсир этувчи омиллардан янада самарали фойдаланиш эвазига 2020-2030



йилларда Навоий вилояти ЯХМда Навоий ЭИЗнинг улушини қарийб 3,45 марта (12,3:3,6), Навоий вилоятида ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотларидаги Навоий ЭИЗ улушини қарийб 2,1 марта (11,54:5,51) ўсиши таъминланади.

#### **2.4. Навоий эркин иқтисодий зонасига жалб этилган инвестициялар самарадорлигини баҳолаш**

Ўзбекистон саноатини инновацион ривожланиши, саноат тармоқларининг мақсадли стратегияси ишлаб чиқишга қаратилган асосий мақсадлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони билан белгилаб берилган. Ушбу фармон билан қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясида «янги саноат корхоналари ва сервис марказларини ташкил этиш, кичик саноат зоналарини ташкил қилиш, йирик хўжалик бирлашмаларининг маблағларини, банкларнинг кредитлари ва хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳисобига кичик шаҳарлар ва шаҳарчаларни жадал ривожлантириш»<sup>31</sup> бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилган. Мамлакатда инвестицион муҳит жозибадорлигини ошириш 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг муҳим йўналишларидан бири эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш ҳисобига ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳисобланади. Эркин иқтисодий зоналар ҳудудлар рақобатбардошлигини

<sup>31</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда. <http://www.lex.uz/>

ошириш ва инновацион ривожланишнинг асосий драйвери сифатида қаралиши, унга жалб этилаётган инвестициялардан самарали фойдаланишнинг илмий-услубий асосларини ишлаб чиқиш масаласини долзарблаштиради.

Инвестицияларни жалб қилиш иқтисодий ўсиш шартлари ва миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш имкониятларини белгилайдиган, шунингдек, халқаро интеграция жараёнларига, биринчи навбатда ишлаб чиқариш кучларини ривожланишига таъсир кўрсатадиган муҳим омиллардан биридир.

Иқтисодий ривожланган мамлакатларда ЭИЗларни яратиш маълум бир ҳудудларнинг иқтисодий салоҳиятини ошириш мақсадларида ва ушбу ҳудудлардаги саноат, иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ривожланиш даражасини ўзгартириш зарурати туғиладиган жойларда яратилади.

Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, пухта ўйланган стратегия ва дастур мавжуд бўлганда, ЭИЗлар алоҳида минтақалар иқтисодиётини ривожлантириш ва ишлаб чиқаришнинг рақобатбардошлигини оширишнинг самарали воситаларидан бирига айланади.

ЭИЗларни яратиш бўйича жаҳон тажрибаси ниҳоятда кенгдир. Ҳозирги кунда дунёнинг 140 мамлакатада 4500 дан ортиқ махсус иқтисодий зоналар мавжуд бўлиб, уларда қарийб 70 млн.киши иш билан банд. 2020 йил якуни бўйича ЭИЗларнинг товар айланмаси жаҳон товар айирбошлаш ҳажмининг қарийб 25 фоизини ташкил этиши кутилмоқда.[76]

Ўзбекистон Республикасида ЭИЗлар фаолияти учун норматив-ҳуқуқий база яратилган ва бундай ҳудудларни ривожлантириш бўйича самарали ташкилий-ҳуқуқий чоралар кўрилмоқда. Мамлакатда 2009 йилдан бошлаб, эркин иқтисодий зоналар фаолияти йўлга қўйилган бўлса, 2020 йилга ке-

либ, фаолият юритаётган эркин иқтисодий зоналарнинг сони 22 тага етган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 декабрдаги «Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-4059-сонли Фармонида асосан Навоий вилояти Кармана тумани ҳудудида Ўзбекистондаги биринчи эркин зона – Навоий эркин иқтисодий зонаси (ЭИЗ) ташкил этилган. Навоий ЭИЗнинг амал қилиш муддати 30 йил бўлиб, ҳудудда солиқ, валюта ва божхона режимлари, кириш, туриш ва чиқишнинг соддалаштирилган тартиби амал қилади.

Бизнес юритиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, инновацион тадбиркорлик ва юқори технологияларга асосланган саноатни ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 15 майдаги «Навоий вилоятини инновацион, юқори технологияларга асосланган, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришлар учун эркин иқтисодий зона сифатида белгилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5719-сонли қарори қабул қилинган. Қарорда Навоий вилояти ҳудуди 2030 йил 1 январга қадар инновацион, юқори технологияларга асосланган, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришлар учун эркин иқтисодий зона этиб белгиланган.

Эркин иқтисодий зона сифатида Навоий вилоятини ривожлантириш бўйича белгилаб берилган асосий вазифалардан бири «Юқори қўшилган қийматга эга экспортбоп ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича замонавий ишлаб чиқаришларни барпо этиш учун тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш»дир.

Навоий эркин иқтисодий зонасида 19 та корхона фаолияти самарали йўлга қўйилган бўлиб, улар томонидан 100 турдан ортиқ харидорбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Навоий ЭИЗ ташкил этилгандан буён жами 122 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилган. Вилоятга жалб этилган инвестициянинг қарийб 35%га яқини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобланади.

Навоий эркин иқтисодий зонасида ташкил этилгандан бошлаб, 2020 йилгача бўлган даврда 31 та корхона негизида 45 та 241,6 млн.доллар лойиҳалар амалга оширилган бўлиб, ушбу лойиҳаларни ишга туширилиши натижасида жами 3 191 та иш ўрни яратилган. Амалга оширилган лойиҳаларда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 55,5 млн.долларни ташкил этиб, жами лойиҳалар қийматининг 23 фоизини ташкил этади.

2.19-жадвал

### Навоий ЭИЗ ҳудудида амалга оширилган лойиҳалар

Кўрсаткичлар	2008-2017 йиллар	2018 йил	2019 йил	2020 йил	Жами
Корхоналар сони	16	5	6	4	31
Ишга тушган лойиҳалар	24	6	9	6	45
Лойиҳа қиймати (млн. долл)	129	59,9	10,1	42,6	241,6
Тўғридан-тўғри хорижий инвестиция (млн. долл)	55,5	16,7	1,3	5,8	79,3
Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар улуши, %	43,0	27,9	12,9	13,6	32,8
Иш ўринлар сони	901	1685	149	458	3193

2020 йил январь-октябрь ойлари давомида 42,6 млн. долларлик (шундан, хорижий инвестициялар 5,8 млн. доллар)

6 та лойиҳа амалга оширилиб, 458 та янги иш ўрни яратилган. яратилган. Навоий ЭИЗ корхоналари томонидан жами 2085,6 млрд.сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 2019 йилга нисбатан 164,9 фоизга, маҳсулот экспорти 110,4 фоизга ўсган.

Хорижий тадқиқотчилар фикрича, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иқтисодий ривожланишни таъминловчи молиялаштириш манбаси бўлиш билан бирга, билвосита таъсирлар (spillover effect) шаклида мамлакатга замонавий техника ва технология, инновациялар, ноу-хау ва бошқарув усулларини жалб қилишга ёрдам беради. Улар инсон капиталининг ўсиши, иқтисодиётни модернизациялаш ва рақобатдошликни ошириш, ахборот-коммуникация тизимининг ривожланишини таъминлаш орқали мамлакатда барқарор иқтисодий ривожланишга замин яратади[77]. Ушбу ҳолатни инобатга олганда, «Навоий» эркин иқтисодий зонасида 2008-2017 йиллар амалга оширилган лойиҳаларга киритилган инвестицияларда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар улуши 43 фоизни ташкил этган бўлса, 2018 йилда бу кўрсаткич 27,9 фоизни, 2019 йилда 12,9 фоизни ташкил этиб, пасайиб бориш тенденцияси кузатилган.

Ўзбекистонинг ҳудудларида турли хилдаги ЭИХларни ташкил этиш орқали хорижий инвестициялар жалб қилишни фаоллаштиришга, иккинчидан, мамлакат ва унинг ҳудудлари ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг юксалишига олиб келиши М.Раимжанованинг[61] тадқиқотларида асосий гипотеза сифатида қўйилган ва асосланган.

Хорижий инвестицияларини жалб қилишга асоссиз равишда кенг имтиёз ва афзалликлар берилишининг ўзи улардан кутилаётган иқтисодий самарага эришиш мумкинлигини асослайди. Хорижий инвестицияларнинг иқтисодий самарасини таъминлаш учун аввало инвестицияни қабул қилувчи мамлакатда қулай инвестицион муҳит яратилиши лозим.

Ҳар бир инвестицион лойиҳа маълум бир бошланиш ва тугаш санасига эга. Одатда, улар эришилиши керак бўлган мақсадлар, рисклари, ўлчами ва вақт чегараси, лойиҳа жамоасининг тажрибаси, ресурслар кулайлиги, тарихий ахборот хажми, лойиҳаларни бошқариш бўйича ташкилотнинг салоҳияти, шунингдек, уларни амалга ошириш бир қатор омилларига боғлиқ равишда фарқланади.

Инвестицион лойиҳа – режалаштирилган натижалар олиш ва белгиланган муддатларда муайян мақсадларга эришиш учун интеллектуал, молиявий, моддий, номоддий, шу жумладан, маълум миқдордаги ресурсларни инвестициялашни ўз ичига олган ҳаракатлар сифатида тушунилади[78]. Инвестиция лойиҳасининг молиявий натижаси эса кўпинча фойда/даромад ҳисобланади, аниқ натижалар янги ёки реконструкция қилинадиган асосий воситалар (объектлар) ёки молиявий воситаларни ёки моддий-моддий активларни сотиб олиш ва ундан кейин даромад олиш билан боғлиқ бўлади.

Жаҳон банки ва UNIDO каби кўплаб халқаро ташкилотлар ва жаҳон олимлари томонидан инвестицион лойиҳанинг ҳаёт даврини учта – инвестиция олди, инвестициялаш ва ундан фойдаланиш (эксплуатация) каби босқичларига бўлиб ўрганишни тавсия қилишади[79].

Эркин иқтисодий зоналар маълум бир минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадларида ташкил этилишини назарда тутганда, минтақавий инвестицион лойиҳалар самарадорлигини баҳолаш, қарорларни амалга оширишда ҳудуднинг ижро этувчи ҳокимиятининг ўрни ва роли алоҳида аҳамиятга эга.

Амалдаги ЭИЗ самарадорлигини ҳудудий ривожланишга таъсирини баҳолаш учун миқдорий кўрсаткичлар 5 та блокга бирлаштирилган:

1. ЭИЗ фаолиятининг мутлоқ миқдорий кўрсаткичлари;  
2. ЭИЗ резидентлари фаолиятини акс эттирувчи нисбий миқдорий кўрсаткичлар;

3. Транспорт-логистика, энергетика, ижтимоий-маданий, илмий ва бошқа ҳудудий инфратузилмани яратишда барча даражадаги бюджет харажатлари самарадорлигини миқдорий баҳолаш кўрсаткичлари;

4. Минтақавий ижтимоий-иқтисодий ривожланишга ёки у ташкил этилган ҳудудда ЭИЗ фаолиятининг хиссасини акс эттирувчи миқдорий баҳолашнинг нисбий кўрсаткичлари;

5. ЭИЗ дирекциялари ёки ҳудудий ҳокимликнинг зоналарни ривожлантириш режасига мувофиқ ЭИЗни бошқариш ва инфратузилма объектларини яратиш функцияларини бажариш самарадорлигини акс эттирувчи миқдорий баҳолашнинг нисбий кўрсаткичлари

Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини миқдорий баҳолашнинг мутлоқ кўрсаткичлари қуйидагилардан иборат:

1. Тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилган ҳолда аъзо ёки резидент сифатида иштирок этувчи корхоналар сони;

2. ЭИЗда қатнашишдан чиққан корхоналар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар сони;

3. ЭИЗ иштирокчилари томонидан ташкил этилган янги иш ўринлари сони;

4. Имзоланган иштирок шартномаларига мувофиқ режа-корхоналарнинг инфратузилма объектларини капитал куриш учун тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми;

5. ЭИЗда инфратузилма объектларини капитал қурилишига резидентлик мақомини йўқотган корхоналарнинг тўғридан-тўғри инвестициялари ҳажми;

6. Товарларни ва хизматларни сотишдан тушадиган ялпи тушумлар ҳажми, солиқларни олиб ташлаган ҳолда;

7. Барча даражадаги бюджет тизимидан, шунингдек, ЭИЗ-да инфратузилма объектларини капитал қурилишига йўналтирилган инвестициялар ҳажми (прогноз / факт);

8. ЭИЗ ҳудудида инфратузилма объектларини капитал қурилишига йўналтирилган бюджетдан ташқари манбалардан инвестициялар ҳажми ва ҳ.к.;

Юқоридагилар билан бир қаторда ЭИЗ фаолияти самарадорлигини баҳолашда зоналарнинг ўзига хос жиҳатларидан келиб чиққан ҳолда миқдорий баҳолаш мезонларини киритиш мумкин, жумладан эркин ишлаб чиқариш зоналари учун қуйидагилар:

– экспортга жўнатилган маҳсулотларнинг умумий ишлаб чиқаришдаги улуши;

– юқори технологиялар соҳасида фаолият юритадиган саноат ишлаб чиқариш корхоналарининг ЭИЗ ҳудудида жойлашган корхоналарнинг умумий таркибидаги улуши;

– ЭИЗ ҳудудида ўзларининг ишлаб чиқаришларини жойлаштирган корхоналарнинг умумий таркибидаги технологик янгиликларни амалга оширадиган корхоналарнинг улуши;

– ҳисобот даврида юқори технологияли иш ўринларининг кўпайиши ва ҳ.к.;

ЭИЗ фаолиятининг маҳаллий ва минтақавий ижтимоий-иқтисодий ривожига таъсирини акс еттирувчи миқдорий баҳолашнинг нисбий кўрсаткичлари эса қуйидагилар:

– ЭИЗ иштирокчилари томонидан ташкил этилган янги иш ўринлари сонининг иқтисодий фаол аҳоли сонига нисбати.

– Товар ва хизматларни сотишдан тушадиган ялпи тушум ҳажмининг солиқларни олиб ташлаган ҳолда минтақанинг ялпи ҳудудий маҳсулоти миқдorigа нисбати;

– ЭИЗ-резидентлари томонидан ҳудудий ёки республика бюджетига тўланадиган солиқлар ҳажмининг минтақадаги



барча резидентлари томонидан тўланадиган солиқлар ҳажмига нисбати ва ҳ.к.

ЭИЗ самарадорлигини баҳолаш метрикалари бўйича ҳар бир гуруҳи учун мутлақ ва нисбий кўрсаткичларнинг режалаштирилган қийматларига эришишни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

ЭИЗнинг ишлаш кўрсаткичларини баҳолаш учун беш балли ўлчов шкаласини қўллаш тавсия этилади. Якуний 5 балл кўрсаткичларнинг режалаштирилган кўрсаткичлари 90% дан юқори бўлган тақдирда берилади. 4 балл режалаштирилган мақсадлар 70% дан 90% гача бажарилганда, 3 балл интервалда режалаштирилган мақсадлар 50% дан 70% гача бажарилганда, 2 балл режалаштирилган мақсадлар 35% дан 50% гача бажарилганда, 1 балл эса режалаштирилган мақсадлар 35% гача бажарилганда белгиланади.

Эркин иқтисодий зонанинг самарадорлигини баҳолаш натижалари маҳаллий ҳокимликлар учун қуйидаги муаммоларни ечишга имкон беради:

ЭИЗ резиденти мақомига эга бўлган ташкилотлари ва яқка тартибдаги тадбиркорларга солиқ ва божхона имтиёзларини бериш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида қарор қабул қилиш;

– ҳудудий саноатни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини тўғри бўлгилаш;

– инвестициялашга бюджетдан йўналтириладиган молиявий ресурсларини самарали тақсимлашга;

– маълум бир ЭИЗ учун инфратузилма объектларини яратиш учун бюджетдан ташқари манбалардан қўшимча инвестицияларни жалб қилишга ва ҳ.к.

Ўзбекистонда ЭИЗ сони ва фаолият кўлами кенгайиб бораётган шароитда юқоридаги келтирилган мезонлар бўйича баҳолаш тартибларини киритилиши мақсадга мувофиқ. Ушбу

мақсадлар учун тавсия этилган мезонларни ҳисобга олган ҳолда баҳолаш усулларини ишлаб чиқиш лозим.

Юқоридаги мезонлар бўйича ЭИЗ фаолияти самарадорлигини баҳолаш интеграл кўрсаткичлар асосида баҳолаш Е.Крюкова[80] томонидан тавсия этилган куйидаги формула асосида амалга оширилади:

$$C_{\text{ЭИЗ}} = k_i * \sum_j p_{ij} O_{ij} \quad (1.1)$$

Бу ерда,

$k_i$ -  $i$ – гуруҳ кўрсаткичи бўйича вазн коэффиценти;

$p_{ij}$ -  $j$  – мезон кўрсаткичи бўйича ҳар бир  $i$  – гуруҳ кўрсаткичларининг вазн коэффиценти;

$O_{ij}$ -  $i$  – гуруҳнинг  $j$  – мезон кўрсаткичига мос келувчи индикатор баҳоси.

Эркин иқтисодий зонанинг самарадорлигини баҳолаш учун биринчи гуруҳни ташкил этувчи барча санаб ўтилган мутлак кўрсаткичларнинг жорий қийматлари ўтган йилнинг мос қийматлари билан ўзаро боғлиқ бўлиши керак. Интеграл индикаторлар бўйича эркин иқтисодий зона бўйича танланган мезонлар бўйича мос қийматлар иқтисодий зонанинг хусусиятлари ва эришилиши кутилаётган натижалар асосида танланади.

Худудий ижтимоий-иқтисодий жараёнлардан ажратилган ҳолда ЭИЗни маҳаллий муассаса ва ўзига хос механизм сифатида кўриб чиқиш мумкун эмас. Чунки ҳар қандай эркин иқтисодий зоналар худудларни ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини ошириш муаммоларини ҳал қилишга қаратилган мақсадлар ва стратегиялар билан мутаносиблиги таъминланаши зарур. Ушбу самарадорлик нафақат иқтисодий балки, экологик муаммолар ёки ресурс базаси сифатида фаолият кўрсатадиган экзоген омилларга ҳам эътибор қаратиш лозим. Юқоридагиларга асосланганда, ЭИЗ фаолият кўрсатишини худудий ижтимоий-иқтисодий ривожланишга таъсирини ўр-

ганиш ва ушбу таъсирларни баҳолашнинг илмий-услубий ва амалий механизмларини такомиллаштиришга қаратилган тадқиқотларни кенгайтириш зарур.

## II боб бўйича хулосалар

Ўзбекистонда инвестицион муҳит жозибадорлигини ҳисоблаш индикаторлари ва баҳолашнинг илмий-услубий жиҳатларини ўрганиш борасида кенг тажриба тўпланган ва ўзига хос илмий мактаблар мавжуд бўлиб, Ўзбекистонда инвестицион муҳит жозибадорлигини оширишнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш концепциялари такомиллаштирилиб келинмоқда.

2015-2019 йилларда Навоий вилоятида ялпи ҳудудий маҳсулот, аҳоли жон бошига даромадлар, аҳоли сони, аҳоли бандлиги ва ишсизлик даражасининг ўсиш суръатлари таҳлили шуни кўрсатадики, ушбу даврда Навоий вилоятининг кўрсаткичлари республика бўйича ўртача даражадан анча яхши натижаларни ташкил этган.

2015-2019 йилларда Навоий вилояти бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми 2015 йилда 1809065,3 млн. сўмни ташкил этган бўлса, 2019 йилда 133 фоизга кўпайган. Хорижий инвестициялар ҳажми 2015 йилда 54888,3 млн. АҚШ долларни ташкил этган. 2019 йилга келиб пасайиш тенденцияси кузатилиб, 34010,7 АҚШ долларни ташкил этган бўлсада, 2018 йилга нисбатан қарийб 30 фоизга кўпайган. Бу даврда Навоий вилоятининг шаҳар ва туманлари таркибида энг юқори ўсиш суръати Зарафшон шаҳри (171,2 фоиз), Навоий шаҳри (145,7 фоиз), Учқудук тумани (144,2 фоиз), зиммасига тўғри келган бўлса, бирмунча паст ўсиш суръатлари Томди туманида ( 103,9 фоиз), Қизилтепа туманида (109,9 фоиз) кузатилган.

Навоий вилоятида инвестициялар ҳисобига ҳудудий ривожланиш индикатори ҳисобланган аҳоли истеъмоли ўсиши жами олинган самаранинг 0,32 коэффициентини ташкил этмоқда. Ушбу ҳолат вилоятга жалб этилаётган инвестициялар аҳоли истеъмоли ўсишига таъсир кўрсатаётганлигини билдирмоқда. Ўз навбатида, ушбу ҳолат аҳолининг жамғармаларини инвестицияларга йўналтиришдаги салмоғини ошириш ҳолатларини юзага чиқарган; инвестициялар ҳисобига ҳудудий ривожланиш индикатори ҳисобланган чакана савдонинг ривожланиши (реал талабнинг ўсиши) 52 фоизни ташкил этиб, юқори самара кузатилган.

Инвестициялар ҳисобига ҳудудий ривожланиш индикатори ҳисобланган ташқи савдонинг ривожланиши 1,53 коэффициентни ташкил этмоқда. Бу эса, ҳудудга жалб этилаётган инвестициялар ташқи бозорга ҳам қаратилаётганлигини асосламоқда. Бироқ, Навоий вилоятининг экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган инвестициялар кўламини янада кенгайтириш заруратини модель натижалари асослади.

Инвестициялар ҳисобига ҳудудий ривожланиш индикатори ҳисобланган бюджетга тушумларни ошириш инвестицияларнинг ҳисобига 0,33 коэффициентни ташкил этиб, ўртача даражада ривожланмоқда.

### **III БОБ. ИНВЕСТИЦИОН МУҲИТ ЖОЗИБАДОРЛИГИ: САМАРАЛИ БОШҚАРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ**

#### **3.1. Зонал сиёсат: инвестицион муҳит жозибаторлигини самарали бошқариш истиқболлари**

Инвестицион муҳит жозибаторлиги масаласи ҳаётий зарурат экан, уни самарали бошқаришнинг асосий йўналиш ва истиқболларини илмий асослаш муҳим аҳамият касб этади. Шу боисдан, диссертацион тадқиқотнинг яқунловчи бобида изланиш олдига қўйилган қуйидаги вазифаларни ҳал этиш белгилаб олинди: зонал сиёсатни амалга ошириш ва инвестицион муҳит жозибаторлигини самарали бошқариш истиқболларини илмий асослаш; ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш орқали инвестицион муҳит жозибаторлигини бошқаришнинг асосий йўналишларини изоҳлаш; саноат тармоқларининг инвестицион салоҳиятини барқарорлик кўрсаткичлари орқали бошқариш йўллари илмий асослаш.

Жаҳонда жадал суръатларда кенгайиб бораётган инвестиция жараёнларига мувофиқ инвестицион муҳит жозибаторлиги ва салоҳиятини баҳолашга, инвестицион фаолликни таъминлаш орқали миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишнинг илмий-методологик асосларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Хорижий инвестицияларнинг эркин кириб келиши бўйича мавжуд шарт-шароитларни таъминлаш, инвестициялар самараторлигини баҳолашнинг комплекс кўрсаткичлари мажмуасини ишлаб чиқиш, инвестицион жозибаторликни бошқариш

бўйича назарий-услубий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари, йирик рейтинг агентликлари ва олий таълим муассасалари томонидан амалга оширилмоқда.

Инвестицион муҳит жозибadorлигини бошқаришнинг илмий-методологик жиҳатларини ўрганишнинг замонавий йўналишлари ва моделлари шаклланган бўлиб, улар қаторига: зонал сиёсат, сиёсий хатар, қарздорлик, қарзни қоплаш, тўлов қобиляти, банк кредитлари, ссуда капиталини олиш имконияти; жамғариш нормаси билан иқтисодий ўсиш суръатлари ўртасидаги боғлиқликни эконометрик усуллар орқали исботлаш (International Monetary Fund, IMF) билан боғлиқ тадқиқотлар кенг кўламда олиб борилмоқда. Мазкур тадқиқотларда зонал сиёсат билан боғлиқ қарашлар, илмий таҳлиллар кам ўрганилган. Инвестицияларни йўналтиришда ишлаб чиқариш ресурсларининг ҳолати, инфратузилмаларнинг куввати, инсон ресурслари салоҳияти, истеъмолчиларнинг харид қобиляти билан боғлиқ комплекс омиллар таҳлил қилинади. Мазкур омиллар ва бошқа билвосита ўзгарувчиларни инobatга олиш, уларнинг ҳолати, тарихий ривожланиши билан боғлиқ масалалар ва статистик кўрсаткичлари зонал сиёсатда ўз аксини топади.

**Зонал сиёсат**<sup>32</sup> – ушбу концепция мамлакатда эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш ҳамда ҳудуд, тармоқ, соҳа ва

<sup>32</sup> «Зонал сиёсат» термини махсус иқтисодий адабиётларда кам учрайдиган тушунча бўлганлиги боис унинг тадқиқи ҳам кам ўрганилган мавзуларга киради. Мазкур мавзунинг комплекс тадқиқи Ҳ.Р.Хамроевнинг 2008 йилдаги «Зонал сиёсат: методология, хорижий тажриба ва қўллаш йўналишлари» номли илмий монографияси (Тошкент, «Фан», 2008. – 308б.)да, М.А. Райимжанованинг 2013 йилдаги «Ўзбекистонда эркин иқтисодий ҳудудларга инвестицияларни жалб қилиш: назарий асослари, ҳозирги ҳолати ва истиқболлари» номли илмий монографияси (Тошкент, «Екстремум-пресс», 2013. – 175б.)да, Ш.Ҳ.Назаровнинг 2016 йилдаги «Ўзбекистон минтақалари рақобатдошлигини оширишнинг методологик асосларини такомиллаштириш» мавзусидаги докторлик диссертациясида, Ш.И.Мустафақуловнинг 2017 йилдаги «Ўзбекистонда инвестицион муҳит жозибadorлигини оширишнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш» мавзусидаги докторлик диссертациясида амалга оширилган.

алоҳида корхоналарнинг салоҳиятини ўрганиш асосида ушбу салоҳиятни самарали реализация қилиш бўйича мамлакатда олиб бориладиган сиёсатдир. Зонал сиёсат концепциясини амалга оширилиши натижасида мамлакатда ресурслар самарасиз ишлатилаётган тармоқлардан тармоқлардан воз кечиб, юқори самара келтирадиган соҳаларга йўналтирилади. Зонал сиёсат мамлакатда ЭИХларнинг фаолият юритиши зарурий шарт шароитларни яратиши лозим. Мамлакатда бундай ишларни амалга оширишда қуйидагиларни ҳал этиш лозим:

- ишловчан, самарали норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш;
- ҳудуд шакллантиришнинг умумий тамойил ва шарт-шароитларини ишлаб чиқиш;
- ҳудудни ташкил этиш ва ликвидация қилиш тартибларини белгилаш;
- солиқ солиш ва солиқ имтиёзлари тизимини белгилаш;
- валюта сиёсатини аниқлаб бериш;

Ўзбекистонда ЭИЗларни ташкил этиш бўйича олиб борилган ишлар шуни кўрсатмоқдаки, уларнинг ривожланиши бир қатор омилларга боғлиқ, жумладан, зоналарни ташкил этиш хусусиятлари, бошқаруви, ҳуқуқий асослари, жойлашган жойи ва географик муҳити, майдон ва ҳоказолар. Аммо, ЭИХнинг ривожланишининг асосий омили сифатида давлат томонидан олиб борилаётган зонал сиёсатга боғлиқдир. Шунингдек, стратегик режалаштириш асосида амалга оширилган зонал сиёсат ҳудуд иқтисодиётини ривожланишида асосий роль ўйнайди.

Шунингдек, эркин иқтисодий зоналар иштирокчилари зонал сиёсат доирасида ўзига хос ўринга эга. Айнан иштирокчилар таркиби мамлакат иқтисодий ҳаётида ушбу янги хўжалик юритиш шаклининг муваффақиятини ёки оомадсизлигини

белгилаб берадики, бунда худудга сармоя киритмоқчи бўлган инвесторнинг реакцияси муҳим аҳамиятга эга.

ЭИХни режалаштириш босқичидаёқ чет эл фирмаларининг маҳаллий тадбиркорлар билан бевосита ва тескари алоқаларини ўрнатиш имкониятларини кўзда тутиш зарур. Бундай алоқалар маҳаллий хомашё товарларини, компонентларни, яримфабрикатларни, мажмуавий асбоб-ускуналарни ва хизматларни олиш имкониятини таъминлаши зарур. Маҳаллий ресурсларга эга бўлиш имконияти хорижий инвесторлар учун муҳим рағбат ҳисобланади. Бироқ, зонада фаолият кўрсатаётган хорижий инвесторлар учун бунга амалда эришиш анча қийин бўлиши ва кўп вақтни талаб этиши мумкин.

Эркин зоналарда хорижий фирмаларни маҳаллий ресурслар билан таъминлашни ривожлантириш узоқ муддатли тадбирлар тоифасига киради ва потенциал инвесторларнинг ҳеч бўлмаганда камчилиги бундай ресурсларни ишлаб чиқишда иштирок этишга ҳозирлигига шубҳа қилмаслик керак. Ҳақиқатан ҳам, биринчи ЭИХларни ташкил этишда шундай бўлган эди. Бироқ ўтган ўн йилликлар мобайнида жаҳонда зоналарнинг сони шунчалик кўпайиб кетдики, хорижий инвесторлар учун нисбий устунликлар аксарият ҳолларда, ўзининг рағбатлантирувчи хусусиятларини йўқотди[81].

ЭИХлар мавжуд бўлган ёки уларни ташкил қилиш истагида бўлган барча мамлакатлар деярли бир хил имтиёзлар берар экан, хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун ушбу имтиёзлардан асосий рағбат сифатида фойдаланмоқчи бўлган мамлакат бошқа мамлакатларга нисбатан кўпроқ имтиёзлар бериши керак. Бу молиявий жиҳатдан мамлакат учун шунчалик қийин бўладики, ушбу зоналарни ташкил қилишнинг умумий иқтисодий ва молиявий мақсадга мувофиқлигини шубҳа остига қўяди. Зоналарда тақдим этиладиган имтиёзларни иккита гуруҳга ажратиш мумкин.



1. Умумий имтиёзлар (одатда, барча мамлакатлар томонидан тақдим этилади):

– товарлар ва хизматларнинг божхона тўловисиз импорт қилиниши;

– 15 йиллик давргача солиқлар тўлашдан озод қилиш;

– билвосита субсидия сифатида фирма тасарруфига ободонлаштирилган ҳудудни бериш.

2. Махсус имтиёзлар:

– фойда солиғидан чегирмалар;

– корхоналарга мамлакат ташқарисидаги харажатларини қоплаш учун махсус субсидиялар;

– хорижий фирмаларга маҳаллий ишлаб чиқарилган асбоб-ускуналар хариди учун чегирма.

Умумий имтиёзлар гуруҳида амалда номигагина қўлланиладиган ва миқдорий жиҳатдан нолга тенг имтиёзлар кўп. Масалан, солиқ тўлаш бўйича 10 йиллик имтиёзли даврнинг берилиши давлат бюджети учун молиявий йўқотиш ҳисобланмайди, чунки бундай имтиёз бўлмаганда, инвесторни, балки, зона қизиқтириб қолмасди. Тажриба кўрсатишича, махсус имтиёзлар хорижий фирмаларнинг зоналарда иштирок этиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш жараёнида фақат иккинчи даражали ролни ўйнайди. Жуда яхши ҳолатларда бундай имтиёзлар жуда кам, кўпинча амалга оширилмайдиган кўшимча фойда келтиради. Шу билан бирга, махсус имтиёзларни жорий қилиш учун харажатлар салмоқли бўлиши мумкин, чунки улардан кўп сонли потенциал фирмалар фойдаланиши мумкин.

Жаҳон тажрибасини ўрганиш шуни кўрсатадики, ҳеч бир зона тегишли инфратузилмасиз, яъни ободонлаштирилган ҳудуд, телекоммуникация тармоғи, сув, электроэнергия, аэропортга чиқиш, маҳаллий ва хорижий ходимлар учун уй-жой шароитларисиз муваффақиятли фаолият кўрсата олмайди. Ин-

весторлар томонидан 15-20 йил олдин нисбий устунлик деб баҳоланган шароитлар (яқин жойлашган халқаро аэропорт, яхши телефон алоқаси) ҳозирги пайтда бошланғич шартлар ҳисобланади, улар қондирилмаган ҳолларда хорижий фирма зонада иштирок этиш масаласини ҳатто кўриб чиқмайди ҳам. Моддий ва иқтисодий имтиёзларни аста-секин ўртача кўрсаткичларга келтириш шуни тасдиқлайдики, тақдим этилаётган икки гуруҳ имтиёзлари зоналарга хорижий инвесторларни жалб қилиш учун узоқ вақт жиддий сабаб бўла олмайди. Улар инвестор томонидан сармоялар киритиш ёки келгусида сармоялар киритиш тўғрисидаги ижобий қарор қабул қилиш учун фақат дастлабки шарт бўла олади. Капитални зонага киритиш тўғрисидаги охириги қарор инвесторнинг тактик ва стратегик фикр-мулоҳазаларига боғлиқ.

Эркин иқтисодий зоналарга миллий инвесторларни жалб қилиш унчалик қийин эмасдай кўринади, чунки улар зонада тақдим этилган ривожланган инфратузилмадан ва имтиёзлардан фойдаланишдан манфаатдор. Бирок, амалиёт кўрсатишича, бутунлай бошқача ҳолат ҳам бўлиши мумкин. Миллий инвесторлар кўпинча кутишни, ёки дастлабки вақтларда қизиқиш билдириб, сўнгра зонада иштирок этишдан воз кечиши мумкин. Буни шундай изоҳлаш мумкинки, улар учун зонада маҳаллий фирмаларга нотаниш бўлган иш шароитларида фаолият юритиш қийинчиликлари зонанинг реал афзалликларидан устун келиши, ўзлари фойдаланиб турган ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш ва бошқариш усулларида янги ишлаб чиқариш, технологик ва ташкилий шароитларда ишлаш усулларига ўтиш жуда қийин кечиши мумкин.

Шундай қилиб, эркин иқтисодий зоналар лойиҳасини ишлаб чиқишда, мазкур эркин иқтисодий ҳудудда муваффақи-

ятли иш фаолияти юритиши мумкин бўлган маҳаллий корхоналарни жалб қилиш масаласига етарлича эътибор бериш зарур[82].

Жаҳонда эркин иқтисодий зоналарнинг ташкил қилиниши борасида кўплаб тажрибалар маълум бўлса-да универсал бошқарув механизми ишлаб чиқилмаган. Бу, энг аввало, ЭИХларни ташкил қилиш турли мақсадларга эгаллиги туфайли уларда турли иқтисодий шароитлар ва чекловлар мавжудлигига асосланади. Айни вақтда жаҳоннинг турли минтақаларида ўнлаб ва юзлаб ЭИХлар шакллантирилади. Объектив равишда улар орасида зоналараро рақобат юзага келади ва қулай инвестицион муҳитни ташкил қилиш ва ушбу зоналарга хорижий ва миллий инвесторларни жалб қилиш мақсадида рағбатлар ва солиқ имтиёзларини унификация қилиш тенденциясини намоён этади.

ЭИХлар яратишда *модул вариант*ни қўллаш мақсадга мувофиқ, яъни олдин кичик нуқталарни ташкил этиш ва бу нуқталарда ЭИХларнинг энг содда шакллари: бизнес инкубаторлар, божхона ва савдо ҳудудлари яратилиши керак. Сўнгра тажриба йиғилиб борилиши ва ЭИХнинг ҳаёт цикли давом эта бориши билан, уларни ривожлантириб, такомиллаштириб, мураккаброқ шаклга ўтиб борилади. Кейинги босқичларда эса техник тадқиқот ва сервис ҳудудларини ривожлантиришга асосий эътиборни қаратиш жоиз.

Фикримизча, Ўзбекистоннинг зонал сиёсати қуйидаги талабларга жавоб берадиган тарзда олиб борилиши мақсадга мувофиқ:

– бутун мамлакат иқтисодиётини, биринчи навбатда ЭИХда ва унда фаолият олиб борувчи инвесторларни қизиқтирадиган бозорларда иқтисодий барқарорлик таъминлаш;

– бутун мамлакат майдонида, биринчи навбатда ЭИХлар майдонида инвесторларни кўплаб жалб қила оладиган инвестицион муҳитни яратиш ва унинг жозибадорлигини ошира бо-риш;

– ЭИХда фаолият олиб боровчи томонларнинг манфатлари уйғунлигини таъминловчи муҳит яратиш;

– ЭИХларга маҳаллий тадбиркорларнинг иштирокини таъминловчи шарт-шароитларни яратиш.

Давлатнинг зонал сиёсати истиқболларида инвестицион муҳит жозибадорлигини самарали бошқариш юзасидан вазифалар самарали ижросини таъминлаш жараёнида, фикримизча, қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш лозим:

1. Инвестицион жозибадорликни самарали бошқаришга қаратилган самарали тадбирларга оид зонал сиёсат концепциясини ишлаб чиқиш.

2. Ўрта ва узоқ муддатли истиқболда инвестицион жозибадорликни бошқаришда тизимли чора-тадбирларни амалга оширишнинг «йўл харита»сини ишлаб чиқиш ва илмий асослаш.

Мамлакатимизда инвестицион салоҳиятни модернизациялашнинг узоқ муддатли стратегиясига ҳамоҳанг бўлган инвестицион муҳит жозибадорлигини бошқаришга қаратилган самарали тадбирларга оид зонал сиёсат концепцияси (ЗСК) ни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади ва унда асосий эътибор баланслашган ҳудудий инвестицион сиёсатни шакллантиришнинг стратегик вазифаларини ҳал этиш мақсадида инвестор ва зона дирекцияси ўзаро манфаатли ҳамкорлигини йўлга қўйишга қаратилган (3.1 -жадвал).

2020-2030 йилларда Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида инвестицион муҳит жозибadorлигини самарали бошқаришга қаратилган самарали тадбирларга оид зонал сиёсат концепцияси<sup>33</sup> (ЗСК)

ИМЖини бошқаришни такомиллаштиришга қаратилган самарали тадбирларга оид ЗСКнинг мақсади ва вазифалари	ИМЖини бошқаришни такомиллаштириш-га қаратилган самарали тадбирларни амалга ошириш босқичлари тавсифи	Концепция вазифаларини амалга ошириш мезонлари	ИМЖини бошқаришни такомиллаштиришга қаратилган тадбирлар самарадорлигини таъминлаш шартлари	Концепция вазифаларининг амалга оширилиши ва ИМЖини бошқаришни такомиллаштиришга қаратилган самарали тадбирлардан қутилган натижа
<p>ИМЖини бошқаришни такомиллаштириш зарурлиги уни таъминлашга янги концептуал ёндашуви ишлаб чиқишни талаб этмоқда. Ўзбекистон Республикасида ИМЖини бошқаришни такомиллаштиришга қаратилган самарали тадбирларга оид, жумладан, «макон инвестицион паспорти ва харитаси»ни киритиш орқали унинг ташкилий жиҳатларини такомиллаштиришга асосланган зонал сиёсат Концепциясининг <i>асосий мақсади</i> унинг баланслашган инвестицион сиёсатни шакллантиришнинг стратегик вазифаларини ҳал этишдир.</p>	<p>1. 2020-2021 йиллар – Зонал сиёсат давлат дастурининг қабул қилиниши.</p> <p>2. 2022-2025 йиллар – Зонал сиёсат ҳуқуқий базаси шаклланиши ва ЭИЗ фаолиятининг жаҳон стандартлари даражасига унификацияси.</p> <p>3. 2026-2027 йиллар – Зонал сиёсат юзасидан давлат маъмуриятчилиги самарали фаолиятининг шаклланиш жараёнини яқунлаш.</p> <p>4. 2028-2030 йиллар – ЭИЗларнинг баланслашган инвестицион сиёсат мақсадида натижавийлик ва сифат асосидаги самарали фаолияти.</p>	<p>Ўзбекистон Республикасида ИМЖини бошқаришни такомиллаштиришга қаратилган самарали тадбирларга оид зонал сиёсат концепцияси вазифаларини амалга ошириш самарадорлиги мезонлари баланслашган инвестицион сиёсатни шакллантириш, натижавийлик ва ИМЖини бошқариш бўйича зонал сиёсат юзасидан давлат маъмуриятчилиги ташкилий ҳаракатларининг сифати ҳисобланади. Бунда тадбирлар самарадорлигининг барча мезонлари ўзаро узвий боғлиқ бўлиб, уларнинг муттасил ошиб боришигина баланслашган инвестицион сиёсатни шакллантириш имконини беради.</p>	<p>ИМЖини самарали бошқаришга қаратилган тадбирлар самарадорлигини таъминлаш шартлари сифатида баланслашган ҳудудий инвестицион сиёсатни шакллантиришнинг стратегик вазифаларини ҳал этиш жараёнида инвестор ва ЭИЗ дирекцияси ўзаро манфаатли ҳамкорлигини йўлга қўйиш юзага келади.</p>	<p>Қутилаётган асосий натижа – баланслашган инвестицион сиёсатни шакллантиришнинг стратегик вазифаларини ҳал этиш орқали ЭИЗлар фаолияти воситасида нафақат алоҳида иктисодиёти тараққиётини жадаллаштиришдан иборат бўлиб, унга қуйидагилар орқали эришилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>– баланслашган инвестицион сиёсатни шакллантиришнинг стратегик вазифалари ижросини таъминловчи шарт-шароитларни аниқлаш ва ижро этиш;</li> <li>– инвесторларга ўз дастурларида белгиланган вазифаларни талаб қилинган тарзда тўлиқ бажаришдан манфаатдорлик яратиш ва вазифалар ижросини соддалаштириш;</li> <li>– инвестор ва ЭИЗ дирекцияси манфаатларини уйғунлаштириш.</li> </ul>

<sup>33</sup> Муаллифлар ишланмаси.

Бош мақсадга эришиш учун қуйидагилар концепциянинг асосий йўналишлари этиб белгиланиши лозим:


– ЭИХ дирекциясининг инвесторларнинг билан ҳамкорлик дастурлари ва инвестицион лойиҳаларини самарали бажаришга асосланган механизмлар жорий этиш;

– самарали зонал сиёсат давлат маъмуриятчилигини ташкил этиш ҳисобига баланслашган ҳудудий инвестицион сиёсатни шакллантиришнинг стратегик вазибаларини ҳал этиш;

– ҳудудда қулай, ишончли, манфаатли ва барқарор инвестицион муҳитни яратишга қаратилган стратегик менежмент принципларидан фойдаланиш.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, таклиф этилаётган инвестицион муҳит жозибадорлигини бошқаришни такомиллаштиришга қаратилган самарали тадбирларга оид зонал сиёсат концепцияси, аввало, мамлакатимизда инвестицион салоҳият модернизациясининг бош мақсадига мувофиқ келади ҳамда баланслашган инвестицион сиёсатни шакллантиришнинг стратегик вазибаларини таъминлашга кўпроқ асосланиши лозимлигини тасдиқлайди.

Иқтисодий жараёнларни бошқаришнинг функционал таҳлили натижаларига асосланган ўрта ва узоқ муддатли истиқболда инвестицион жозибадорликни бошқаришни такомиллаштиришнинг тизимли чора-тадбирларини амалга ошириш бўйича дастурларда маҳаллий хомашё ресурсларидан мақсадли фойдаланишга қаратилган иқтисодий сиёсат юритиш ва «объектга йўналтирилган» иқтисодий ўсиш моделидан фойдаланиш асосий йўналиш сифатида белгиланган. Тадқиқот доирасида ўрта ва узоқ муддатли истиқболда инвестицион жозибадорликни бошқаришни такомиллаштиришнинг йўл харитаси схемаси ишлаб чиқилди (3.1-расм).



3.1-расм. Ўрта ва узоқ муддатли истиқболда инвестицион жозибадорликни бошқаришни такомиллаштиришнинг йўл харитаси схемаси<sup>34</sup>.

Иқтисодий салоҳиятдан самарали фойдаланишга интеллектуал салоҳият ва меҳнат унумдорлигини оширувчи бошқа эндоген омиллар орқали «объектга йўналтирилган» ва «лойихага йўналтирилган» чораларни амалга ошириш йўли билан эришилади. Самарадорлик омиллари ёрдамида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда «жараёнга йўналтирилган» ва «муҳитга йўналтирилган» моделларни амалда қўллаш кумулятив самарани келтириб чиқарувчи либераллаштириш, ишбилармонлик ва бизнес муҳитини яхшилашга оид омиллар ҳисобига эришилади.

Стратегик бошқарувнинг функционал модели доирасида худудлар рақобатдошлигини ошириш жараёнларини мувофиқлаштиришнинг ташкилий-функционал схемаси таклиф

<sup>34</sup> Муаллифлар ишланмаси.

этилан. Ушбу схема маҳаллий органларнинг бошқарув, назорат, тартибга солиш ва мувофиқлаштириш функцияларини бир тизимга келтиради. Бажарилаётган вазифаларнинг кўп-функциялилигини инобатга олган ҳолда, уларни қуйидаги уч йўналиш бўйича тузиш таклиф этилади: стратегик бошқарув, мониторинг, тартибга солиш ва мувофиқлаштириш.

Таклиф қилинаётган моделга мувофиқ учала функционал йўналиш ҳам уйғунлашган ҳолда амалга оширилади. Шу билан бирга, модель ижтимоий-иқтисодий жараёнлардаги жорий ва тезкор бошқарувни ҳудуд инвестицион жозибадорлигини оширишнинг ўрта ва узоқ муддатли вазифаларига бўйсундириш имконини беради.

Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини инобатга олган ҳолда, Давлат статистика қўмитаси томонидан инвестицион муҳит жозибадорлиги бўйича «Йиллик статистик харита» эълон қилиб борилишини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир[83].

Ушбу статистик харитада инвестицион муҳит жозибадорлиги қуйидаги кўрсаткичлар асосида баҳоланиши мақсадга мувофиқ:

- ҳудудга киритилган инвестицияларнинг иқтисодий жиҳатдан самарадорлик мезонлари;
- ҳудуднинг инвестициялар ҳисобида ижтимоий ривожланиш салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичлар;
- инвесторлар учун солиқ сиёсатини ифода этувчи кўрсаткичлар;
- ҳудуднинг табиий-географик ҳолати ва ресурс имкониятлари;
- ҳудуднинг асосий инфратузилмавий салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичлар;
- меҳнат муносабатлари ва уларнинг ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар.



Келтириб ўтилган индикаторларга қўшимча сифатида бошқарув самарадорлиги, таълим ва соғлиқни сақлаш хизматларидан фойдаланиш имконияти, аҳолининг маълумотлилик даражаси, маҳаллий ҳокимиятнинг аҳоли билан яқинлиги ва ҳамкорлиги билан боғлиқ кўрсаткичлар қамраб олинади.

Шундай қилиб, инвестицион муҳит жозибadorлигини бошқаришнинг асосий йўналиш ва истиқболларини илмий асослаш нафақат давлатнинг зонал сиёсати концептуал асосларини ишлаб чиқиш ва унинг вазифаларининг босқичма-босқич ижроси ёрдамида таъминланади, балки шу билан бирга ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш орқали инвестицион муҳит жозибadorлигини бошқаришнинг асосий йўналишлари тадқиқини ҳам талаб этади.

### **3.2. Ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш орқали инвестицион муҳит жозибadorлигини бошқаришнинг асосий йўналишлари**

Маълумки, инвестицион муҳит жозибadorлиги турли йўналишдаги ва ўзаро боғлиқ омилларнинг таъсирида шаклланади. Шунинг учун мазкур омилларнинг инвестицион жозибadorликка миқдорий ва асосийси сифат жиҳатидан таъсирини аниқлаш учун мавжуд барча омилларни таснифлаш зарурияти юзага келади.

Иқтисодий адабиётларда инвестицион жозибadorликка таъсир кўрсатувчи омилларни гуруҳлашга турли хил ёндашувлар учрайди. Мазкур ёндашувларда баъзан омилларни гуруҳлаш белгилари аниқ келтирилмаган, айрим ҳолларда эса, омилларни гуруҳлаш икки-бештагача таснифий белги билан чекланади. Тадқиқотимиз натижасида аниқланганидек, инвестицион жозибadorликка таъсир кўрсатувчи омилларни гу-

руҳлашда уларнинг 12 турдаги таснифий белгиларини кўрсатиш лозим (3.2-жадвал).

Ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш орқали инвестицион муҳит жозибadorлигини бошқаришнинг турли ташкилий моделларини ўрганиш ҳар қандай мамлакат учун муҳим аҳамият касб этади, чунки ҳар қайси моделга оид инвестицион муҳит жозибadorлигининг ривожланиш қонуниятлари, давлат тартибга солиш тадбирлари самарадорлиги, солиқ режими ва унинг рағбатлари тизими, ривожланиш истикболлари учун туртки бўла оладиган жиҳатларни ижобий ўзлаштириш мумкин.

3.2-жадвал

### Инвестицион жозибadorликка таъсир кўрсатувчи омиллар таснифи<sup>35</sup>

Таснифий белги	Омиллар гуруҳининг турлари
Юзага келиш манбаси	Ташқи (глобал, миллий) ва ички (худудий)
Кишилар фаолиятига боғлиқлиги	Объектив ва субъектив
Инвестицион жозибadorликнинг таркибий элементлари	Инвестицион салоҳият, инвестицион таваккалчиликлар
Ифода этиш усули	Микдорий ва сифат
Деталлашув даражаси	Биринчи тартибдаги, иккинчи тартибдаги, <i>n</i> -тартибдаги
Аҳамиятлилиги	Сезиларли ва сезиларсиз
Ўзгаришлар интенсивлиги даражаси	Тез ўзгарувчан, ўртача ўзгарувчан, секин ўзгарувчан ва деярли ўзгармайдиган

Ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш орқали инвестицион муҳит жозибadorлигини ошириш категориясининг кўп жабҳалилиги уни самарали бошқаришга бевосита таъсир

<sup>35</sup> Муаллифлар ишланмаси


этадики, бу ҳолат ҳудудларда инвестицион муҳит жозибадорлигини ошириш омиллари ва дастаклари тизимини мукаммаллаштириш мақсадида инвестицион муҳит жозибадорлигини самарали бошқаришни тадқиқ этишнинг ўзгача апаратини қўллашни талаб этади. Ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш орқали инвестицион муҳит жозибадорлигини бошқаришнинг танланган ташкилий модели муҳим ўрин эгаллашини инobatга олиб, мазкур тадқиқотда хорижий ва ўзбек иқтисодчи-олимлари ва мутахассислари ишларига таянган ҳолда ижтимоий адолат тамойилининг реал ҳаётий ижроси ва янги солиқ сиёсати талабларини ҳисобга олувчи «мураккаб тизим сифатида ҳудуд ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш орқали инвестицион муҳит жозибадорлигини бошқаришнинг ўзига хос «махсус модели»ни илмий-методологик жиҳатдан изоҳлашга ҳаракат қилинди (3.2-расм).

Ташқи муҳитни хусусиятловчи тўрт жиҳатни алоҳида ўрганиш лозимки, у давлат қурилишининг типи ва давридан қатъий-назар ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш орқали инвестицион муҳит жозибадорлигини бошқариш учун универсал хусусиятга эгадир. Мазкур жиҳатлар тизимнинг элементлари ҳисобланмаса-да, улар билан ўзаро алоқалар ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш орқали инвестицион муҳит жозибадорлигини бошқариш тизимини ўрганишда ва такомиллаштиришда ҳисобга олинади.

Уларни илмий-назарий жиҳатдан қайта мушоҳада этиш даражасидан ташқи муҳит ўзгариши шароитида ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш орқали инвестицион муҳит жозибадорлигини бошқариш тизимини ривожлантиришнинг муқобил вариантларини таҳлил қилишда фойдаланиладиган баланслашган инвестицион сиёсатни шакллантиришнинг стратегик вазифаларини ҳал этиш мақсадида ресурс салоҳиятидан

самарали фойдаланиш орқали инвестицион муҳит жозибадорлигини бошқаришнинг ўзига хос «махсус модели» яратилишининг аҳамияти, долзарб ва устувор вазифалари белгиланади.

Турли йўналишлардаги динамик ташқи муҳит



Ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш орқали инвестицион муҳит жозибадорлигини бошқариш модели тизим сифатида							
Ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш орқали инвестицион муҳит жозибадорлигини бошқариш модели ҳақида тизимли тасаввурлар							
Генетик	Гомеостатик	Иерархик	Мақсадли	Функционал	Ташкилий	Муолажавий	Инновацион
Таълим бериш ва кадрлар таъминоти	Ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш орқали инвестицион муҳит жозибадорлигини бошқариш модели тизимости элементлари ва инструментлари						Илмий-амалий воситаларидан фойдаланиш
	Норматив–ҳуқуқий таъминот	Информацион таъминот	Техник таъминот	Технологик таъминот			

3.2-расм. Мураккаб тизим сифатида ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш орқали инвестицион муҳит жозибадорлигини бошқаришнинг ўзига хос «махсус модели»<sup>36</sup>.

<sup>36</sup> Муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

Ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш орқали инвестицион муҳит жозибadorлигини бошқаришга янгича ёндашувнинг тизимли тасаввурлари мазмуни 3.3-жадвалда келтирилган.

3.3-жадвал

**Инвестицион муҳит жозибadorлигини бошқаришнинг «махсус модели»да тизимли тасаввурлар мазмуни<sup>37</sup>**

т/р	Тасаввур жиҳати	Тасаввур мазмуни ва тегишли тадбирларнинг кутилажак натижалари
	Генетик	Ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш орқали инвестицион муҳит жозибadorлигини бошқариш соҳасида илмий ҳамжамият томонидан қабул қилинувчи ёки муҳокама этилувчи фундаментал ишланмалар, фикрлашлар ва терминларга янгича таъриф–изоҳлар мажмуини шакллантириш (илмий-назарий парадигма).
	Гомеостатик	Ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш орқали инвестицион муҳит жозибadorлигини бошқариш тизими таракқиётида давлат, иқтисодиёт таракқиёти, солиқ органлари, солиқ тўловчилар манфаатларини ҳисобга олувчи динамик мувозанат ва барқарорликни ушлаб туриш (гомеостаз).
	Иерархик	Ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш орқали инвестицион муҳит жозибadorлигини бошқариш тизими – бу соҳадаги муносабатларни субъектлар кесимида таркиблаштириш; таркиб – тизимнинг статистик хислатларини акс эттирувчи n вариантли кесимидир.
	Мақсадли	Ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш орқали инвестицион муҳит жозибadorлигини бошқариш тадбирлари амал қилишига эришиш орқали баланслашган инвестицион сиёсатни шакллантиришнинг стратегик вазифаларини ҳал этишга эришиш.

<sup>37</sup> Муаллифлар ишланмаси

Функционал	Давлат, ЭИЗ дирекцияси, инвесторлар томонидан ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш орқали инвестицион муҳит жозибадорлигини бошқариш тизими самарали фаолиятини таъминлашга оид имкониятлар (функциялар)ни аниқлаш ва улар ижросини таъминлаш.
Ташкилий	Тизим бўғинларида вазифалар, ресурслар ва ваколатларни тақсимлаш бўйича қарорларни тақсимлаш шакллари; ташкил этиш – тизимнинг улар динамик тавсифларини ҳисобга олган ҳолдаги инвариант образларидир.
Муолажавий	Ҳуқуқий асосларга мос тарзда ҳаракатлар ва муолажаларни алгоритмлаш; ҳудуд ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш орқали инвестицион муҳит жозибадорлигини бошқариш истикболлари ва фаолиятини иқтисодий-математик моделлаштириш.
Инновацион	Янги парадигмага ўтишни таъминловчи янгиликлар, яъни ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш орқали инвестицион муҳит жозибадорлигини бошқаришга оид янги ғоялар, қарашлар, ёндашувларни шакллантириш.

Бизнинг фикримизча, ушбу тасаввурларни маълум кетма-кетликда нисбий бўйсунувчанликка асосланган занжирли боғланишда ва тесқари алоқадорлик тизимини ҳисобга олган ҳолда ўрганиш лозим. Бунинг натижасида ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш орқали инвестицион муҳит жозибадорлигини бошқаришнинг «махсус модели»да назарий қарашларни қайта кўриб чиқишнинг ёпиқ кетма-кетлигига риоя этиш талаб этилади: *парадигма – гомеостаз – таркиб – доктрина – функциялар – ташкил этиш – алгоритмлар – янгиликлар – парадигма*. Яъни, бошланғич тасаввур – бу генетик тасаввур, кейинги олтита тасаввур тизим амал қилиш механизмини очиб беради, инновацион тасаввур эса занжирни яқунлайди ва унинг янги илмий-назарий парадигмага ўтишига имкон беради.

Баланслашган инвестицион сиёсатни шакллантиришнинг стратегик вазифаларини ҳал этиш мақсадида ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш орқали инвестицион муҳит жозибадорлигини бошқаришнинг «махсус модели»ни тизим сифатида таъминловчи қисм (М)ни қуйидаги вербал модел шаклида тасаввур этамиз:

$$M = \{M_1, M_2, M_3\} = \{t_a, k_p, n_p, i_p, t_p, T_p, i_u, a_y\}$$

бу ерда:  $M_1$  – илмий-назарий парадигма учун таъминот;  $M_2$  – тизим фаолияти учун таъминот;  $M_3$  – тизим инновацион таракқиёти учун ва унинг янги илмий-назарий парадигмаси учун таъминот;  $t_a$  – таълим, тегишли малака;  $k_p$  – кадрлар таъминоти;  $n_p$  – норматив-ҳуқуқий таъминот;  $i_p$  – информацион таъминот;  $t_t$  – техник таъминот;  $T_t$  – технологик таъминот;  $t_u$  – тадқиқотнинг илмий методлари ва усуллари;  $a_y$  – амалий воситалар, моделлар.

Шундай қилиб, баланслашган инвестицион сиёсатни шакллантиришнинг стратегик вазифаларини ҳал этиш мақсадида ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш орқали инвестицион муҳит жозибадорлигини бошқаришнинг махсус моделига айнан тизим сифатида ёндашувгина оптимал бошқарув қарорларини қабул қилишга, давлат, ЭИЗ дирекцияси, инвесторлар харажатларини камайтиришга ва манфаатлар муштараклигини таъминлашга замин яратади.

Мазкур модел баланслашган инвестицион сиёсатни шакллантиришнинг стратегик вазифаларини ҳал этиш мақсадида ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш орқали инвестицион муҳит жозибадорлигини бошқариш назарий асосларининг базавий категориал аппаратини илмий асосланган таҳлил ва синтез қилиш қуроли бўлиб хизмат қилди.

Худуд инвестицион сиёсатни шакллантиришнинг асосий вазифаларини ҳал этишда инвестицион фаолият иштирокчила-

ри рақобатбардошлигини ошириш жараёнини М&А стратегияси асосида моделлаштириш хусусиятларини илмий изохлаш муҳим аҳамият касб этади. Ўтказилган таҳлил натижалари кўрсатишича, ҳозирги кунда инвестицион фаолиятда иштирок этувчи тадбиркорлик тузилмалари яшовчанлиги бўйича ҳолат куйидагича: статистик маълумотларга кўра хизмат кўрсатиш соҳасида янги ташкил топган кичик корхоналарнинг 70 фоизи 1-йилиёқ ўз фаолиятини тўхтатмоқда, қолган 30 фоизи рақобатга чидай олмай кейинги йилдан бозорни тарк этишмоқда.

Бундай шароитда инвестицион фаолият иштирокчилари ўз рақобатбардошлигини ва бозордаги барқарор ўрнини сақлаб қолиш мақсадида бирлашиш ва қўшиб олиш стратегияси бўлмиш – М&А стратегияларига мурожаат қилишга мажбур бўладилар. Кўпинча (фақат ҳар доим ҳам эмас) мазкур механизм синергетик самара туфайли корхоналар бирлашган гуруҳи уларнинг тарқоқ ҳолдаги майда-майда фаолиятига нисбатан устунлигига олиб келади.

М&А(инг. *mergers and acquisitions, M&A*) стратегияси бу инвестицион фаолият иштирокчилари инновацион ривожланишининг кенг тарқалган вариантларидан бири ҳисобланади, чунки у бошқа фаол стратегияларга нисбатан камроқ ҳавфни ўз ичига олади, ишлаб чиқарилган жараёнларга таянади ва ривожланган бозорларга эътибор қаратади. Ушбу стратегиянинг натижаси илгари алоҳида тузилмалар иттифоқига асосланган янги ишлаб чиқаришларни, йирик корхоналарни, қўшма ташкилотларни яратишдир.

Капитал қўйилмалар қиймати ўзгариши прогнозининг батафсил таҳлили М&А стратегиясининг синергетик самарага таъсирини баҳолаш имконини беради. Шу боисдан синергетик самара ва унинг тадқиқ қилинаётган Навоий ЭИЗ даги объектлар иқтисодий ҳолатига таъсирини ўрганиб чиқамиз.



Махсус адабиётларда синергетик самаранинг (грекча – *ҳамкорликда ҳаракат қилиши*) мазмуни бир қанча қисмларнинг яхлит бир тизимга бирлаштирилиши орқали натижавийликни оширишни таъминлаши сифатида талқин этилади. Бундан, **синергия самараси** – бир хил ёки яқин манфаатли бозор иштирокчиларининг бирлашуви ҳамда улар ресурс базаларини ягона мақсадга йўналтиришдан иборат устунликни ифодаловчи омил эканлиги келиб чиқади.

Инвестицион фаолиятни самарали бошқариш соҳасида инвесторлар бўлмиш тадбиркорлик тузилмаларининг бирлашишдан юзага келувчи иқтисодий самара тавсифи 3.4-жадвалда келтирилган.

3.4-жадвал

**Инвестицион фаолиятни самарали бошқариш соҳасида инвесторлар бўлмиш тадбиркорлик тузилмаларининг бирлашишдан юзага келувчи иқтисодий самара турлари ва юзага келиш сабаблари<sup>38</sup>**

Иқтисодий самара турлари	Намоён бўлиш соҳаси
Операцион самара	Даромадларнинг ўсишида ва харажатларнинг, шу жумладан, транзакцион харажатларнинг камайишида намоён бўлади
Инвестицион самара	Инвестиция ресурсларининг ўсишида, инвестицион рисклар таркибининг мукамаллаштирилишида намоён бўлади
Молиявий самара	Молиявий барқарорликнинг ўсишида, капитал айланивчанлиги ортиши ва молиялаштириш манбаларига эришиш имкониятининг мавжудлиги, инвестициялаш рискларини камайтиришда.

Инвестицион фаолиятни самарали бошқариш соҳасида инвесторлар бўлмиш, тадбиркорлик тузилмалари фаолиятининг

<sup>38</sup> Муаллифлар ишланмаси.

амалиётида таъсисчиларнинг ўзаро келишмовчиликлари туфайли бўлиниб кетиш ҳолатлари ҳам учрайди. Ушбу ҳолатда эмпирик йўл билан аввалгига қарама-қарши ҳолатдаги синергетик самарани кузатиш мумкин: умумий харажатларнинг ўсиши, бозордаги мавқе ва улушнинг камайиши, рақобатнинг ўсиши, маъмурий функцияларнинг такрорланиши ва ҳ.к.

Бунда олинажак самара вақтинчалик хусусиятга эга, чунки бозорда самарали ишлаб чиқарувчи ўзи оладиган юқори фойдаси ҳисобига кўпроқ ресурсларга эга бўлади ва самарадорлиги пастроқ бўлганларни сиқиб чиқаради. Шундай қилиб, тизим ўз-ўзидан қайтадан ташкил топади.

3.5-жадвалда инвестицион фаолиятни самарали бошқариш соҳасида инвесторлар бўлмиш кичик инновацион корхоналарнинг йирик корхоналарга нисбатан муҳим кучли ва заиф томонлари тавсифи келтирилган.

Инвестицион фаолият иштирокчиси бўлмиш кичик инновацион тадбиркорликнинг имкониятларидан максимал даражада фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг инвестицион ўсишини ҳамда модернизациясини таъминлайди.

Мазкур тадқиқотимиз жараёнида аниқланган инвестицион муҳит шаклланиши тенденциялари ва уни давлат томонидан тартибга солишнинг ҳозирги замон хусусиятларининг ёритилиши Навоий вилояти мисолида интеграциялашувга тизимли ва жараёнли ёндашув нуқтаи назаридан инвестицион жозибадорликни бошқариш механизмнинг фаоллаштирилган моделини таклиф этиш имконини берди (3.3-расм).

3.3-расмда бошқарилувчи тизимости бўғинлари инвестицион иқлимни давлат томонидан тартибга солишнинг уч даражадаги таркибининг яхлит фаолияти орқали акс эттирилган. У давлат бошқарувининг иерархик хусусиятига мос келади, маҳаллий ҳокимият органлари ва Навоий ЭИЗ ва ҳудуднинг

инвестицион муҳитига масъул субъектлар (вилоятда инвестицион муҳитни яхшилаш бўйича кенгаш ва ҳудудни ривожлантириш институтлари) республика даражасидаги махсус органлар билан бир даражадаги масъулликни олувчи бошқарув объектлари ҳисобланадилар.

3.5-жадвал

**Инвестицион фаолиятни самарали бошқариш соҳасида инвесторлар бўлмиш кичик инновацион корхоналарнинг кучли ва заиф томонлари тавсифи<sup>39</sup>**

Кучли томонлари	Заиф томонлари
1. Инновацион циклнинг қисқалиги	1. Менежмент профессионал даражасининг етишмаслиги
2. Ҳамкорлар билан тўғридан-тўғри ва персонал алоқаларнинг мавжудлиги	2. Ташқи молиялаштириш, шу жумладан кредитлаштириш имкониятларининг етишмаслиги
3. Бошқарув қарорларининг тез қабул қилиниши	3. Корхона диверсификацион профилининг чекланган имкониятлари
4. Меҳнатга рағбатнинг юқорилиги	4. Тадбиркорлик фаолиятидаги рисклар даражасининг сезиларли даражада эканлиги
5. Устама харажатларнинг камлиги	5. Меҳнат тақсимоти ва ихтисослашуви даражасининг пастлиги
6.Фан-техника ютуқларидан хабардорликнинг юқорилиги	6. Талабни қондириш кўламларининг чекланган имкониятлари
7. Истеъмолчи талабига мослашиш, бозорнинг ўзлаштирилмаган соҳаларини қидириб топишга интилиш	7. Фаолиятнинг молиявий натижаларига шахсий масъуллик
8. Корхонада бюрократик бўғинларнинг мавжуд эмаслиги	8.Корхона кўп сонли таркибий бўлинмалари ҳамкорликдаги фаолиятдан синергетик самаранинг мавжуд эмаслиги
9. Менежмент иерархиясининг қисқалиги	

<sup>39</sup> Муаллифлар ишланмаси.

Дастлабки руҳлантирувчи импульс сифатида мамлакат инвестиция сиёсати, худуд инвестицион ривожланиш стратегияси ва Навоий ЭИЗ да инвестицион жозибадорликни ошириш истиқболлари майдонга чиқадики, улар расмда стратегик блок сифатида ажратилган.

«Инструментал блок» инвестицион стратегияни ижро этиш йўналишларини ифодалаб, республика, маҳаллий ҳокимият ва Навоий ЭИЗ дирекцияси томонидан бир-бири билан узвий боғлиқ дастурий ҳужжатлар ишлаб чиқилиши лозимлигини ифодалайди.

«Инструментал блок» инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантирувчи турли самарали воситалар ва усулларни қўллаш зарурлигини изоҳлайди. Шунини алоҳида таъкидлаш жозибасиз, республика даражасидаги умумий хусусиятга эга воситалар селектив хусусиятдаги воситаларни инкор этмаслиги, тазйиқ тарзида қўлланилмаслиги ва уларда ташаббускорликни қўллаб-қувватлаши лозим.


Инвестицияларни жалб қилиш соҳасига оид мавжуд муаммоларни умумлаштириш асосида воситалар гуруҳларини такомиллаштириш йўллари сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

– нархларни шакллантириш, суғурта, фонд бозори, гаров ҳукуқи ва ипотека, индустриал парклар фаолияти масалалари бўйича меъёрий-ҳукуқий базанинг ривожланмаганлиги;

– инвестицион жозибадорликни ошириш масалаларига оид услубий ёрдамнинг етишмаслиги; инвесторлар учун маъмурий тўсиқларнинг мавжудлиги;

– давлат маъмуриятчилиги ва назорати сифатининг пастлиги; инвестицион ўсишнинг инфратузилмавий чекланганлигининг юқори даражаси;

– маҳаллий ҳокимият органлари раҳбарларининг ва жойларда мутахассислар малакасининг паст даражаси[84].



3.3-расм. Ҳудуд инвестицион жозибadorлигини бошқаришининг ташкилий-иқтисодий механизми модели<sup>40</sup>

<sup>40</sup> Муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

Инвестицион иқлимни давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий воситаларини такомиллаштиришда қуйидаги устувор йўналишларга алоҳида аҳамият бериш лозим: инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш ва индустриал паркларни яратишга республика бюджетидан берилаётган мақсадли ажратмаларда ҳудуднинг инфратузилмалар яратиш учун бюджет харажатларининг алоҳида ҳисобини йўлга қўйиш; бюджетни режалаштириш амалиёти доирасида инвестицияларни жалб этишга қўшимча рағбатлантирувчи чораларни қўллаш; жаҳон амалиётида кенг қўлланилаётган ва Tax increment financing (TIF) деб номланган «келажакдаги солиқ тушумлари ҳисобидан молиялаштириш воситасини қўллаш» ҳисобига молиявий воситалар тизимини кенгайтириш.

Умуман, инвестицион муҳит жозибадорлигини самарали бошқаришнинг асосий йўналиш ва истиқболларини илмий асослаш нафақат ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш орқали таъминланади, балки шу билан бирга, ривожланиш даражаси юқори бўлган иқтисодиёт тармоғи инвестицион салоҳиятидан самарали фойдаланиш йўллари аниқлашни талаб этади.

### **3.3. Саноат тармоқларининг инвестицион салоҳиятини барқарорлик кўрсаткичлари орқали бошқариш йўллари**

Халқаро амалиётда нуфузли молия муассасалари ҳисобланган Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди, БМТнинг Тараққиёт дастурлари каби халқаро ташкилотлар томонидан ҳудудларнинг стратегик аҳамиятдаги тармоқларида самарали инвестиция қарорларини қабул қилиш бўйича услубий тавсияларни такомиллаштириш мақсадида кенг қамровли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу тадқиқотлар нуфузли тадқиқот марказлари томонидан ишлаб чиқилган бўлиб,

халқаро стандартларда белгиланган талаблар асосида ҳудудларнинг иқтисодий тармоқлари инвестицион салоҳиятини бошқариш усуллари такомиллаштириш имконини беради. Бу ривожланган давлатлар тажрибаси асосида саноат тармоқларининг инвестицион салоҳиятини барқарорлик кўрсаткичлари орқали бошқариш йўллари имкониятларини кенгайтириш ва янада такомиллаштириш учун муҳим омил ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган миллий ҳамда хорижий корхоналарнинг инвестиция фаолияти натижалари акс этган ҳисоботлари халқаро стандартлар даражасида, ҳаққоний ва шаффофлиги таъминланган ҳолда шакллантирилмоқда. Бу мамлакатимизда бизнес юритиш муҳитини яхшилаш билан бирга инвесторлар ва тадбиркорлар манфаатини ҳам оширмоқда. Хусусан, БМТнинг Саноатни ривожлантириш ташкилоти (UNIDO) томонидан ҳар йили эълон қилинадиган «Рақобатбардош саноат унумдорлиги» индексининг 2020 йилги ҳисоботида мамлакатимиз илк бор акс этирилиб, «0,017 балл билан 152 та мамлакат орасида 92-ўринни, МДҲ мамлакатлари орасида 5-ўринни, Марказий Осиё мамлакатлари орасида 2-ўринни эгаллагани қайд этилди»<sup>41</sup>.

Иқтисодийни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналиш сифатида «мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш, инвесторларнинг бу борадаги давлат сиёсатининг изчиллигига бўлган ишончини мустаҳкамлаш ва инвесторлар билан ишлашда давлат тузилмаларининг масъулиятини ошириш»<sup>42</sup>, «инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш мамлакатни ижтимоий-иқтисодий

<sup>41</sup> <https://stat.unido.org/>

<sup>42</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 августдаги «Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5495-сон Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 02.08.2018 й., 06/18/5495/1611-сон.

ривожлантиришнинг, янги ишлаб чиқариш қувватлари ва иш жойларини яратиш, инфратузилмани такомиллаштириш ҳамда ҳудудларни ободонлаштириш ва халқ фаровонлиги даражасини ошириш»<sup>43</sup> вазифалари қўйилди. Булар ЭИЗлар дирекциялари, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан инвестицион салоҳиятни барқарорлик кўрсаткичлари орқали бошқариш йўллари вазифаларини белгилаб берди. Мазкур вазифалар саноат тармоқлари инвестиция фаолияти натижадорлигини ошириш, стратегик менежмент тизимини такомиллаштириш, унинг реал сектор тармоқларини рақобатбардошлигини таъминлашдаги ўрнини ошириш ҳамда инвестиция фаолиятини бошқаришнинг услубий асосларини такомиллаштириш заруриятини кўрсатиб беради.

Саноат тармоқлари фаолиятининг инвестицион жиҳати янги, юқори технологияли ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва асосий, анъанавий саноат тармоқларини модернизациялашни кўзда тутувчи Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг янги саноатлашув йўналиши нуқтаи назаридан кўпроқ эътибор талаб этади[36]. Саноат тармоқларининг инвестицион салоҳиятини баҳолаш инвестиция жараёнларини бошқаришнинг асосий воситаларидан бири ҳисобланади.

Саноат тармоғи деганда, иқтисодий фаолият турларининг классификаторига мувофиқ, бир ёки бир нечта иқтисодий фаолият турларининг бир ёки бир нечта таснифлаш гуруҳлари орасида фаолият юритувчи субъектлар йиғиндиси тушунилади. Иқтисодий фанларда инвестицияларнинг турли тоифаларини назарий жиҳатдан тушуниш бошланишида инвестиция

---

<sup>43</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 майдаги «Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурини шакллантириш ва амалга оширишнинг сифат жиҳатидан янги тизимга ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5717-сон Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.05.2019 й., 06/19/5717/3132-сон; 18.08.2020 й., 06/20/6042/1190-сон..



салоҳиятининг моҳиятини ёритиб беришга соҳавий ёндашув қўлланилди, бу уни фондларни яратувчи тармоқлар фаолияти натижалари билан аниқлашдан иборат бўлиб, бу йирик саноат корхоналарининг ривожланиш даражаси нуктаи назаридан тегишли баҳолаш усуллари келтириб чиқарди[85].

Ҳозирги кунда бундай ёндашув инвестицион салоҳият тунчасини «ишлаб чиқариш салоҳияти» категориясига киритади, деб ҳисобланади. Инвестицион салоҳиятни таърифлашда ресурсли ёндашув жуда кенг тарқалди. Унга мувофиқ инвестицион салоҳият инвестиция ресурслари – унинг юзага келиш манбалари билан узвий боғлиқ ҳолда ўрганилади.

Инвестицион ресурслар – келажакда иқтисодий фойда олиш, ижтимоий ёки экологик таъсирга эга бўлиш учун капитал киритиш, жамғариш, жараёнида иштирок этувчи моддий, молиявий, интеллектуал манбалар тўпламини намоён этади[86].

Инвестиция салоҳиятини баҳолаш бўйича кўпгина тадқиқотлар ресурсли ёндашувга асосланиб, унинг таркибида хомашё, ишлаб чиқариш, инфратузилма, меҳнат, инновация, молия ва ҳоказоларни ифодаловчи хусусий салоҳият индексларига асосланади.

Худди шу тамойил иқтисодий тизимларнинг рейтинг-таҳлил агентликлари томонидан тақсимланишига асосланади. Бундай ёндашувнинг асосий устунлиги ҳар бир (мамлакат, минтақа, тармоқ, корхона) даражадаги иқтисодий тизимнинг инвестицион салоҳиятини миқдорий баҳолаш имконияти ҳисобланади.

Инвестицион салоҳиятни баҳолашда ресурсли ёндашувнинг асосий камчилиги «миллий бойлик», «моддий-техник базаси», «ресурслар» иқтисодий категориялар билан услубий ўхшашлик ҳисобланади. Бошқача айтганда, «инвестиция ре-

сурслари» ва «инвестицион салоҳият» тушунчалари бир-бирига ўхшашдир.

Таъкидлаш жоизки, «салоҳият» тушунчаси икки томонлама хусусиятга эга ҳамда сифат ва миқдорий муайянлик бирлиги сифатида талқин этилади. Инвестицион салоҳиятнинг миқдорий муайянлилигини «инвестиция ресурслари» атамаси билан белгилаш мумкин.

Шундай қилиб, *саноат тармоғининг инвестицион салоҳиятини* тармоқда инвестиция фаолиятининг максимал ижобий натижасига эришиш мақсадида унинг инвестиция ресурслари йиғиндиси таркибидаги имкониятларни амалга ошириш қобилияти деб талқин қилиш мумкин.

Инвестицион салоҳиятни баҳолашга ресурсли-натияжли ёндашув нафақат ресурсларнинг таркибий қисми, балки мақсадли тавсифини – ялпи минтақавий маҳсулотнинг векторини ҳам ҳисобга олади. Иқтисодий ривожланиш даражасидаги прогноз қилинувчи ўзгаришлар минтақанинг ялпи инвестицион салоҳиятнинг барча асосий «ташувчилар» сармоявий ресурсларидан фойдаланиш ва ривожланиш кўрсаткичларини аниқлаш учун бошқарувчи параметрлар сифатида намоён бўлади[87].

Фикримизча, мазкур усулнинг камчилиги ишлаб чиқариш салоҳияти ва саноат ишлаб чиқаришининг амалда эришилган даражаси билан таққослашга асосланган баҳолашда намоён бўлади, бу моҳиятан, инвестицион салоҳиятни идрок этишни фақат тармоқ ёки ҳудудий тизимнинг ишлаб чиқариш имкониятлари нуқтаи назаридан торайтиради. Соҳада катта миқдордаги инвестиция ресурслари бўлиши мумкин, аммо улардан унумли фойдаланмаслигига йўл қўйилаётган бўлиши мумкин.

Инвестиция ресурсларини алоҳида қайд этиш, инвестицион салоҳият параметрларининг прогноз қийматларини мўлжаллаш ва статистик кўрсаткичларни қўллаш инвестицион

салоҳиятни баҳолашга мавжуд услубий ёндашувларнинг умумий камчилиги сифатида намоён бўлади. Тармоқда инвестицион ресурсларнинг сезиларли ҳажми мавжуд бўлса-да, улардан самарасиз фойдаланилиши мумкин.

Ҳозирги кунда инвестицион фаолият юритиш учун мавжуд шароитларнинг юқори даражадаги ноаниқлиги прогноз маълумотлари асосида ҳисоб-китобларнинг ишончилигини пасайтиради ва статик кўрсаткичлардан фойдаланиш инвестиция салоҳиятидаги ўзгаришлар (ўсиш, пасайиш) тенденциялари тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш имконини бермайди.

Саноат тармоғининг инвестицион салоҳиятини баҳолашда инвестицион салоҳиятни амалга ошириш натижасида инвестицион ресурслар кўрсаткичлари, инвестицион ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичлари ва тармоқдаги инвестицион фаоллик кўрсаткичларини киритиш мақсадга мувофиқ.

Инвестицион ресурслар индикатори саноатнинг саноат маҳсулоти бирлигини инвестиция ресурслари билан таъминлаш ҳақида тасаввур беради. Умумий ҳолатда, инвестиция ресурсларини инсон, ишлаб чиқариш ва молиявий ресурслар билан чеклаш мақсадга мувофиқ.

Инвестицион ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичи саноат тармоғининг инвестицияларнинг даромадлилигини баҳолашни акс эттирувчи ижобий натижаларга эга ресурслардан фойдаланиш қобилиятини акс эттиради[88].

Ҳозирги кунда қабул қилинган инвестиция фаолиятининг сифат ва миқдор кўрсаткичларини баҳолаш инвестициялар тузилмаси ва динамикаси ҳамда ҳажмлари кўрсаткичларини ўз ичига олиб[89], тармоқнинг инвестицион макромухит билан ифодаланувчи шакли ҳолатларини енга олиш қобилияти ҳақида тасаввур бермайди. Бундай кўрсаткич сифатида «инвестицион барқарор-

лик» намоён бўлиши мумкин. Инвестицион фаолиятнинг бу тоифаси маҳаллий адабиётларда нисбатан суғандирилган.

Шу билан бирга, иқтисодий тизимларнинг барқарорлигини баҳолаш бу тизим иқтисодий ресурсларни, тежаш жараёни ва инвестицияларни тақсимлашни қанчалик мақбуллаштириши, барқарорлик ёки беқарорлик зоналарини аниқлаш, тизимнинг барқарор ёки беқарор ҳолат йўналиши бўйича ҳаракатини прогнозлаш имконини беради[90].

Тармоқларга нисбатан «инвестицион барқарорлик» категориясини аниқлаш «барқарорлик» тушунчасини аниқлашдан бошланиши керак, шунингдек барқарор тизимнинг хусусиятлари ва шартларини ҳисобга олиш лозим.

Замонавий менежментда барқарорлик деганда, «ижтимоий-иқтисодий тизим асосий параметрларининг нисбий ўзгармаслиги, эндоген ва экзоген параметрлар (салбий ҳамда ижобий) таъсиридан воз кечган ҳолда уларни белгиланган чегараларда сақлаб туриш қобилияти» тушунилади[91]. Макро-иқтисодиётда барқарорлик ресурслардан фойдаланиш ва жамият ривожланиши ўртасидаги узок муддатли мувозанатдир[92].

Барқарор тизим беқарор таъсирларни ўзига сингдириб, ресурсларни самарали ва узлуксиз тақсимлашга қодир, бунинг учун хавфлар аниқ прогноз қилиниб баҳоланади ва уларни бошқариш имконини беради[93]. Агар бу учта хусусиятнинг комбинацияси ёки бирор шакли қўллаб-қувватланмаса, у ҳолда ўрганилаётган тизим беқарорлик йўналиши бўйича ҳаракат қилиши мумкин ва беқарорлик маълум бир вақтда номутаносиблик ва унинг «заифлиги» учун асос яратиши мумкин. Учала хусусиятда ҳам эндоген, ҳам экзоген элементлар мавжуд[94].

Ҳар бир иқтисодий тизим, очиқ ва чизиксиз бўлган ҳолда, барқарорлик ва беқарорлик даврларига мойил, у барқарорлик

босқичлари (ҳолат барқарорлиги, ўзгаришлардан таъсирлан-маслик, ўзгаришларни амалга оширишнинг заиф имкониятла-ри), ривожланаётган беқарорлик (кенг доирадаги таъсирларга сезгирлик ва ҳоказо), янги давлатларни амалга оширишнинг жиддий эҳтимоллиги, мураккабликнинг янги даражасига эри-шиш), бифуркациялар (ўта беқарор ҳолат, янги барқарор ҳо-латни излаш) ва пасаювчи беқарорлик (ташқи таъсирларга сезгирликнинг пасайиши, янги барқарор ҳолатга ўтиш, ўзга-ришлар йўналиши келажақдаги барқарор давлатнинг шакли ва мазмуни билан белгиланади)[95].

Очиқ ва чизиксиз ҳар қандай иқтисодий тизим, барқарор-лик ва беқарорлик даврларини ўзгартиришга мойил бўлиб, маълум даврдан ўтади. Барқарорлик нафақат зарба ютилиш қобилиятининг статик концепцияси сифатида ўрганилади, бу тизим нафақат ресурсларни тақсимлаш ва сафарбар этишда ўз вазифасини етарли даражада бажариши, ўзгариши хавфларни бошқариш билан намоён бўлади, шу билан бирга, бу тизим до-ирасида ресурсларни тақсимлаш оқими етарлича барқарор ва узлуксиз ҳисобланади.

Бу ўз-ўзидан тузатиш жараёнлари ва механизмлари бўлиб, тизимни барқарорлик коридорига қайтаради, бу тизимнинг чеклаш қобилияти ва барқарорликка таҳдид солишни бошлаш-дан олдин номуносивлик намоён бўлишини енгиш қобилия-тида акс этади[96].

Маҳаллий адабиётларда «инвестицион барқарорлик» ата-маси корхоналар инвестицион фаолияти барқарорлигини аниқлаш учун қўлланилади (3.6-жадвал).

Иқтисодий тизимлар статик эмас, улар доимий равишда ўз-гариб туради, шунинг учун уларнинг динамик барқарорлигини ўрганиш янада тўғри бўлади, бунга икки жиҳат киради:

## «Инвестицион барқарорлик» тушунчасини аниқлаш

Таъриф	Кўрсаткич
Корхонанинг режалаштирилган инвестицион жозибadorлик даражаси ва инвестицион салоҳиятини етарлича узоқ вақт сақлаб туриш қобилияти[97]	Асосий воситалардан фойдаланиш коэффициенти
Корхонанинг узоқ вақт давомида инвестицион фаолликнинг ошиб бораётган тенденциясини сақлаб қолиш қобилияти[98]	Инвестиция қилинган капиталнинг рентабеллиги (соф фойданинг инвестиция қилинган капиталга нисбати); асосий воситаларга инвестициялаш эҳтиёжи коэффициенти (соф инвестицияларнинг тушумлар ошишига нисбати); инвестицион фаоллик коэффициенти (даромадли маблағлар кўринишидаги асосий капитал қиймати суммасининг моддий қимматликка фойдали инвестициялар кўринишидаги ҳамда молиявий маблағларнинг асосий активлар умумий қийматига нисбати)
Корхонанинг нормал ривожланишига халақит берувчи шубҳали таъсирларга қарамай, корхонанинг узоқ муддатли инвестиция фаолиятини амалга ошириш қобилияти[99]	Корхона ўз инвестицион фаолиятини амалга ошириш имкониятини йўқотмай, етказиши мумкин бўлган йўқотишларнинг максимал миқдори (инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг индивидуал сценарийлари учун салбий NPVнинг мутлақ қиймати) ўртасидаги фарқ
Етарлича хавф шароитида корхонанинг инвестицион фаоллиги ошиши[100]	Инвестицион фаоллик коэффициенти; асосий капиталга инвестициялар нисбати; ИТТКИга инвестиция киритиш коэффициенти; молиявий инвестициялар нисбати
Минтақавий иқтисодий тизимнинг инвестицион жозибadorлиги тенденциялари барқарорлиги[101]	«Минтақанинг инвестиция хавфи / инвестицион салоҳияти» нисбати. Ўртача республика кўрсаткичларидан оғишларни ҳисоблаш
Стратегик мақбул қийматлар оралиғида инвестициялар даромадлилиқ даражасини сақлаб туриш имконияти[102]	Инвестиция қилинган капитал рентабеллиги (соф фойданинг инвестиция қилинган капиталга нисбати)
Инвестицион фаолликнинг талаб қилинувчи даражасини сақлаб туриш қобилияти[103]	Йиллар бўйича инвестицион фаолият кўрсаткичлари ўзгариши

1) тебранишга (ўзгарувчанликка) қарши категория сифатида барқарорлик;

2) ўзгариш йўналиши барқарорлиги, яъни тенденциянинг барқарорлиги.

Шундай қилиб, муаллифлар саноатнинг инвестицион барқарорлигини эндоген ва экзоген шубҳали таъсир остида инвестицион фаолият параметрларининг маълум турғунлигини сақлаб туриш қобилияти сифатида тушунадилар. Инвестицион барқарорликка эришишни баҳолаш инвестицион фаолликнинг динамик қатор кўрсаткичлари даражасидаги тебранишлар ва маълум ўзгариш тенденцияси мавжудлиги, яъни тенденция барқарорлигини ўзгартириш билан белгиланади.

Саноатнинг инвестицион фаоллик кўрсаткичларининг динамик қатор даражалари барқарорлигининг ўлчови саноатдаги инвестицияларнинг жисмоний ҳажми индексига нисбатан саноатнинг инвестицион барқарорлик кўрсаткичи бўлиши ( $Ind$ ) мумкин:

$$Ind = \frac{D_{и}}{D_{ж}}, \quad (3.1)$$

бу ерда:  $D_{и}$  – тренд даражасидан юқори ўртача қиймат;  $D_{ж}$  – ўртача қиймат тренд даражасидан паст.

Инвестицияларнинг барқарорлик индекси бир-бирига қанчалик яқин бўлса, тармоқдаги инвестиция жараёнлари шунчалик барқарор бўлади.

Динамик барқарорликнинг уч тури мавжуд:

– тизимнинг барқарор ривожланиши (барқарор ривожланиш) – натижани рухсат этилган минимал даражадан паст бўлмаган ва объектив равишда белгиланган максимал даражадан юқори бўлмаган мунтазам равишда ошириш;

– тизимнинг доимий барқарорлиги – эпизодик ва қисқа муддатли ўзгаришлар, шу жумладан, ижобий ўзгаришлар;

– тизимнинг гипербарқарорлиги – тизим ривожланиши учун жуда таъсирчан эмас, ўзгаришлар, шу жумладан, зарур бўлганларга паст мослашувчанлиги билан ажралиб туради.

Саноат тармоқларининг инвестицион салоҳиятини барқарорлик кўрсаткичларини таъминлаш орқали Навоий вилоятига айниқса, вилоятда фаолият юритаётган Навоий ЭИЗга инвестиция жалб қилиш учун унинг инвестицион жозибадорлигини ошириш мақсадга мувофиқ бўлиб, бунинг учун вилоятнинг инвестицион жозибадорлигини халқаро миқёсда қўллаиб келинаётган «McKinsey & Co.» услугиёти бўйича баҳолаш мақсадга мувофиқдир (3.4-расм).



3.4-расм. «McKinsey & Co.» услугиёти индикаторлари даражаси[104].

Халқаро амалиётда инвестицион муҳит жозибадорлиги «McKinsey & Co.» услугиёти асосида баҳолаш бўйича кенг тадқиқотлар олиб борилган. Унда 3 та асосий ўлчов индикаторидан фойдаланилиб таҳлил қилинади ва ҳар бир индикатор 10 балли шкала асосида баҳоланувчи омиллардан ташкил топади. (3.7-жадвал).

Мазкур услугиёт бўйича тармоқларнинг инвестицион жозибадорлиги индикаторлари матрицасининг баҳолаш кўрсат-



кичлари ва омиллари тўғрисида сўз борганда, учта индикаторлар, яъни тармоқнинг ривожланиш салоҳияти ва таркиби ҳамда тармоқ фаолиятига таъсир кўрсатувчи ташқи муҳит ва уларга мос омиллар назарда тутилади[105].

3.7-жадвал маълумотларига кўра, ҳозирги кунда Навоий вилояти иқтисодиётининг локомотиви бўлган саноат ва қурилиш тармоғининг инвестицион жозибadorлик даражаси 82,25 %ни(11-илова) ташкил этиши аниқланган бўлса, бошқа тармоқларга нисбатан қишлоқ хўжалиги иқтисодиётининг жозибadorлиги камроқ бўлиб, 65,2 %га(12-илова) тенг бўлган, вилоятда жозибadorлик даражасининг юқорилиги билан иккинчи ўринда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси бўлиб, 76,125% га (13-илова) ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасининг жозибadorлик даражаси 73,125 % га (14-илова)тенглиги аниқланди.

Ушбу усулдан фойдаланиш ҳар бир тармоқнинг салоҳияти, таркиби ва ташқи муҳит таъсири бўйича баҳолаш имконини ҳам беради.

«McKinsey & Co.» матрицаси бўйича аниқланган Навоий вилоятида иқтисодий тармоқларининг инвестицион муҳит жозибadorлиги даражалари бўйича маълумотлар билан хорижий ва маҳаллий инвесторларни ўз вақтида огоҳ этиш вилоятга бўлган инвесторлар қизиқишини уйғотиш билан бир вақтнинг ўзида хорижий инвестицияларни жалб қилиш имкониятини кенгайтиради.

**Навоий вилоятида иқтисодий тармоқларининг  
инвестицион муҳит жозибadorлиги даражалари<sup>44</sup>**

<b>Т/р</b>	<b>Индикаторлар</b>	<b>Са- ноат тар- моғи</b>	<b>Қи- шлоқ хўжа- лиги</b>	<b>Кичик бизнес</b>	<b>Хизмат кўрас- тиши соҳаси</b>
<b>1.</b>	<b>Салоҳият</b>				
1.1	Тармоқда ишлаб чиқариш динамикаси	9,0	7,85	9	9
1.2	Сўнгги 3 йилда янги ишлаб чиқариш лойиҳалари сони	10,125	5,55	6,75	5,625
1.3	Маҳаллий хомашё билан таъминланганлик	10,125	9,55	9	10,125
1.4	Тармоқнинг импортдаги улуши	9,0	6,75	7,875	7,875
<b>2.</b>	<b>Таркиб</b>				
2.1	Инфратузилмага кириш	8,0	7,0	8,0	6,0
2.2	Тармоқ технологик паркида эскирган ускуналар улуши	7,0	6,0	8,0	7,0
2.3	Умумий бандликда тармоқнинг улуши	7,0	5,0	6,0	7,0
2.4	ЯХМда тармоқнинг улуши	10,0	7,0	10,0	10,0
<b>3.</b>	<b>Ташқи муҳит</b>				
3.1	Жаҳон Банки «Doing Business» методикаси бўйича иқтисодий эркинлик баҳоси	3,0	3,0	3,0	3,0
3.2	Сиёсий ҳолат	5,0	4,0	5,0	4,0
3.3	Меҳнат бозоридаги таклиф	4,0	3,5	5,0	3,5
	<b>Жами</b>	<b>82,25</b>	<b>65,2</b>	<b>76,125</b>	<b>73,125</b>

<sup>44</sup> Статистик маълумотлар асосида муаллифлар томонидан тузилган.

Тадқиқотда келтирилган таклиф ва тавсиялардан мамлакат иқтисодиётида фойдаланиш истиқболларини аниқлаш мақсадида Навоий вилояти ялпи ҳудудий маҳсулоти ҳажмининг кўп омилли прогнози амалга оширилди. Унга кўра, Навоий вилояти ялпи ҳудудий маҳсулоти ўзгаришининг кўп омилли модели:

$$Y = \frac{X_1^{0,121} * X_3^{0,95} * e^{34,5}}{X_2^{5,704}} \quad (2.12^*)$$

ва танланган барча омилларнинг вақтга боғлиқ тенгламаларидан:

– асосий капиталга киритилган инвестициялар:

$$X_1 = -1175,4 + 770,1 * t;$$

– аҳоли бандлиги:  $X_2 = 338,6 + 3,9 * t;$

– аҳоли жон бошига умумий даромадлар

$X_3 = -1730,8 + 952,8 * t$  ҳамда  $t=20$  бўлган ҳолатдан бошлаб, ялпи ҳудудий маҳсулоти ўзгаришининг кўп омилли прогнози амалга оширамиз (3.8-жадвал).

3.8-жадвал

### Навоий вилояти ялпи ҳудудий маҳсулоти ўзгаришининг кўп омилли прогнози

Йиллар	Ялпи ички (ҳудудий) маҳсулот, млрд.сўм	Асосий капиталга киритилган инвестициялар, млрд.сўм	Аҳоли бандлиги, минг киши	Аҳоли жон бошига умумий даромадлар, минг сўм
2020	36936,4	14226,6	416,6	17325,2
2021	37087,5	14996,7	420,5	18278,0
2022	37149,3	15766,8	424,4	19230,8
2023	37131,7	16536,9	428,3	20183,6
2024	37543,3	17307,0	432,2	21136,4
2025	38892,0	18077,1	436,1	22089,2

Худуднинг иқтисодий тармоқларига инвестицияларни тўғри тақсимлаш ва улардан самарали фойдаланиш истиқболларини белгилаш ҳамда ушбу кутилаётган натижага эришиш учун стратегик режалар тузиб уни изчил амалга ошириш натижасида 2025 йилга бориб, Навоий вилояти асосий капиталига киритиладиган инвестициялар миқдори 18077,1 млрд. сўм, аҳоли бандлиги 436,1 минг нафарга ва Аҳоли жон бошига умумий даромадларини 22089,2 минг сўмга етказилиши натижасида Навоий вилояти ялпи ҳудудий маҳсулоти ҳажми 2019 йилга нисбатан мос равишда 6,0 %га ўсиб 38892,0 млрд. сўмга етиши кутилмоқда.

Инвестициялар тақсимоти ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг кўп омилли прогнози натижаларига кўра, иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш бўйича ислохотларни изчиллик билан оғишмай амалга оширилиши натижасида 2024 йилга бориб, Навоий вилояти асосий капиталига киритиладиган инвестициялар миқдори 18250,5 млрд. сўм ва ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмини 48091,6 млрд. сўмга етиб, 2019 йилга нисбатан мос равишда 32,7 ва 31,2 фоизга тенг.

Иқтисодиётга жалб қилинган инвестициялардан самарали фойдаланиш ва самарадорлигини оширишда иқтисодиёт тармоқларга инвестицияларни тақсимлашни эконометрик моделлаштириш услубиётини такомиллаштириш ноаниқлик шароитида инвестицияларни тармоқлар имкониятидан келиб чиқиб тўғри тақсимланишини, дефицит ва ошиқча маблағларни фойдасиз туриб қолишини олдини олишни таъминлайди. Шунингдек, инвестицияларни тармоқлараро тақсимлашнинг эконометрик моделлаштириш услубиётини такомиллаштириш тақсимланаётган инвестициядан самарали фойдаланишда юзага келадиган таваккалчилик ва хатарлилик даражаларини аниқлаш, тармоқлар фаолиятини барқарор ўсишини, глобал

рақобатбардошликка эришишини таъминлаш ҳамда инвестиция самарадорлигига таъсир этувчи омиллар таъсирини аниқлаш натижалари ва уларнинг ўзаро миқдорий боғланишларни аниқлаш стратегик қарорлар қабул қилишга асос бўлиб хизмат қилади.

Ҳозирги замон глобаллашув жараёнлари шунга олиб келдики, бунда нафақат мамлакат, балки унинг ҳудудлари ҳам рақобат субъектлари сифатида майдонга чиқадилар. Биринчи навбатда улар ўзларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига инвестицияларни жалб этиш учун рақобат курашига киришадилар. Ўзбекистон Республикасида инвестицион муҳит жозабдорлиги юқори бўлган ҳудуд сифатида Навоий вилояти майдонга чиқган. Айнан шу ҳудудлар зиммасига ички ва ташқи инвестицияларнинг асосий қисми тўғри келмоқда.

Ўз сарҳадларида стратегик ресурсларга эга бўлмаган ҳудудлар эса, янги иқтисодий ривожланиш йўллари қидириш ҳамда инвестицияларни жалб этишда самарали бошқарувни йўлга қўйиш талаб этади. Бундай ҳудудлар учун ушбу мушкул вазиятдан чиқишнинг ягона йўли – интеллект, билим, инновацияларга асосланган янги иқтисодиётни ривожлантиришдир.

Инновацияларни ривожлантириш асосида инвестицион жозибадорликни оширишнинг умумий модели 3.5-расмга кўра тавсия этилади. Ушбу модел инвестицион сиёсат механизмлари асосида ҳудудий инвестицион муҳит жозибадорлигини бошқаришнинг асосий омилларини ўзида ифода этади.

Юқори даромад олишнинг манбаи нафақат табиий ресурслардан фойдаланишдан рента олиш имконияти ёки жаҳонда юқори конъюнктурадан ўрин эгаллаш эвазидаги халқаро рақобатбардошлигини ошириш, шу билан бирга ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳисобига аҳоли турмуш фаровонлигини оширишни таъминлайди.


Бундай ёндашув қуйидаги асосий вазифаларни ажратиб олиш ва ҳал этилишини талаб қилади:

– Худуднинг иқтисодий ривожланишининг асосий драйвер соҳалари бўлган тармоқларни ривожлантириш, уларда инновацияларни жорий этиш, технологик инновацияларга қилинадиган харажатларни ошириш, худудий саноатда инновацион маҳсулотлар улушини ошириш;

– технологик укладнинг юқори технологик секторлари базис инновацияларини (био ва нанотехнологиялар, инсон капиталига инвестициялар, янги медицина, табиатдан фойдаланишнинг янги тизими ва бошқалар) шакллантириш ва ривожлантириш;

– давлат-хусусий шерикчилик воситаларидан фойдаланган ҳолда худудларнинг ўсиш кутбларини аниқлаш асосида махсус иқтисодий зоналар фаолиятини йўлга қўйиш, саноат кластерлари ва бошқалар тизимларни жорий этиш асосида инвестицион жозибадорликни ошириш орқали рақобатбардош институционал муҳитни яратиш.

Давлатдан ҳам ўз навбатида инновацияларни ҳар томонлама рағбатлантириш ва биринчи навбатда, уни молиявий қўллаб-қувватлаш талаб этилади. Давлат мамлакат инновацион тараққиёти учун муҳим заминни ҳозирлаши лозим: норматив-ҳуқуқий асосни тайёрлаш, инновацион инфратузилмани яратиш, фан равнақини қўллаб-қувватлаш ва ҳ.к. Бироқ, давлат ўзининг мазкур «янгича роли»да номарказлашган усулларга устуворлик бериши лозим, яъни «бозор иқтисодиётида ҳал қилувчи иштирокчи – тадбиркор» тамойилига риоя қилиши даркор. Шунини таъкидлаш жоизки, мамлакатнинг ҳар қайси худуди ҳозирги шароитда бозор муносабатларининг мустақил иштирокчиси ҳисобланиб ўзининг ички рақобатбардош устунликлари ҳисобига ўз инвестицион жозибадорлигини ошириб бормоғи лозим.



3.5-расм. *Инновацияларни ривожлантириш асосида инвестицион жозибадорликни оширишнинг умумий модели<sup>45</sup>.*

<sup>45</sup> Муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

### **3.4. Навоий вилоятининг инвестициявий салоҳиятини оширишда ҳудуд имиджини яратиш хусусиятлари**

Инвестициялар мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Уларнинг кўлами, таркиби ва самарадорлиги моҳиятига кўра миллий иқтисодиётнинг ҳолати, истиқболлари ва рақобатдошлигини белгилайди.

Жаҳон амалиётида бозор субъектларининг инновацион ривожланиш шароитида инвестицион имидж ҳудудлар иқтисодиётининг барқарор ривожланишининг энг муҳим манбаси бўлиб қолмоқда. Ҳудуднинг инвестицион жозибadorлиги инвестиция имиджини шакллантириш учун асос бўлиб, қуйидаги объектив омиллар билан тавсифланади: инвестиция муҳити, минтақанинг инфратузилмаси ва инвестицион салоҳияти. Инвестицион имиджнинг шаклланишига таъсир этувчи субъектив омилларга қуйидагилар киради: ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, уни тартибга солиш воситалари ва инвестицион рисклар, бизнес муҳитининг ижтимоий аҳамиятга эга тадбирларда иштироки, хайрия ҳомийлиги, интеллектуал ва илмий салоҳият. Инвестициявий жозибadorлик ва имидж биргаликда ҳудуднинг ҳар томонлама (микдорий ва сифат жиҳатдан) баҳосини акс эттиради.

Ҳудуднинг инвестиция имиджини шакллантириш давлат органлари, бизнес вакиллари, инвесторлар ва жамоатчилик учун ҳам муҳимдир. Бироқ, ҳокимият органлари ва минтақавий бошқарув тузилмалари ўртасидаги ташкилий, иқтисодий, ҳуқуқий, ахборот ва коммуникация муаммоларини ҳал қилишда мавжуд бўлган номувофиқлик ҳудуднинг ижобий инвестиция имиджини шакллантиришга, инвестициялар, меҳнат ресурслари ва бошқа ички ва ташқи таъсирлар рақобатдош



устунликларни яратишга тўсқинлик қилади, бу эса ушбу капиталга муҳтож ҳудудларда ўзига хос бўлган имидж яратиш каби муаммони ҳал этишнинг илмий-назарий жиҳатларини ўрганишни тақозо этади.

Худудий маркетинг соҳасидаги хорижий ва маҳаллий илмий тадқиқотлар манбаларининг таҳлили шуни кўрсатадики, ҳозирги вақтда ҳудуднинг инвестиция имиджини шакллантириш концепцияси билан боғлиқ масалалар етарли даражада ўрганилмаган. Шунингдек, инвестор учун ҳудуднинг инвестициявий ҳолати тўғрисида етарлича маълумот олишга имкон берадиган комплекс услубий ёндашувлар мавжуд эмас.

Ўзбекистонда олиб борилаётган илмий тадқиқотлар ишларида ҳам ҳудудлар маркетингининг асосий таркибий қисми сифатида инвестицион имидж яратиш ва унинг концепциялари деярли ўрганилмаган.

Навоий вилояти республикада «инвесторларни тортувчи» энг ривожланган ҳудудлардан бири ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, Навоий вилояти улкан иқтисодий салоҳияти билан республикада муҳим аҳамиятга эга. Навоий вилоятида инвестицион имиджни яратиш орқали инвесторларни жалб этувчанлигини ошириш мумкинлиги ушбу тадқиқотнинг долзарблигини белгилайди.

Худудий маркетинг назарияларида «ҳудуд имиджи»ни яратишнинг илмий-назарий жиҳатлари бир қатор омиллар, жумладан: М.В. Яковлев[106], Вазенина И.С.[107], Визгалов Д.[108], Barnes J.G.[109], Беляков С.А.[110], С.Г. Вазенинларнинг [111] илмий тадқиқотларида кенг ёритиб ўтилган.

А.П. Панкрухин томонидан ҳудудий маркетинг назарияларида мамлакат имиджига айнан шу ҳудуднинг инвестицион ҳолатини ифодаловчиси сифатида қарайди, яъни «донор»

ёки «қабул» қилувчи[112]. Е.З. Яшина томонидан эса «худуд имиджи» худуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган восита сифатида кўриб чиқилиши таклиф этилади, бунда объект субъект томонидан ижобий нуқтаи назардан қаралишига эътибор берилади[113].

Худуднинг имиджи жамоатчилик томонидан худудни эътироф этилиши тушунилади. Мақсадли шакллантирилган имидж эса худда жамоатчилик билан ишлаш кучи сифатида қаралади. Турли маркетинг технологияларидан фойдаланган ҳолда худуднинг имиджини шакллантириш технологияларининг умумлаштирилган таснифини Калиева ҳамда А.П. Панкрухинлар томонидан тизимлаштирилган.[114]

П.Р. Катарина томонидан олиб борилган тадқиқотлар мамлакат имиджини яратиш ва илгари суришнинг 4 тоифали моделини таклиф этилади.[115] Бироқ, ушбу тадқиқотда имидж яратиш мамлакат учун товарлар ва хизматларни халқаро бозорлардаги нуфузини оширишга йўналтирилганлик жиҳатидан ўрганилган бўлиб, инвесторларни жалб қилишга қаратилган йўналишларга етарлича эътибор қаратилмаган.

С.М. Шевчук, В.В. Добрианска ва бошқалар[116] томонидан амалга оширилган тадқиқотларда Украина ва Польша мамлакатларида худуд имидж шаклланишидаги фарқли хусусиятлар ўрганилган ва инвестицион жозибадорликдаги фарқлар аниқланган. Ушбу тадқиқотлардан худуд имиджи рақобатда устунликни таъминловчи восита сифатида қаралган.

Худудий имидж яратиш мамлакатнинг ресурс салоҳияти ва экспорт имкониятларига боғлиқлик назариялари Qin Suna ва Paswan Audhesh[117] каби олимларнинг тадқиқотларида ўрганилган. Ушбу тақикотда худуд имиджини яратишда маркетинг

коммуникация воситалари энг асосий омил эканлиги асосланган.

Хорижий инвестицияларни жалб қилишда маркетингнинг аҳамияти ва ҳудуд имиджини яратишнинг илмий-назарий асослари Wells, Louis T. томонидан тадқиқ этилган. Ушбу тадқиқотда хорижий инвестицияларни жалб қилишда ҳудудий маркетинг агентликларининг ўрни ва роли, уларни бошқаришнинг илмий-назарий жиҳатлари ёритилган.[118]

Ҳудуднинг имиджини шаклланишида маркетинг технологиялари ҳамда ва ҳудудларнинг ҳаётгийлик даври ўртасидаги боғлиқликлар М.Бачерикова тадқиқотларида ўрганилган. Тадқиқотда ҳудуд имиджи бўйича 2014-2016 йилларда давомида чоп этилган жами 350 га яқин илмий мақолалар таҳлиллари асосида ҳудуднинг инвестицион имиджини яратишнинг маркетинг концепциясини ишлаб чиқилган.[119]

Инвестицион жозибадорликни таъминлашга йўналтирилган ҳудуд имиджини шакллантиришнинг илмий, услубий ва амалий жиҳатлари Ю.И.Фирсов[120] тадқиқотларида кенг ўрганилган. Ушбу тадқиқотда минтақавий ҳокимият органлари ва бошқарув тузилмаларининг имидж яратиш жараёнидаги вазифалари белгилаб берилган.

Умуман олганда, ҳудуднинг инвестицион имиджи – ҳудуднинг инвестицион муҳити ва салоҳияти тўғрисида сармоядорлар ўртасида юзага келадиган баҳолари тўғрисидаги фикрлар тўпламидир, бу янги инвесторларнинг келишини осонлаштиради, мавжуд инвесторларнинг инвестициялар ҳажмини оширади, мавжуд инвесторларнинг кетишини олдини олади.

Ҳудудий маркетинг соҳасидаги хорижий ва маҳаллий илмий тадқиқотлар манбаларининг таҳлили шуни кўрсатадики, ҳудудлар маркетингининг асосий таркибий қисми сифатида

инвестицион имидж концепциясининг моҳиятини аниқлаш соҳаси деярли ўрганилмаган.

Ушбу ҳолатлар ҳудуднинг инвестицион имиджини шакллантириш ва уни баҳолашнинг назарий асосларни ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишни талаб қилади.

Ҳудуднинг инвестицион жозибадорлигини оширишга йўналтирилган имидж яратишда уч босқичли тизимнинг асосий элементларини ажратиб кўрсатишга имкон беради.

Биринчи даража – бу инвестиция бозорининг ҳолатини, унга талаб ва таклифнинг шаклланишини, унинг субъектлари ва объектлар, молиявий, меҳнат ва ишлаб чиқариш ресурсларининг мавжудлиги, шунингдек минтақанинг инвестицион имиджини шаклланиш ҳолати.

Иккинчи даража ҳудуднинг инвестицион жозибадорлиги билан белгиланади, у инвестиция муҳити, инвестицион салоҳият, инвестиция манбалари, устуворликлар ва рисклардан иборат. Инвестицион жозибадорлик ўз ҳудудининг ўзига хос имидж ва иқтисодий ривожланишнинг ўзига хос шакли билан белгиланувчи ижтимоий-иқтисодий, инфратузилма ва географик омиллар нуқтаи назаридан тавсифланади. Шу муносабат билан, инвестициялар соҳасидаги ҳудуднинг жозибадорлиги амалга оширилаётган инвестиция сиёсати билан, яъни унинг тизимининг биринчи даражаси билан чамбарчас боғлиқ.

Учинчи даражанинг асосий элементи ҳудуднинг инвестиция имиджини яратишга таъсир қилувчи ташкилий, иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларни аниқлашдир. Инвестор томонидан инвестицияларни амалга ошириш учун ҳудуднинг баҳолалиши ва қабул қилиниши инвестицион ривожланишдаги муҳим омиллардир.


Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиққанда худуд имиджини шаклантириш йўналишлари ишлаб чиқишнинг дастлабки босқичида худуднинг сифат тасвири баҳоланади, шундан сўнг микдорий кўрсаткичлари таҳлил қилинади, улар қуйидагича тавсифланади:

1. Вилоятнинг инфратузилмаси даражаси;
  2. Вилоятнинг иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари;
  3. Ўсиш кўрсаткичлари ва ишлаб чиқариш ҳажми бўйича худуднинг рақобатбардошлилиги;
  4. Саноат ишлаб чиқариш таркиби;
  5. Худуднинг саноат салоҳиятидан фойдаланиш даражаси;
- Худуднинг инвестицион жозибадорлик ҳолатини қуйидаги кўрсаткичлар орқали аниқланади: худуднинг инвестицион жозибадорлиги ҳолати (баҳолаш кўрсаткичлари); инвесторлар имтиёзлари, шартлари ва талаблари; давлат, бизнес ва жамоатчиликнинг ўзаро таъсир механизми.

Илмий адабиётларда худуд имиджи истеъмолчилар нуқтаи назарига кўра баҳолаш моделлари кенг тарқалган. Жумладан, М. Фишбейн худуд имиджини баҳолашда объектга бўлган муносабатни, ушбу объектнинг атрибутларининг тахмин қилинган қийматларига нисбатан истеъмолчилар фикрлари ўртасидаги фарқлар йиғиндисига кўра аниқлашни таклиф этади. М. Фишбейннинг кўп омилли модели афзалликлар ва камчиликларга эга. Фишбейннинг кўп факторли моделининг афзаллиги унинг соддалиги бўлса, камчилиги эса уни фақат бир нечта объектларга нисбатан истеъмолчиларнинг муносабатларини таққослаш учунгина ишлатиш мумкинлигидир. Р.Д. Блэкуэлл [121] худуд имиджини аниқлашда кўп атрибутли «Идеал нуқта» моделини таклиф этади. Унинг асосий устунлиги битта объектнинг идеал тасвир билан

мувофиқлигини баҳолаш учун ишлатиш имкониятидир ва моделнинг асосий камчиликлари уни истеъмолчиларнинг турли гуруҳлари учун фойдаланишга мослаштириш қийинлигидир[121].

Худуд имиджини баҳолашда резидент ва норезидентлар учун ўзига хос омилларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ. Бу борадаги илк тадқиқотлар А. Herrero[123] томонидан олиб борилган бўлиб, резидент бўлмаганлар учун худуд имиджини баҳолаш индикаторларини ишлаб чиққан. Асосий индикаторлар сифатида инвесторларнинг минтақага содиқлиги; худудда сезиладиган сифат; худуддан хабардорлик; бутун мамлакат имиджи кабилардан фойдаланган.



3.6-расм. Навоий вилоятида асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмининг ўсиши<sup>46</sup>, фоизда

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, «инвестицион имидж» худуднинг маълум бир қиёфасини акс эттирувчи омиллар билан боғлиқ бўлган муносабатлар яъни, худуднинг инвестицион жозибadorлиги (кўрсаткичлар тизими), афзалликлар, инвесторларга қўйилган талаблар ва яратилган


<sup>46</sup> Навоий вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

шароитлар каби омилларни камраб олувчи комплекс кўрсаткичлар тизими асосида аниқлаш мақсадга мувофиқдир.

Навоий вилоятида амалга оширилаётган инвестиция сиёсатининг натижалари 2010-2018 йилларда унинг ҳажмини 11,5 баробарга (республика кўрсаткичи 6,7 баробар), аҳоли жон бошига эса 10,3 баробарга (республика кўрсаткичи 6,4 баробар) оширишга имкон берган (3.6-расм).

Вилоятда ялпи инвестициялар ҳажмининг юқори суръатларда ўсиб бораётганлигига қарамасдан, улар таркибидаги хорижий инвестиция ва кредитлар ҳажмининг ўсиши 2012 йилдан 2018 йилгача бўлган даврда пасайиш тенденцияси кузатилган бўлса, 2019 йилда жалб этилган 17 775,3 млрд сўм инвестицияларнинг қарийб 38,8 фоизини хорижий инвестициялар ташкил этди. (3.7-расм)

Вилоятда 2019 йилда асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар умумий ҳажмининг 16 164,7 млрд. сўми ёки 90,9 фоизи ишлаб чиқариш тармоқларига, 1 610,6 млрд. Сўм ёки 9,1 фоизи ноишлаб чиқариш тармоқларига йўналтирилган.



3.7-расм. Асосий капиталга киритилган инвестицияларда хорижий инвестициялар улуши, %

Кўриб ўтилган ҳудуд инвестицион имидж шаллантиришнинг тўлақонли кўриниши имиджни ошириш йўналишлари, яъни: ижтимоий, иқтисодий, сиёсий жараён, қайсики мақсадли аудиторияга яъни инвесторга ҳудуд бўйича ижобий фикр уйғотишга ҳисса қўшишувчи стратегиялар ҳисобланади [124].

Ушбу ҳолатдан келиб чиқиб, инвестор учун ҳудуднинг жозибадорлик хусусиятлари қуйидагиларда ўз аксини топади: иқтисодий, ҳуқуқий, ҳудуднинг молиявий таъсирларнинг, инфратузилмалар, ҳамкорлар билан муносабатлар сифати ва бошқарлар.

Ҳудуд имиджини шаклланишида ҳудуднинг маркетинг салоҳияти ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган кўрсаткич ҳисобланади. Бу ўзига хосликлар эса ҳудуднинг расмий хусусиятлари, ҳудуд бренди, бренднинг таниқлилиги ва бошқалардан иборат бўлиб муносабатлар ҳисобланади.

Навоий вилоятида инвестицион имиджини шакллантириш стратегиясини ишлаб чиқиш бўйича мақсадли дастурлар натижалари хорижий инвесторларни жалб қилишнинг стратегик йўналиш ҳисобланади. Уни амалга ошириш ҳудудий маркетинг стратегияларини шакллантириш талаб этилади.

Навоий вилоятининг маркетинг салоҳияти инвесторларни фаол жалб қилиш ва инвестицион фаолиятни бошқариш талабларига етарлича жавоб бермайди. Ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига салбий таъсирларни олдини олиш ёки зарарсизлантириш учун олдиндан етакчи кўрсаткичлар тўпламини шакллантириш асосида ҳудуднинг маркетинг салоҳиятини бошқариш тизимини яратиш бўйича ишларни жадаллаштириш лозим. Бунда маркетинг жараёнлари натижаларини тавсифловчи кўрсаткичлар динамикасини аниқроқ прогноз қилиш талаб этилади. Минтақавий тизимни жараёнга йўналтирилган маркетинг менежментига ўтиш қуйидагиларни ўз



ичига олади: жараёнларни аниқлаш, уларни ҳужжатлаштириш ва кетма-кетлик ва ўзаро таъсирни аниқлаш.

Худудларнинг инвестицион салоҳиятини ўсишига худуд имиджини таъсирининг концентрацияси худудий маркетинг мажмуасининг муҳим таркибий қисми сифатида қаралиши лозим. Уларнинг ҳаракатлари худудларнинг стратегик ривожланишини тартибга солишда имидж яратиш нафақат инвесторлар учун балки, худуд аҳолисининг ҳаёт сифатини оширишга йўналтирилган бўлиши лозим. Уни амалга оширишнинг асосий жараёни қуйидагилардан иборат:

1. Худудларнинг моддий ва номоддий ресурслари ва инвестицион салоҳиятини таҳлил қилиш ва баҳолаш.-

2. Худудларни ривожлантириш стратегиясини аниқлаш ва танлаш.

3. Худудий маркетинг стратегиялари ва стратегияларини ишлаб чиқиш худудни аниқлаш.

4. Худудларни брендинг стратегиясини ишлаб чиқиш.

5. Аҳоли худудларини ривожлантириш, ишбилармонлик самарадорлиги ва инвестиция таркибий қисмини фаоллаштириш, худудларнинг сайёҳлик жозибадорлигини ошириш, ҳоқимият идораларининг самарали ва мақсадли иши учун режа ва бюджетни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.

Худуднинг ижобий инвестицион имиджини яратиш учун зарур бўлган ҳаракатларнинг тўлиқлиги ва миқёсини баҳолашга имкон берадиган механизм 3.8-расмга кўра тавсия этилади. Бунда иккита асосий йўналиш мавжуд: географик ва тематик имидж яратиш. Худуд имиджини яратишнинг таклиф этилган тизими худуд имиджининг платформаси деб номланади.

Инвестицион имиджни шакллантиришнинг биринчи босқичида маркетинг тадқиқотлари олиб борилади. Марке-

тинг тадқиқотлари натижалари асосида ва тўпланган маълумотлар асосида ҳудуд инвестицион имиджини шакллантириш муаммолари аниқлаш кўзда тутилади. Рақобатчиларни ўрганиш эса ҳудуд имиджини шакллантириш борасидаги амалга ошириладиган лойиҳани ўзгартириши мумкинлини ҳисобга олиш лозим.

Кейинги босқич лойиҳани ишлаб чиқиш ва тасдиқлашни ўз ичига олувчи тадбирлардан иборатдир. Ушбу босқичда ҳудуд имиджини шакллантиришнинг лойиҳаси ишлаб чиқилиб, техник асосланган ҳолда йўл харитаси белгиланади. Лойиҳани амалга ошириш бўйича ишлаб чиқилган ва қабул қилинган ҳукумат қарорлари уни амалга оширишни ва мониторинг қилиш тизимини ўз ичига олиши ва асос бўлиб хизмат қилиши лозим.

Яқуний босқич ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва инвестицияларни жалб қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, лойиҳа самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолашдан иборат. Шунингдек, муаммоли вазиятларни қайта кўриб чиқиш ва сабабларини аниқлаш, жалб этилаётган инвестицияларнинг ҳудуд ривожланишига таъсирини аниқлаш ва тегишли чора-тадбирларни кўришни назарда тутади. Бунинг учун баҳолаш ва таҳлил қилиш учун зурур бўлган маълумотлар манбаи, режаларни мақсадлилиги ва уларнинг натижалари таққосланади.

Инвестицион маркетингнинг асосий мақсади инвестициялар объекти бўйича зарурий бозор ахборотларини шакллантириш, иқтисодий ва ижтимоий самарадорликни таъминлашга қаратилган капиталдан мақсадли фойдаланиш асосида бозорда рақобатбардошликни таъминлашдир.

Ташқи ва ички инвесторларни жалб қилиш;  
 Капитал танқислигига барҳам бериш;  
 Инвесторларда ҳудуднинг ўзига хослиги ҳақидаги тасаввурларини шакллантириш;  
 ОАВда ҳудуд ва унинг имиджини тан олишни ошириш

### ҲУДУДНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ИМИДЖИНИ ЯРАТИШ ВЕКТОРЛАРИ



3.8-расм. Навоий вилоятининг ижобий инвестицион имиджини яратишга имкон берадиган ташикий механизми<sup>47</sup>

<sup>47</sup> Муаллифлар ишланмаси

Навоий вилоятида инвестицияларни жалб этиш бўйича халқаро стратегик йўналишларга мос ҳолда 2019-2020 йилларга мўлжалланган инвестицион дастур белгиланган. Стратегик дастурий ҳужжатдаги асосий ўсиш нуқталари умумий қиймати 26,3 триллион сўмлик 511 та инвестиция лойиҳасини ўз ичига олади. Ушбу дастур доирасида амалга оширилаётган лойиҳалар вилоят имиджини янада оширишга хизмат қилади. Фикримизча, вилоятда қабул қилинаётган дастурларда «имиж яратиш стратегияси»га алоҳида аҳамият қаратилиши лозим.

Навоий вилоятида инвестицион жозибадорлигини оширишга қаратилган имидж стратегиясининг асосий устуворликлари сифатида қуйидагиларни таъкидлаш мумкин: вилоятнинг ресурс салоҳияти бошқа вилоятларга нисбатан устунлиги, Навоий вилояти «Эркин иқтисодий зона» сифатида эътироф этилиши, бой табиий иқлим шароитлари ва бошқалар.

Ушбу ҳолатлар вилоятнинг инновацион ривожланишини таъминлаш учун инвестиция, маркетинг, имидж ва инновация каби идеалогияни амалий жараёнларга киритиш бўйича норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш мақсадга мувофиқ.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Навоий вилоятининг инвестицион имиджини шакллантириш ва маркетинг коммуникацияларидан самарали фойдаланиш бўйича қуйидагилар амалга оширилиши лозим:

– вилоят ҳокимлигининг расмий веб сайтида инвестиция, инновация, бренд, ҳудудий имидж бўлимини ташкил этиш ва унга бу борадаги маълумотларни жойлаш;

– вилоятнинг мавжуд имиджини акс эттирувчи босма ва электрон ахборот материалларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

– инвестицион лойиҳалар бўйича махсус кўрсатувлар, дастурлар ташкил, акциялар ва танловларини ташкил этиш;

– вилоятнинг имидж салоҳиятини республика ва халқаро даражада тарғиб қилиш;

– халқаро ва минтақавий ва регионал ўтказиладиган тадбирларда вилоятнинг имиджини оширишни тарғиб қилишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

– инвестицион лойиҳалар ташаббускорларини ва фаолият субъектларини ахборотлар билан таъминлаш ва таъминлашга кўмаклашиш;

– инвестицион фаолиятни амалга оширишда қилаётган ва амалга оширилаётган ишларни оммавий ахборот воситалари орқали кенг жамоатчиликка етказиш.

Юқоридагилар белгиланган вазифалар доирасида Навоий вилоятининг инновацион ривожлантиришга қаратилган маркетинг стратегияси бўлиб, бу бўйича махсус қарор лойиҳасини тайёрлаш ва уни тасдиққа киритилиши мақсадга мувофиқ.

### **III боб бўйича хулосалар:**

– ЭИЗда мамлакатнинг бошқа ҳудудларида амал қилмайдиган имтиёз ва рағбатлантиришлар тизимини жорий этиш орқали ЭИЗга ташқи дунё билан юқори даражада иқтисодий алоқада бўлиш имконини берадиган божхона, солиқ ва инвестицион режимларни қўллашга қаратилган давлат сиёсати зонал сиёсат сифатида қаралади;


– Жаҳоннинг иқтисодий ривожланишига ЭИЗлар кучли таъсир кўрсатаётганлиги куйидагиларда намоён бўлади: чет эллик инвесторлар ЭИЗларга замонавий технологияларни олиб келади, ишлаб чиқариш жараёнига зарур бўлган янги бошқарув усулларини қўллайди, янги иш ўринлари яратилади, малакали мутахассислар шакллантирилиб, маҳаллий ишчи

кучи замонавий техникадан фойдаланиши натижасида янги меҳнат услубларини ўзлаштиради. Бундай ҳудудларда ишлаб чиқариш сарф-харажатлари, хомашё ва материаллар олиб кириш билан боғлиқ солиқ ва божлар йўқлиги ишчи кучининг нисбатан арзонлиги ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархини пасайтириб, унинг рақобатбардошлигини оширади, ҳудудларда тадбиркорлик фаолиятининг янада жонланиши, экспорт салоҳиятининг ошиши кабилар ҳисобига иқтисодиётнинг маълум тармоқ ва соҳалари ривожланишига кўмаклашади;

– баланслашган ҳудудий инвестицион сиёсатни шакллантиришнинг стратегик вазифаларини ҳал этиш мақсадида ҳудуд ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш орқали инвестицион муҳит жозибadorлигини бошқаришнинг махсус моделига айнан тизим сифатида ёндашувгина оптимал бошқарув қарорларини қабул қилишга, давлат, ЭИЗ дирекцияси, инвесторлар харажатларини камайтиришга ва манфаатлар муштараклигини таъминлашга замин яратади;

– инвестицион муҳит жозибadorлигини самарали бошқаришнинг асосий йўналиш ва истиқболларини илмий асослаш нафақат ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш орқали таъминланади, балки шу билан бирга, ҳудуд учун аҳамиятли бўлган иқтисодиёт тармоғи инвестицион салоҳиятидан самарали фойдаланиш йўллари кидириб топишни ҳам талаб этади;

– саноат тармоғининг инвестицион салоҳиятини баҳолашда инвестицион салоҳиятни амалга ошириш натижасида инвестицион ресурслар кўрсаткичлари, инвестицион ресурслардан фойдаланиш самарadorлиги кўрсаткичлари ва тармоқдаги инвестицион фаоллик кўрсаткичларини киритиш мақсадга мувофиқдир;



– инвестицион барқарорликка эришишни баҳолаш инвестицион фаолликнинг динамик қатор кўрсаткичлари даражасидаги тебранишлар ва маълум ўзгариш тенденцияси мавжудлиги, яъни тенденция барқарорлигини ўзгартириш билан белгиланади.

## ХУЛОСА

Мазкур тадқиқот иши доирасида қуйидаги хулосаларни шакллантиришга муваффақ бўлинди:

1. Инвестицион муҳит жозибадорлиги мамлакатга инвестицияларнинг оқимини белгиловчи, таъминловчи, кафолатловчи ва инвестиция фаоллиги билан баҳоланадиган объектив иқтисодий, ижтимоий ва табиий асослар, воситалар, имкониятлар ва чекловларнинг йиғиндисидир. Менежмент функцияларини (таҳлил қилиш, башорат қилиш, режалаштириш, ташкил этиш, рағбатлантириш, тартибга солиш, назорат қилиш) тизимли равишда изчил бажарилиши асосида инвестиция фаолиятини муваффақиятли ва самарали амалга ошириш учун ҳудуднинг инвестицион жозибадорлигини бошқариш тизимини яратиш талаб этилади.

2. Ўзбекистоннинг инвестицион жозибадорлигини бошқаришнинг замонавий менежменти ва уни амалга ошириш механизмлари етарлича ўрганилмаганлиги ва бунга ҳудудларда алоҳида эътибор қаратилмаганлиги, ҳудудлар инвестицион жозибадорлигини оширишга қаратилган менежмент тизимини илмий асосларини, инвестицион муҳит жозибадорлигини баҳолашнинг услубий асосларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

3. Эркин иқтисодий зоналарнинг инвестицион салоҳияти, инвестицион муҳит жозибадорлигини бошқарув самарадорлиги даражасини инвестицион фаоллик ва жалб этилган сармоянинг даромадлилик кўрсаткичлари асосида рейтинг баҳо-



лаш тизимидан фойдаланиш инвестицион жозибадорлигини оширишга йўналтирилган стратегик менежмент вазифаларини ҳамда инвестицион имкониятлари аниқлашга имкон беради.

4. Навоий вилоятининг инвестицион салоҳияти бўйича амалга оширилган SWOT-таҳлили асосида таҳлил қилиш, ЭИЗларнинг ишбилармонлик муҳитини соғломлаштириш, бизнесни юритиш бўйича қулай шарт-шароитларни яратиш бўйича қарор қабул қилиш имконини беради.

5. Худудларнинг инвестицион салоҳиятини баҳолаш бўйича услубиёт худуднинг инвестицион жозибадорлиги ва ундаги инвестицион фаоллик ўртасидаги объектив ҳолда мавжуд бўлган ўзаро алоқадорликни ҳисобга олади, бу эса, инвестицион иқлимни яхшилаш бўйича худудий дастурларни ишлаб чиқишдаги муаммолар ва мезонларни аниқлашга имкон беради.

6. Худуд ижтимоий-иқтисодий тараққиёти барқарорлигига инвестицион муҳит жозибадорлиги таъсирининг эконометрик таҳлили ноаниқлик шароитида инвестицияларни худудлар ва улардаги иқтисодиёт тармоқлари салоҳиятидан келиб чиқиб тўғри тақсимланишини, дефицит ва ортиқча маблағларни фойдасиз туриб қолишининг олдини олишни таъминлайди.

7. Эркин иқтисодий зоналарда потенциал ва истиқболли инвесторларнинг баланслашган инвестицион сиёсатни шакллантиришда «инвестицион мавқеи»ни оширишнинг риск-менежмент стратегиясидан фойдаланиш инвесторларнинг истиқболдаги инвестицион мажбуриятларини амалга оширишни қўшимча мотивациялаш билан бирга, уларни инвестицион фаолиятига таъсир этувчи экзоген ва эндоген омилларнинг салбий таъсиридан ҳимояланиш, натижада инвестицион лойиҳалар иштирокчиларининг бирлашуви асосида синергия самарасига эришиш имконини беради.

8. Инвестицион жозибаторликни оширишнинг муҳим йўналиши – инвестицион муҳит жозибаторлигини самарали бошқаришга қаратилган самарали тадбирларга оид зонал сиёсат Концепцияси (ЗСК)ни ишлаб чиқишдан иборатдир.

9. Ўзбекистон Республикаси ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини инобатга олган ҳолда вилоят ҳокимликларининг Зонал сиёсат концепциясига «макон инвестицион паспорти ва харитаси»ни киритилиши йиллик инвестиция дастурлари асосида амалга ошириладиган тезкор тадбирлар режасини ишлаб чиқишда, Давлат статистика қўмитаси томонидан ҳар бир ҳудуднинг инвестицион муҳит жозибаторлиги бўйича «Йиллик статистик харитаси»ни эълон қилишнинг самарали механизми сифатида қаралиши лозим.

10. 2020-2030 йилларда Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида инвестицион муҳит жозибаторлигини самарали бошқаришга қаратилган самарали тадбирларга оид зонал сиёсат концепциясидан фойдаланиш ижтимоий-иқтисодий жараёнлардаги жорий ва тезкор бошқарувни ҳудуд инвестицион жозибаторлигини оширишнинг ўрта ва узоқ муддатли вазифаларига бўйсундириш имконини беради.

11. Ҳудудларда инновацион-инвестицион ўсиш нуқтаи назаридан инвестицияларни моддий, техник, иқтисодий ва илмий манфаатларнинг истеъмолчилиқ самарасини таъминлаб берувчи фойдали фаолиятни амалга ошириш бўйича глобаллашув ва иқтисодиётнинг эркинлашувидаги объектив жараёнлар сифатида ўрганиш мақсадга мувофиқ.

12. Навоий вилояти ижтимоий-иқтисодий тараққиёти барқарорлигига инвестицион муҳит жозибаторлиги таъсирининг эконометрик таҳлили натижалари шуни асосламоқдаки, асосий капиталга инвестиция 1 млрд. сўмга оширилса, ялпи ҳудудий маҳсулот қўшимча 314,14 млн. сўмга ва аҳоли жон

бошига умумий даромадлар минг сўмга оширилса, 2,03 млрд. сўмга ошади. Навоий вилоятида иш ўринларини яратиш мақсадларида жалб этилаётган инвестицион лойиҳалардан четланиб, асосий эътиборни инновацион-инвестицион лойиҳаларга қаратилиши талаб этилади.

13. Навоий вилоятида инновацион-инвестицион ривожланиш концепциясининг шаклланишида икки асосий ёндашув ҳисобланган инвестицион қўйилмаларнинг хусусиятлари натижавийлиги ҳамда инновацион ўсишга эришиш корхоналарнинг стратегияларини амалга ошириш жараёнларидаги тактик мақсадларни асослаш, бозорни ривожлантиришнинг ўзига хос томонларини белгилашга имконият яратади.

14. Навоий ЭИЗда инвестицион жозибадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари сифатида «инвестицион риск-менежменти»ни шакллантириш, ҳудуднинг янги инвестицион имкониятларини ошириш, инвесторларга хизмат кўрсатишни ривожлантириш, ҳудуд геологик салоҳияти ва қайта ишлашнинг инновацион технологик имкониятларини кенгайтириш, иқтисодий ривожланиш моделларини инновацион-инвестицион ривожланиш моделлари самарали фаолияти тамойиллари асосида ташкил этиш асосини яратиш имконини беради.

15. Навоий ЭИЗнинг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган инновацион-инвестицион салоҳияти, глобал стратегиялари ва инвестицион менежмент имкониятларининг ўзаро боғлиқ схемаси, шунингдек, уни амалга оширишнинг иқтисодий таснифидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

16. «Навоий» ЭИЗнинг 2030 йилгача ЯҲМдаги улуши 12,3 фоизга саноат маҳсулотларидаги улуши 11,54 фоизга ошиши прогноз моделлари асосламоқда. «Навоий» ЭИЗининг инвестицион жозибадорликни самарали бошқарув ва инвести-

цион салоҳиятига таъсир этувчи омиллардан янада самарали фойдаланиш эвазига 2020-2030 йилларда «Навоий» ЭИЗнинг улушини қарийб 3,45 марта вилоятида ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотларининг улуши 2,1 марта ўсиши таъминланади.

17. Навоий вилояти иқтисодиётининг тармоқларини «McKinsey & Co.» матричасидан фойдаланиш асосида амалга оширилган таҳлил натижалари саноат ва қурилиш тармоғининг инвестицион жозибадорлик даражаси 82,25 %ни, қишлоқ хўжалигининг жозибадорлиги 65,2 %га, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси 76,125% га ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаси 73,125 % га тенглиги аниқланган. Ушбу усулдан фойдаланиш инвестицион ресурсларни соҳа ва тармоқларга самарали тақсимлашни ва инвестицион лойиҳаларини оқилона жойлашувини таъминлайди.

18. Навоий вилоятининг асосий капиталига киритиладиган инвестициялар миқдори амалдаги ўсиш тенденциялари бўйича 2025 йилга бориб 18077,1 млрд. сўм, аҳоли бандлиги 436,1 минг нафарга ва аҳоли жон бошига умумий даромадларини 22089,2 минг сўмга, ялпи ҳудудий маҳсулоти ҳажми 38892,0 млрд. сўмга етиши кутилмоқда.

19. Навоий ЭИЗ инвестицияларни жалб этишга қаратилган самарали инвестицион менеджмент стратегияларидан самарали фойдаланишни тақозо этмоқда ва унинг мазмунига кўра жалб этилаётган ҳар қандай инвестиция ҳудуд аҳолиси ва унинг эҳтиёжларини самарали қондириш, турмуш даражасини ошириш, аҳолининг реал даромадлари кўпайтириш, иш билан бандликни таъминлашга йўналтирилиши лозим.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. World Investment Report 2020. International Production Beyond the Pandemic. United Nations, Geneva, 2020.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 майдаги «Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурини шакллантириш ва амалга оширишнинг сифат жиҳатидан янги тизимга ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5717-сон Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.05.2019 й., 06/19/5717/3132-сон; 18.08.2020 й., 06/20/6042/1190-сон.
3. Шумпетер Й. Теория экономического развития / Пер. с нем.: – М.: Прогресс, 1982 г. – 455 с.;
4. Hayek F.A. Individualism and Economic Order / F.A. Hayek. – Chicago: Univ. of Chicago Press, 1948;
5. Портер М. Международная конкуренция: Пер. с англ. / Под ред. В.Д. Щетинина. – М.: Международные отношения, 1993 г. – 886 с.;
6. Krugman P. Geography and Trade. Cambridge: The MIT Press, 1992;
7. Fujita M., Krugman P., Venables A.J. The Spatial Economy: Cities, Regions and International Trade. – The MIT Press, 2001. P. 384.;
8. Moore M., Schmitz H. Idealism, realism and the investment climate in developing countries- Sussex: Institute of Development Studies, 2016 – p.22.;
9. Mahn K.D. The Impact of Sustainable Investment Strategies // Institutional Investor Journal. 2016. Vol. 25, no. 2. P. 96-102.;

10. Liu Yu-Hong, Jiang I-Ming. Optimal proportion decision-making for two stages investment- North American Journal of Economics and Finance 48(2019) 776-785, [www.elsevier.com/locate/najef](http://www.elsevier.com/locate/najef);

11. James R. Hines Jr, Jongsang Park Investment ramifications of distortionary tax subsidies-Journal of Public Economics 172 (2019) 36–51, [www.elsevier.com/locate/jpube](http://www.elsevier.com/locate/jpube).

12. Бияков О.А. Региональное экономическое пространство: измерение использования потенциала. Автореф. дис. Д.э.н. – Кемерово, 2005.-42с;

13. Гранберг А.Г. О программе фундаментальных исследований пространственного развития России. //Регион: экономика и социология, №2, 2009 г. 166-178;

14. Гаджиев Ю.А. Зарубежные теории регионального экономического роста и развития // Экономика региона, выпуск 2-й, 2009 г., с.45-62;

15. Ломакин В.К. Мировая экономика. Учебник. 4-е изд. –М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2012 г. – 671 с.;

16. Лисоволик Я.Д. Глобализация: от Великого шелкового пути до ВТО // Российский журнал, 12 января 2007 г.;

17. Азоев Г.Л. Конкуренция: анализ, стратегия и практика. – М.: Центр экономики и маркетинга, 1996 г. – 208 с.;

18. Жихаревич Б.С., Лимонов Л.Э., Жунда Н.Б. Региональная экономика и пространственное развитие. Учебник в 2-х томах. –М.: Юрайт, 2014 г.;

